

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**22-сон**  
**(990)**  
**2021 йил**  
**июнь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

307. «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 31 майдаги ЎРҚ–691-сон Қонуни
308. «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 июндаги ЎРҚ–692-сон Қонуни
309. «Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 июндаги ЎРҚ–693-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

310. «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини туб-

дан такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПФ–6240-сон Фармони

311. «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги ПФ–6241-сон Фармони
312. ««Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарори
313. «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПҚ–5133-сон қарори
314. «Кўчма савдо фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш ва савдо автомати орқали чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги ПҚ–5136-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

315. ««Халқлар дўстлиги» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июндаги 335-сон қарори
316. «Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 338-сон қарори
317. «Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 339-сон қарори
318. «Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 343-сон қарори
319. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўз-

бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 344-сон қарори

320. «Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сон қарори
321. «Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишда (қайта ташкил этишда) монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 346-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

322. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 26 апрелдаги 2021-21-сон «Ахборотга доир ҳамкорлик регламентининг шакли ва унга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3307*)
323. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 21 майдаги 185-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2806-1*)
324. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2021 йил 20 майдаги 213-тн-сон «Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007-1*)
325. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 21 майдаги 186-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2807-1*)

326. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 28 майдаги 30-сон «Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1505-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**307 Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 4 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 29 майда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ЎРҚ–544-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг йигирма саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг муносабатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно»;

2) **20-модда биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг муносабатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно»;

3) **21-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз — ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан, халқ депутат-

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 майда эълон қилинган.

лари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси эса тегишли вилоят, Тошкент шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг олти — саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади»;

**иккинчи — бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **22-модданинг ўн учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно»;

5) **31-модданинг учинчи қисмидаги** «эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш жойи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **38-модда учинчи қисмининг иккинчи жумласи** «паспортининг» деган сўздан кейин «ёки идентификация ID-картасининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **39-модда тўртинчи қисмининг учинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур ҳолда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни ёки Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида иштирок этиш ҳуқуқини рад этади»;

8) **48-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилади. Бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун руҳсатнома талаб қилинмайди»;

**учинчи ва тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

9) **95-модда учинчи қисмининг учинчи жумласидаги** «участка» деган сўз «округ» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) **101-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов комиссиялари сайлов кампаниясини ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу Кодекс талаблари бузилганлиги ёки сайловни ташкил этишнинг бошқа масалалари ҳусусида ўзига келиб тушган муурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши, ушбу муурожаатлар бўйича текширувлар ўтказиши ва уч кунлик муддатда уларга ёзма жавоблар бериши, сайловга камида олти кун қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган муурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, жавоб қайтариши шарт, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно»;

11) **102-модда матнининг биринчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Номзод кўрсатган сиёсий партиялар органлари, номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиши мумкин».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 31 май,  
ЎРҚ-691-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**308** Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 3 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва амал қилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган ёки унинг ҳудудида вақтинча турган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда халқаро шартномаларида белгиланган имтиёзларига ва иммунитетларига дахл қилмайди.

**2-модда. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қонунчилик**

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**фуқаролиги бўлмаган шахс** — Ўзбекистон Республикасининг фу-

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 июнда эълон қилинган.



қароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс;

**чет эл фуқароси** — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс;

**чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картаси** (бундан буён матнда идентификацияловчи карта деб юритилади) — идентификацияловчи карта эгасининг шахсини ва фуқаролигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган, эгасининг шахсга доир биографик ва биометрик маълумотлари киритилган электрон жисми (чипни) ўз ичига олган ҳужжат;

**ҳаракатланиш ҳужжатлари** — миллий паспортлар, шунингдек уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар бўлиб, улар асосида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш (ундан чиқиш) ва унинг ҳудудида бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

#### **4-модда. Икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролигига эга бўлган чет эл фуқаролари**

Икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролигига эга бўлган чет эл фуқаролари қайси давлат фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича Ўзбекистон Республикасига кирган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ўша давлатнинг фуқаролари ҳисобланади.

#### **5-модда. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати асослари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этниқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг қонуни олдида тенгдирлар.

#### **6-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча туриш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз танловига кўра ўзининг амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича жойлаштириш жойларида ёки бошқа уй-жой майдонида, шунингдек даволаш муассасаларида вақтинча яшаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтади.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **7-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш тартиби**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунчиликда белгиланадиган тартибда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи картаси берилади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга идентификацияловчи карталарни расмийлаштириш ҳамда бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

### **8-модда. Сиёсий бошпана бериш**

Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормалари асосида, ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ берилади.

Сиёсий бошпана ўз фуқаролиги бўйича мансуб бўлган мамлакатда ёки доимий яшаш жойида ижтимоий-сиёсий фаолияти, диний эътиқоди, ирқий ёки миллий мансублиги учун таъқиб қилинишдан ёки таъқибнинг жабрланувчиси бўлишига реал таҳдиддан, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бузилишларининг бошқа ҳолларидан бошпана ва ҳимоя излаётган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзоларига берилади.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

### **2-боб. Идентификацияловчи картани бериш ва бекор қилиш, унинг амал қилиш муддати**

#### **9-модда. Идентификацияловчи картани бериш**

Идентификацияловчи карта:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга — улар ўн олти ёшга тўлганида ёки ота-онасининг, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига кўра — бола туғилган пайтидан эътиборан ва ўн олти ёшга тўлгунига қадар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш учун рухсатнома олган шахсларга, шу жумладан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, бироқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилмаган ёки «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилган шахсларга;

қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк сотиб олган чет эл фуқароларига;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган шартлар асосида инвестициялар киритган чет эл фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг муассисларига (иштирокчиларига), шунингдек уларнинг оила аъзоларига;

Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана берилган чет эл фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади.

### **10-модда. Идентификацияловчи картанинг амал қилиш муддати**

Идентификацияловчи карта қуйидаги амал қилиш муддатларига берилади:

янги туғилган бир ёшгача бўлган болаларга — икки йилга;

бир ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга — беш йилга;

ўн олти ёшдан олтимиш ёшгача бўлган шахсларга — беш йилга;

олтимиш ёшдан ошган шахсларга — ўн йилга.

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатдан ўтказилган фуқароларига идентификацияловчи карта уларнинг миллий паспортларининг амал қилиш муддатидан ошмайдиган муддатга берилади.

Ушбу Қонун 9-моддасининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзоларига идентификацияловчи карта ўн йил муддатга, бироқ ўз ҳаракатланиш ҳужжатларининг амал қилиш муддатидан ошмайдиган муддатга берилади.

### **11-модда. Идентификацияловчи картани бекор қилиш**

Идентификацияловчи карта қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс қонунчиликда белги-ланган тартибда хорижга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиқиб кетганда, агар улар уч йилдан кейин узрли сабабларсиз Ўзбекистон-даги доимий яшаш жойига қайтмаган бўлса;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиқиб кетган фуқа-ролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тугагунига қадар узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги ўз доимий яшаш жойига қайтмаганда, ҳаракатланиш ҳужжатини узрли сабабларсиз хорижда алмаш-тирмаганда ёхуд уни алмаштиришни рад этганда. Касаллик, яшаб турилган мамлакатда консуллик муассасаси мавжуд эмаслиги ва фуқарога боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар узрли сабаблар ҳисобланади;

идентификацияловчи картани бекор қилиш тўғрисида чет эл фуқаро-си ёки фуқаролиги бўлмаган шахс шахсан мурожаат қилганда ёхуд нота-риал тартибда тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс мурожаат қилганда ёки хориждаги тегишли органларнинг сўровига кўра;

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Респуб-ликасидан ташқарига маъмурий тарзда чиқариб юборилганда;

суднинг қарорига асосан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бедарак йўқолган деб эълон қилинганда;

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс вафот этганда — фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг шахснинг ўлими ҳақидаги гувоҳномаси ёки маълумотномаси асосида;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаро-си ва фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қабул қилинганда;

чет эл фуқароси ўз миллий паспортининг амал қилиш муддати ту-гагандан кейин олти ой ичида уни алмаштирмаганда ёки ўз мамлақати-нинг фуқаролигидан чиққанлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этма-ганда;

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарларининг илтимосно-маси асосида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томони-дан доимий яшаш учун рухсатнома олинганда — ушбу органлар ва ташки-лотларнинг билдиришномаси асосида;

идентификацияловчи картани олиш чоғида шахс томонидан ўзи ёки ўз қариндошлари ҳақида ёлғон маълумотлар, шунингдек қалбакилаштирилган ва сохта ҳужжатлар тақдим этилганда.

### **3-боб. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда мажбуриятлари**

#### **12-модда. Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фу-

қаролиги бўлмаган шахслар ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш, турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида процессуал мажбурлов ва маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ҳамда ушлаб турилишига ёхуд қамоққа олинишига сабаб бўлган ҳолатлар тўғрисида хабар қилиниши керак.

### **13-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиши ҳудудида Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органларининг рухсатномалари асосида ҳаракатланиш амалга ошириладиган чегара зоналарида ҳамда чегара чизикларида чекланиши мумкин.

Чегараолди ҳудудлар аҳолисининг ўзаро сафарлари қондаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси билан белгиланган ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикасига кириб келган чет эл фуқаролари ҳаракатланишининг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади.

### **14-модда. Мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ёки халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда мулк ҳуқуқидан фойдаланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ва халқаро шартномаларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш ёки васият қилиш, шунингдек бошқа мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**15-модда. Меҳнат фаолиятига доир ҳуқуқ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида мажбуриятлар бўлади.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ муайян лавозимларга тайинланиш ёки муайян меҳнат фаолияти тури билан шуғулланиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик билан боғлиқ бўлса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу лавозимларга тайинланиши, сайланиши ёки муайян меҳнат фаолияти тури билан шуғулланиши мумкин эмас.

**16-модда. Ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ижтимоий таъминоти тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**17-модда. Соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқ**

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқдан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади.

**18-модда. Таълим олиш ҳуқуқи**

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

**19-модда. Никоҳ тузилганлигини (никоҳдан ажратилганликни) қайд этишга ва оилавий муносабатларга доир ҳуқуқ**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида никоҳ тузилганлигини қайд этишга доир ҳуқуққа эга.

Чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳи тузилганлигини қайд этиш ҳамда чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида, шунингдек чет эл фуқаролари ва (ёки) фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида никоҳ тузилганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан фойдаланади ва уларнинг зиммасида мажбуриятлар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонунчилигига риоя этилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар Ўзбекистон Республикасининг оила тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қилдиган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги никоҳдан, шунингдек чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

**20-модда. Маданий фаолият соҳасида иштирок этиш**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маданий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида мажбуриятлар бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз она тилидан фойдаланиш, шунингдек, миллий маданияти ва анъаналарини ривожлантириш ҳуқуқига эгадир.

**21-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, иштирокчилари (аъзолари) бўлиши мумкин, бундан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар мустасно.

**22-модда. Мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига, ташкилотларга ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқиш чоғида чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этадиган маълумотларни ўз ичига олмаса, шунингдек улар билан танишиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлайди.

**23-модда. Давлат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ давлат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**24-модда. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси сайловларида ҳамда референдумида иштирок этишини чеклаш**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларида сайловчилар сифатида иштирок этиши мумкин эмас, давлат ҳокимияти органларига сайланиши (тайинланиши) мумкин эмас, Ўзбекистон Республикасининг референдумида, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

**25-модда. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя этиши;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши;

Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаши;



атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши шарт.

**26-модда. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг умумий ҳарбий мажбуриятга алоқадорлиги**

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**27-модда. Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга солиқ солиш**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган солиқларни ва унда назарда тутилган йиғимларни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ тўлайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкин.

**4-боб. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши, Ўзбекистон Республикасидан чиқиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиши**

**28-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш**

Чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси томонидан виза режими ўрнатилган мамлакатлар учун эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги кириш визалари (шу жумладан электрон визалар) мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикасига кириши мумкин.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги кириш визалари мавжуд бўлган тақдирда амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикасига кириши мумкин, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно.

Ушбу Қонун 9-моддасининг олтинчи хатбошисига биноан ўзига идентификацияловчи карта берилган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ёки унинг ҳудуди орқали транзит ўтиш учун визалар, бундан электрон визалар мустасно:

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари (бундан буён матнда консуллик муассасалари деб юритилади) томонидан, бундай консуллик муассасалари мавжуд бўлмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг икки томонлама битимлари мавжуд бўлган бошқа давлатларнинг консуллик муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро аэропорт мақомига эга бўлган аэропортларидаги бўлинмалари томонидан расмийлаштирилади ва берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун визалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик муассасалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро аэропорт мақомига эга бўлган аэропортларидаги бўлинмалари томонидан чет эл фуқароларининг барча тоифаларига берилади.

Алоҳида ҳолларда (фавқулодда вазиятларда, давлат ташрифларини ёки расмий ташрифларни, йирик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий, гуманитар ва спорт тадбирларини ўтказиш, шунингдек инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари раҳбарлари бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун визалар бериш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, қабул қилинган қарор тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини бир сутка ичида хабардор қилади.

Фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган мамлакатлар рўйхатида киритилган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларига ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилмаган ҳолда тегишли электрон тизим орқали Ўзбекистон Республикасининг электрон визасини расмийлаштириши ва олиши мумкин.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визаларининг амал қилиш муддатини узайтириш қонунчилиққа мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби, уларга визалар бериш ҳамда уларнинг амал қилиш муддатларига оид ушбу Қонун билан тартибга солинмайдиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тенглик асосида тузилган халқаро шартномаларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида белгиланиши мумкин.

### **29-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришни рад этиш асослари**

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаросига ва

фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

давлат хавфсизлигини ёки жамоат тартиби муҳофаза қилинишини таъминлаш манфаатларини кўзлаб;

агар шахс халқаро ва хорижий террорчилик, экстремистик ҳамда бошқа жиноий ташкилотлар фаолиятига алоқадор бўлса;

агар шахс ўзи ҳақида била туриб сохта маълумотлар берган бўлса, қалбаки ҳужжатларни тақдим этган бўлса ёки зарур ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

агар шахс илгари Ўзбекистон Республикасида бўлган вақтида жиноят содир этганликда айбдор деб топилган ва суднинг ҳукми билан жазога тортилган бўлса;

агар шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ҳуқуқи муайян муддатга чекланган ва бу муддат ҳали тугамаган бўлса;

агар шахс касал бўлса ёки унинг соғлигида фуқаролар хавфсизлиги ва соғлиги учун таҳдид тувдирадиган бузилишлар бўлса ҳамда тегишли касаллик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун виза беришни рад этиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришни рад этиш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун визани бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилган органлар бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, уларнинг қариндошлари ва вакилларини бундай қарорлар қабул қилинишининг асослари тўғрисида хабардор қилиши шарт эмас.

### **30-модда. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш**

Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги чиқиш визалари мавжуд бўлган тақдирда, амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича чиқиб кетади.

Чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга амал қилиш муддати тугаган миллий паспорт билан, визасиз ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишга қўйидаги ҳолларда рухсат берилади, агар:

чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор асосида чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс чиқариб юборилаётган ёки жиноий жавобгарликка тортилган бўлса (миллий паспортга чиқариб юбориш тўғрисида қўйилган қайд асосида);

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахслар Ўзбекистон Республикасига муайян муддатга визасиз, электрон, туристик, ҳайдовчилик ва транзит визаси билан келган бўлиб, шу муддат ичида улар бахтсиз ходиса (жароҳат ёки бошқа оғир касаллик)

оқибатида тиббиёт муассасасига жойлаштирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кета олмаган бўлса (тиббиёт муассасасининг хулосаси асосида);

эпидемия (пандемия) муносабати билан карантин жорий этилган ҳудудда вақтинча туриш муддати тугаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс карантин даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этаётган бўлса;

хайдовчи бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудига автотранспорт воситасида кириб келган бўлса ҳамда йўл-транспорт ходисаси ёки автотранспорт воситаси бузилганлиги сабабли (ушбу вазиятни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан белгиланган муддатда чиқиб кетиш имконига эга бўлмаган бўлса;

чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазият, шу жумладан маиший хусусиятга эга офат (турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ёнғини, қулаши, транспорт воситаси ёниб кетиши) натижасида ўзининг айбисиз жабрланган бўлса (мазкур ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат асосида).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида ички ишлар органларининг қайди мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикасидан ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича чиқиб кетади.

### **31-модда. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш учун асослар**

Чет эл фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасидан чиқишига қўйидаги ҳолларда рухсат берилмайди, агар:

унинг чиқиб кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса, чиқишга монелик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиши тугагунига қадар;

шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга чиқишига монелик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса, ушбу мажбуриятлар тугагунига қадар;

шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, ушбу жиноий иш бўйича иш юритиш тугагач иш юзасидан процессуал қарор қабул қилингангунига қадар;

шахс жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, жазони ўтаб бўлгангунига ёки жазодан озод этилгангунига қадар;

шахс ўз зиммасига суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлайётган бўлса, мажбуриятларни бажариш тугагунига қадар;

шахс чиқиш ҳужжатларини олиш чоғида ўзи ҳақида била туриб сохта маълумотларни берган бўлса, ҳолатлар аниқлаштирилгангунига қадар;

судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси кўзғатилган бўлса, суд томонидан қарор қабул қилингунига ва у ижро этилгунига қадар.

Ўзбекистон Республикасидан чиқишни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилган органлар чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, уларнинг қариндошларини бундай қарорлар қабул қилинишининг асослари тўғрисида хабардор қилади.

### **32-модда. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиши**

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига киришига ҳамда Ўзбекистон Республикасидан чиқишига транзит визалар мавжуд бўлган тақдирда амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит визасиз транзит ўтиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаво, темир йўл, автомобиль ва сув транспорти билан транзит ўтишига бориладиган мамлакатга кириш учун ҳақиқий ҳисобланган ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа транспортга ўтиш пунктидан жўнаб кетиш санаси тасдиқланган тегишли ҳаракатланиш ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикасининг транзит визасига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтиш пунктига транзит ўтиш қоидаларига риоя этган ҳолда, белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транзит визасида кўрсатилган муддат ичида тўхташи керак.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **33-модда. Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида туриши ҳамда транзит ҳаракатланишини назорат қилиш**

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида туриши ҳамда транзит ҳаракатланишини назорат қилиш ички ишлар органлари ва

бошқа ваколатли органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

### **5-боб. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жавобгарлиги**

#### **34-модда. Ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятлар, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан умумий асосларда жавобгарликка тортилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча ёки доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар туриш қоидаларини бузганлик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда маъмурий тарзда чиқариб юбориш қўлланилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши учун тақиқ қўйилиши, шунингдек уларнинг туриш муддати қисқартирилиши ҳам мумкин.

Ўн саккиз ёшгача бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

#### **35-модда. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига маъмурий тарзда чиқариб юбориш**

Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган ёки доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар туриш қоидаларини бузганлик, яъни ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар бўйича яшаш, доимий яшайдиган ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг, ҳаракатланишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганлик, туриш муддати тугаганидан кейин чиқиб кетишдан бўйин товлаганлик, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига риоя этмаганлик, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган ҳамда доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жинояти учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этиб бўлганидан ёки ўтаб бўлганидан ёхуд Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилганидан кейин Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилиб, кейинчалик уларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи чекланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган ёки доимий яшай-

диган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига киришини чеклаш муддати ҳамда тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланади.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини чеклаш муддати улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилган (Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтган) пайтдан эътиборан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига мажбурий равишда чиқариб юборилган тақдирда, улар муддати ўтган ҳаракатланиш ҳужжатлари ёки визалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ваколатли органлар ходимларининг ҳамроҳлигида ўтказиб юборилиши мумкин.

Хизмат, шахсий, савдо ёки жамоат ишлари бўйича, ўқиш, малака ошириш, ишлаш учун ёки турист сифатида келган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш ҳаракатлари уларни таклиф этаётган ҳамда қабул қилаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг зиммасида бўлади. Бошқа чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни чиқариб юбориш ҳаракатлари ички ишлар органларининг зиммасида бўлади.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга берилган виза улар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилаётганда бекор қилинади.

Агар ўн саккиз ёшга тўлмаган чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ота-онасидан бири ёхуд ҳомийси ёки васийси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда яшаш ҳуқуқига эга бўлса, ушбу шахсларни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузганда, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар бўйича яшаганда, вақтинча турган ёки доимий яшайдиган жойи бўйича рўйхатга олишининг, ҳаракатланишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганда, туриш муддати тугаганидан кейин чиқиб кетишдан бўйин товлаганда, худди шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига риоя этмаганда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жинояти учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этиб бўлганда ёки ўтаб бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда жинорий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилганда.

Чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

### **36-модда. Ўзбекистон Республикасида туриш муддатини қисқартириш**

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республи-

касининг қонунчилигини, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузадиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида туриш муддати Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда қисқартирилиши мумкин.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида туриш муддати юридик шахслар ёки таълим ташкилотлари билан шартномавий муносабатлар тугатилганда уларнинг илтимосномалари асосида ҳамда таклиф қилаётган жисмоний ёки юридик шахсларнинг аризасига кўра ҳам қисқартирилиши мумкин.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **37-модда. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **38-модда. Реторсия**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларига махсус чекловлар бўлган давлатлар фуқароларининг ҳуқуқларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси томонидан жавоб тариқасида чекловлар белгиланиши мумкин.

#### **39-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

#### **40-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

#### **41-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради. Мазкур Қонун кучга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудуд



дида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилган яшаш гувоҳномаси қонунчиликда назарда тутилган тартибда бекор қилингунига ёки идентификацияловчи картага алмаштирилгунига қадар ҳақиқий ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 июнь,  
ЎРҚ-692-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**309** Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 27 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 29 майда  
маъқулланган

Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенцияси (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 июнь,  
ЎРҚ-693-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 июнда эълон қилинган.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **310** Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида\*

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология соҳаларида таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани халқаро андозаларга мослаштириш, стандартлардан кенг фойдаланиш муҳитини яратиш, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (кейинги ўринларда — Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги: техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология соҳаларида давлат сиёсатини амалга оширувчи республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади; ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: санитария-эпидемиологик хулосаси мажбурий тартибда олиниши лозим бўлган озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан мувофиқлик сертификатини олиш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бунда, ушбу маҳсулотларни тайёрловчилар (ишлаб чиқарувчилар), етказиб берувчилар ва сотувчилар уларнинг техник регламентлар ва стандартлар билан белгиланган мажбурий талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади;

2021 йил 1 сентябрдан айрим турдаги хавфлилик даражаси юқори бўлмаган маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш мувофиқликни декларациялаш йўли билан амалга оширилади. Бунда, мувофиқликни декларациялаш техник регламент талаблари асосида маҳсулотнинг тўлиқ синовлари ўтказилгандан сўнг ижобий синов натижаларига кўра тузиладиган синов баённомалари асосида мувофиқлик сертификати берилмаган ҳолда амалга оширилади;

халқаро ILAC/IAF ташкилотлари аъзоси ҳисобланган аккредитация идораси томонидан аккредитация қилинган Ўзбекистон Республикаси рези-

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 июнда эълон қилинган.

дентлари — мувофиқликни баҳолаш органларига миллий аккредитациядан ўтмаган ҳолда, аккредитация доираси ҳақида «Ўзбекистон аккредитация маркази» ДКни хабардор қилиб, мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга рухсат берилади. Бунда, расмийлаштирилган мувофиқликни баҳолаш ҳужжатларида ILAC/IAF ташкилотларининг тан олиш белгилари кўрсатилиши ва ушбу ҳужжатлар уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан таъминланиши шарт.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб импорт қилувчиларга қулайлик яратиш ҳамда ички бозорга сифатли ва хавфсиз маҳсулотларнинг кириб келишини таъминлаш мақсадида:

а) хавфлилик даражаси юқори бўлган айрим турдаги маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказгандан сўнг республика ҳудудига эркин муомалага чиқариш (жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида олиб келинган маҳсулотлар бундан мустасно) тартиби жорий этилади. Бунда:

республика ҳудудига олиб кириладиган шу турдаги маҳсулотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ушбу маҳсулотлар божхона ҳудудига келишидан камида 15 кун олдин божхона электрон дастурига жойлаштирилиши шарт;

маҳсулотларни «эркин муомалага чиқариш» божхона режимига ўтказиш давлат божхона хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланган аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан расмийлаштирилган тегишли мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

б) хавфлилик даражаси юқори бўлмаган айрим турдаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланган аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларида мувофиқлик сертификатини (амал қилиш муддатидан қатъи назар) бир марта расмийлаштирган ҳолда йигирма тўрт ой давомида импорт қилишга рухсат этилади. Бунда:

мазкур тартиб мувофиқлик сертификатидан кўрсатилган айнан бир ишлаб чиқарувчининг маҳсулот турларига нисбатан амал қилади;

импорт қилувчининг маҳсулотлар мувофиқлиги тўғрисидаги декларацияси давлат божхона хизмати органлари томонидан маҳсулотни «эркин муомалага чиқариш» божхона режимига ўтказиш учун асос бўлади;

мазкур соддалаштирилган тартибда олиб кириладиган товарларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун ушбу товарларни олиб кираётган тадбиркорлик субъектлари жавобгар ҳисобланади;

в) республикага олиб келинадиган маҳсулотларнинг техник регламентлар, стандартлар ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқлиги устидан назорат Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ёки унинг тузилмасидаги ваколатли ташкилот томонидан хавф-хатарлар таҳлили асосида амалга оширилади;

г) техник регламентлар, стандартлар ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган мажбурий талабларга номувофиқ деб топилган маҳсулотлар рўйхатини юритиш Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ёки унинг тузилмасидаги ваколатли ташкилот томонидан амалга оширилади. Бунда, рўйхатга киритилган маҳсулотларни, рўйхатга олинган кундан бошлаб 6 ой муддатгача рўйхатдан чиқариш, номувофиқ деб топилган тегишли маҳсулотни ишлаб чиқарувчи (унинг расмий вакили) томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, эркин муомалага чиқариш тақиқланади.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг:

ташкилот стандартлари тоифасига кирувчи стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишни бекор қилиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан ташкилот стандартларини экспертизадан ўтказиш ишларини ҳақ олмасдан амалга ошириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда, ташкилот стандартларида белгиланадиган кўрсаткичлар (талаблар) Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган тегишли маҳсулотларга оид стандартлар талабларидан паст бўлган ҳолларда, ушбу ташкилот стандартларига асосан маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

6. Белгилаб қўйилсинки, маҳаллий мувофиқликни баҳолаш органларида маҳсулотнинг хорижий давлатларнинг стандартларига мувофиқлигини баҳолаш учун хорижий давлатлар стандартларининг Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинмайди.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2021 йил 1 июлга қадар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни қабул қилиш тартибини халқаро талаблар асосида соддалаштириш бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Янги қабул қилинаётган халқаро стандартларни ва техник регламентларни жорий этиш, қўллаш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш талабларига риоя этилмаган ҳолатлар юзасидан киритилган тақдимномалар корхона ва тармоқ раҳбарларининг ойлик, чораклик ва йиллик рағбатлантириш мезонларини шакллантиришда инобатга олинсин.

9. Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда икки ой муддатда корхоналарни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан камраб олиш даражасини 2021 йилда 20 фоизга ва 2022 йилда 40 фоизга етказиш бўйича чора-тадбирларни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон Фармони билан тасдиқланган Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) этиб қайта номлансин.

Белгилансинки, Ҳукумат комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари ва ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

11. Ҳукумат комиссиясига ташқи савдони техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида қўйидаги вазифалар юклатилсин:

халқаро стандартларни ва техник регламентларни жорий этиш, қўллаш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш талабларига риоя этиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, корхона ва тармоқ раҳбарларига нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриб бориш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурий бўлган маҳсулотлар рўйхатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

хавфлилик даражаси юқори бўлган айрим турдаги маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини ҳамда бундай маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

маҳаллий корхоналарнинг халқаро стандартларни харид қилиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартибини тасдиқлаш;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг ташкилий тузилмасига кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари учун қўшимча (меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган тўловларидан ташқари) тўловларни белгилаш.

Ҳукумат комиссияси йиғилишларида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ижроси ҳар чоракда муҳокама этиб борилсин.

12. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология соҳаларида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун:

а) маҳсулотларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида ва техник регламентларда белгиланган мажбурий талабларга ишлаб чиқарувчи ёки олиб қирувчи томонидан риоя этилмаган ҳолларда юридик шахсларга:

ҳуқуқбузарлик огоҳлантиришдан сўнг биринчи марта содир этилганда — реализация қилинган маҳсулот қийматининг 50 фоизигача миқдорда молиявий жарима;

ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бир йил давомида такроран содир этилганда — реализация қилинган маҳсулот қийматининг 100 фоизигача миқдорда молиявий жарима;

б) қонунчилик ҳужжатлари, техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг мажбурий талаблари, метрология, сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш қоидалари бузилган ҳолларда мансабдор шахсларга:

ҳуқуқбузарлик огоҳлантиришдан сўнг биринчи марта содир этилганда — базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда маъмурий жарима;

шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилганда — базавий ҳисоблаш

микдорининг 80 бараваригача микдорда маъмурий жарима кўринишидаги таъсир чоралари белгилансин.

Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва техник регламентларда белгиланган мажбурий талабларга номувофик деб топилган маҳсулотлар эркин муомаладан чиқарилиши ва йўқ қилиниши лозим. Молиявий жариманинг тўланиши мазкур талабнинг бажарилишидан озод этмайди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ва Олий суд билан биргаликда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа қонунларга мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. 2021 йилда сифат миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Қуйидагилар:

қурилиш вазири Б. Закиров зиммасига — қурилиш материаллари, қурилиш индустрияси, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялаш бўйича; қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев зиммасига — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси бўйича;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А. Максудов зиммасига — табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш бўйича;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси Б. Гулямов зиммасига — ускуна ва буюмларнинг саноат ва фойдаланиш хавфсизлиги бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги мажбурий талабларнинг бажарилишини, маҳсулотлар хавфсизлигини ва мувофиқликни тасдиқлашни ташкил этиш ҳамда таъминлаш юклансин.

15. Қуйидагиларга:

инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосарлари А. Воитов, Л. Қудратов ва Б. Абидовга — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини халқаро андозалар, шу жумладан Жаҳон савдо ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Европа Иттифоқи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги амалиёти асосида такомиллаштириш учун хорижий ҳамкорларни ва инвестицияларни жалб қилиш юзасидан;

Давлат божхона қўмитасининг раиси М. Азимовга — чегара божхона постларида назорат тартиботларини бажаришда санитария-эпидемиология, фитосанитария ва ветеринария назорати органлари фаолиятининг самарали ва оператив мувофиқлаштирилишини таъминлаш, маҳсулотларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олдиндан божхона электрон дастурига жойлаштирилмаган маҳсулотларни республика ҳудудига олиб кирилишига йўл қўймаслик юзасидан;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директорига — техник жиҳатдан тартибга солиш тизими, шу жумладан, қонунчилик, техник регламентлар ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат назорати самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришда корхоналарга услубий ва амалий кўмак кўрсатиш юзасидан;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б. Юсупалиевга — мажбурий тартибда санитария-эпидемиологик хулосаси олиниши лозим бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари устидан самарали назоратни таъминлаш, хавфли озиқ-овқат маҳсулотларини эркин муомалага чиқаришнинг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини киритсин;

2021 йил 1 августга қадар хавфлилик даражаси юқори бўлган айрим турдаги маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, хавфлилик даражаси юқори бўлмаган айрим турдаги маҳсулотларни олиб киришда уларнинг мувофиқлигини баҳолаш, мувофиқликни декларациялаш, шунингдек, техник регламентлар ва стандартлар талабларига номувофиқ деб топилган маҳсулотлар рўйхатини юритиш, уларни эркин муомаладан чиқариш ва йўқ қилиш тартибларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил якунига қадар барча тизим ташкилотларида ISO 37001 халқаро стандартига асосан, коррупцияга қарши менежмент тизимларини жорий этиш ва сертификатлашни таъминласин;

икки ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 июнь,  
ПФ-6240-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 2 июндаги  
ПФ–6240-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–4848-сон Фармони 6-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатлардан халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан тузилган битимлар ҳамда қондалар доирасида фойдаланиш мақсадида уларни жаҳон Интернет ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминласинлар».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхати қуйидаги мазмундаги 33-позиция билан тўлдирилсин:

«

33.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг Давлат назорати департаменти ваколатига кирувчи масалалар бўйича текширувлар.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	10 кундан ошмаган ҳолда
-----	---	--	-------------------------

».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги «Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–6042-сон Фармони 4-банди:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ҳудудлардаги эркин иқтисодий зоналар дирекцияларининг директорларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармони билан тасдиқланган Хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали оммавий савдоларда тўлиқлигича давлат акция пакетлари (улушлари) сотиладиган корхоналар рўйхатининг 26-позицияси чиқариб ташлансин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**311 Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг энг кам пенсия ва нафақа миқдорларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларини инobatга олиб, 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

а) белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов (кейинги ўринларда — қўшимча тўлов) жорий этилсин.

Бунда, иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 256 675 сўмдан 400 000 сўмга оширилади;

б) белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 565 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори 565 000 сўмга етказилсин;

в) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 315 030 сўмдан 400 000 сўмга етказилсин;

г) боқувчисини йўқотганлик:

пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун қўшимча тўлов жорий этилсин;

пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори 256 675 сўмдан 400 000 сўмга оширилсин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин;

нафақаси олувчи оилаларнинг барча аъзоларини қамраб олиш мақсадида уларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори 400 000 сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун 150 000 сўмдан қўшилиши белгилансин;

д) болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа ойига 513 350 сўмдан 565 000 сўмга оширилсин.

2. Молия вазирлиги ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирлар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси қолдиқ маблағлари ҳамда республика бюджети ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 июнда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармон мақсади ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.А. Кучкаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 июнь,  
ПФ-6241-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 4 июндаги  
ПФ-6241-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияси тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, ёшидан қатъи назар, иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 15 ва 16-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда тайинланади.

16. Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс вафот этган тақдирда вафот этганнинг оила аъзоларига нафақа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда тайинланади»;

б) 16<sup>1</sup>-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 107-банди «в» кичик бандидаги «ёшга доир энг кам пен-

сиянинг 50 фоизидан» деган сўзлар «қонунчилик хужжатларда белгиланган миқдорлардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги «Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 731-сон қарори 3-бандининг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун тўланаётган пул компенсацияси (кейинги ўринларда пул компенсацияси деб аталади) нафақалар тўланиши учун масъул бўлган органлар томонидан ҳисобланади ва 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Бунда, 2021 йил 1 июлга қадар ёшга доир ва ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимандага), болаликдан ногирон бўлган 18 ёшдан катта шахсларга нафақа, 18 ёшгача бўлган ногирон болалар ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа, шунингдек, белгиланган энг кам ёшга доир пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчига тайинланган, бироқ уларга тўланмай қолган пул компенсацияси қайд этилган пенсия ҳамда нафақа суммасига қўшилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги «Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 866-сон қарори 5-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 14 ёшгача бўлган болалари учун тайинланган нафақани олувчи оилаларга ҳам 50 минг сўм миқдорида ҳар ойлик пул компенсацияси жорий этилиб, бунинг ҳисобига уларнинг нафақа миқдори 50 минг сўмга қўпаяди.

Ушбу бандда назарда тутилган пул компенсацияси нафақалар тўланиши учун масъул бўлган органлар томонидан ҳисобланади ва нафақалар билан бир вақтда тўланади».

*Изоҳ: мазкур ўзгартиришлар 2021 йил 1 июлдан кучга киради.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**312 «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг таъсирчан тизимини яратишда «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ўрнини мустаҳкамлаш, унинг аҳамиятини янада ошириш ҳамда самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6166-сон Фармони билан:

«Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими (кейинги ўринларда — «Ijgo.gov.uz» тизими) орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари (кейинги ўринларда — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар) ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинганлиги;

2021 йил 1 майдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижрони назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш фақат «Ijgo.gov.uz» тизимида амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг 1 ва 2-иловаларга\*\* мувофиқ қуйидаги тартиби жорий этилсин:

биринчи босқич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни «Ijgo.gov.uz» тизимига киритиш учун Адлия вазирлигига юборади;

иккинчи босқич — Адлия вазирлиги «Ijgo.gov.uz» тизимига назоратга олинадиган топшириқларни киритади, мазкур топшириқлардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини белгилайди. Бунда, Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар бўйича ўзининг аппаратида топшириқлардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочини, зарур бўлганда, вазирлик ва идораларни белгилайди ҳамда топшириқларни назоратга олади;

учинчи босқич — давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 майда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва бу ҳақда «Ijgo.gov.uz» тизимига белгиланган шаклдаги маълумотларни киритади;

тўртинчи босқич — Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради;

бешинчи босқич — Вазирлар Маҳкамаси «Ijgo.gov.uz» тизимида Ҳукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан киритилган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан текширилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади, шунингдек ҳар ойда Раёсат мажлисларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси натижадорлигини танқидий кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тегишли таклифлар билан биргаликда умумлаштирилган маълумот киритади;

олтинчи босқич — Ҳисоб палатаси «Ijgo.gov.uz» тизимида масъул ижрочилар томонидан киритилиб, Адлия вазирлиги ва Ҳукумат томонидан текширилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни назоратдан ечади ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради;

еттинчи босқич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

3. Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз «технологик занжир»ни ташкил қилиш борасидаги устувор йўналишлар этиб кўйидагилар белгилансин:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ҳамда юксак профессионал даражада тайёрлаш;

бошқарув тизимини, замонавий Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги босқичини, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, республика ҳудудларини мақсадли ҳамда устувор вазифаларга мувофиқ такомиллаштириш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ва режали ташкил қилиш, уларнинг бажарилиш ҳолатини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чоралар кўриш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлардаги назорат бандларида аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича «йўл хариталари»ни (ҳаракат режаларини) ўз вақтида ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул бўлинмаларининг ижро интизомини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш;

ташкилий, ижро ва назорат фаолияти ягона тизимининг натижадорлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини белгилаш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра «Ijro.gov.uz» тизими орқали назорат ва ҳисобдорликни ташкил этишда:

давлат органлари ва ташкилотлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни 3-иловага\* мувофиқ тартибда ташкил этади, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ҳамда бу ҳақда «Ijro.gov.uz» тизимига тегишли маълумотларни киритади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни 4-иловага\* мувофиқ тартибда ташкил этади, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг жойларда тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ҳамда бу ҳақда «Ijro.gov.uz» тизимига тегишли маълумотларни киритади;

ҳўжалик бирлашмалари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни 5-иловага\* мувофиқ тартибда ташкил этади, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ҳамда бу ҳақда «Ijro.gov.uz» тизимига тегишли маълумотларни киритади.

5. «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот ҳар олти ойда масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритиб борилади;

«Ijro.gov.uz» тизимига давлат органлари ва ташкилотларини улаш ва уларнинг «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишини таъминлаш Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларида белгиланган ижро муддатлари фақатгина Адлия вазирлиги ва, зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиб, Ҳисоб палатаси хулосаси олинган таклифлар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти рухсати билан узайтирилади;

махфийлик белгиси остидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари маълумотлар базасини юритиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари масъул ҳисобланади.

---

\* 3 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Молия вазирлиги «Ijro.gov.uz» тизимида давлат органлари ва ташкилотларини улаш ва уларнинг «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишини таъминлаш билан боғлиқ мақсадлар учун маблағларни 2021 йилда Давлат бюджети параметрлари доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса давлат органлари ва ташкилотларининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3962-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 10 январга қадар «Ijro.gov.uz» тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этишда юзага келган муаммолар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, «Ijro.gov.uz» тизими самарадорлигини ошириш ҳамда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида ушбу қарор билан тасдиқланаётган вақтинчалик низомни такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларига — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ижро интизомини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалда бажарилишида кўмаклашиш учун;

Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари томонидан тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан ишларнинг ташкил қилиниши учун;

Ҳисоб палатаси раисига — давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларида ижро интизомини тегишли даражада таъминлаш учун;

адлия вазирига — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида бажарилишининг назорати олиб борилиши, «Ijro.gov.uz» тизими самарали юритилиши ҳамда манзилли ва тематик таҳлилларнинг сифатли ташкил этилиши учун;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирига — «Ijro.gov.uz» тизими узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий асосда чоралар кўриб борилиши учун;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар «Ijro.gov.uz» тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 31 май,  
ПҚ-5132-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 31 майдаги  
ПҚ-5132-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**«Ijgo.gov.uz» ижро интизومي идоралараро ягона электрон  
tizими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари  
ижросини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ijgo.gov.uz» ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими (кейинги ўринларда — «Ijgo.gov.uz» тизими) орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари (кейинги ўринларда — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар) ижросини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. «Ijgo.gov.uz» тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида ижро этилишининг назоратини олиб бориш ва «Ijgo.gov.uz» тизимини юритиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**оператор** — «Ijgo.gov.uz» тизимини давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари фаолиятига жорий қилиш учун жавобгар бўлган, шунингдек, унинг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» давлат унитар корхонаси таъсисчилигидаги «UNICON-SOFT» масъулияти чекланган жамияти;

**масъул ижрочилар** — давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари;

**«Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчилари** — «Ijgo.gov.uz» тизими-



ни қўллаган ҳолда ўз лавозим мажбуриятлари доирасида ҳаракатланаётган масъул ижрочилар раҳбарлари ва ходимлари.

4. «Ijgo.gov.uz» тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси қўйидаги тартибда амалга оширилади:

биринчи босқич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг электрон нусхаларини Адлия вазирлигига юборади;

иккинчи босқич — Адлия вазирлиги «Ijgo.gov.uz» тизимига назоратга олинadиган топшириқларни киритади, мазкур топшириқлардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини белгилайди. Бунда, Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар бўйича ўзининг аппаратида топшириқлардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочини, зарур бўлганда, вазирлик ва идораларни белгилайди ҳамда топшириқларни назоратга олади;

учинчи босқич — масъул ижрочилар қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ва бу ҳақда «Ijgo.gov.uz» тизимига белгиланган шаклдаги маълумотларни киритади;

тўртинчи босқич — Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади;

бешинчи босқич — Вазирлар Маҳкамаси «Ijgo.gov.uz» тизимида Ҳукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан киритилган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан текширилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади;

олтинчи босқич — Ҳисоб палатаси «Ijgo.gov.uz» тизимида масъул ижрочилар томонидан киритилиб, Адлия вазирлиги ва Ҳукумат томонидан тасдиқланган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни назоратдан ечади ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади;

еттинчи босқич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек, зарурат бўлганда, назоратдан ечилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни қайта назоратга қўяди, уларнинг айримларини алоҳида назоратга олади (назоратдан фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан ечилади).

5. «Ijgo.gov.uz» тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этиш ушбу Низомга 1 ва 2-иловалардаги\* намуналарга мувофиқ амалга оширилади.

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**2-боб. «Ijgo.gov.uz» тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этиш**

**1-§. Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш**

а) Адлия вазирлиги марказий аппарати

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан юборилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида Адлия вазирлиги масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда Адлия вазирлиги раҳбариятига ахборот берилади.

7. Адлия вазирлиги раҳбарияти қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни «Ijgo.gov.uz» тизимига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларини назорат қилиш бошқармасига (кейинги ўринларда — Назорат қилиш бошқармаси) тегишли топшириқ беради.

8. Назорат қилиш бошқармаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда назарда тутилган масъул ижрочилар ва уларни бажариш муддатларини аниқ кўрсатган ҳолда бир кун муддатда «Ijgo.gov.uz» тизимига назорат топшириқларини киритади.

9. Назорат қилиш бошқармаси қуйидаги ҳолларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни назоратга олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига (кейинги ўринларда — Адлия вазирлиги ҳудудий бўлинмалари) «Ijgo.gov.uz» тизими орқали юборади:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмалари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда тўғридан-тўғри масъул ижрочи этиб белгиланганда;

б) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар Вазирлар Маҳкамаси ёки давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмаларининг марказий аппарати томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликларига, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмаларига ижро учун юборилганда.

10. Ижро муддати яқинлашган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича масъул ижрочиларга топшириқ муддати тугашидан ўн кун олдин «Ijgo.gov.uz» тизимида автоматик равишда эслатмалар юборилади.

11. Назорат қилиш бошқармаси «Ijgo.gov.uz» тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг мунтазам мониторингини амалга оширади ва масъул ижрочиларга топшириқларни бажаришда ҳукукий-услубий жиҳатдан кўмаклашади.

б) Адлия вазирлиги ҳудудий бўлинмалари

12. Ушбу Низомнинг 9-бандида белгиланган ҳолларда Назорат қилиш бошқармаси томонидан «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган назорат топшириқлари бир вақтнинг ўзида «Ijgo.gov.uz» тизими орқали автоматик тарзда Адлия вазирлиги ҳудудий бўлинмаларига назорат учун юборилади.

13. Адлия вазирлиги томонидан юборилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида Адлия вазирлиги ҳудудий бўлинмаси масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда Адлия вазирлиги ҳудудий бўлинмаси бошлиғига ахборот берилади.

14. Адлия вазирлиги ҳудудий бўлинмаси бошлиғи қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни назоратга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бўлимига (кейинги ўринларда — Назорат қилиш бўлими) топшириқ беради.

15. Назорат қилиш бўлими бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни назоратга олади ҳамда уларнинг ижросини «Ijgo.gov.uz» тизимида доимий равишда мониторинг ва таҳлил қилиб боради.

16. Назорат қилиш бўлими масъул ижрочилар томонидан «Ijgo.gov.uz» тизимига топшириқ ижроси бўйича киритилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини, шу жумладан, амалий натижаларни кўздан кечириш мақсадида жойларга чиқиш орқали текширади ҳамда Назорат қилиш бошқармасига бир кун муддатда ахборот тақдим этади.

17. Назорат қилиш бўлими қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда масъул ижрочиларга ҳуқуқий-услубий жиҳатдан кўмаклашади.

18. Назорат қилиш бўлими қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқнинг ижро муддати тугашидан ўн кун олдин топшириқнинг ижро ҳолати тўғрисида Назорат қилиш бошқармасига ахборот беради.

19. Назорат қилиш бўлими бажарилмаган ва муддати кечиктирилиб бажарилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар таҳлили ва ҳисобини юритади ҳамда натижаси бўйича умумлаштирилган ахборотни ҳар ой якунида Назорат қилиш бошқармасига тақдим қилиб боради.

## **2-§. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш**

а) Давлат органлари ва ташкилотлари марказий аппарати

20. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида давлат органлари ва ташкилотлари марказий аппарати масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот берилади.

21. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

22. Масъул ижрочи уч кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

Масъул ижрочи, заруратга кўра, раҳбариятга ахборот берган ҳолда ҳудудий бўлинмалар ёки тизим ташкилотларига амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатларини аниқ белгиланган ҳолда топшириқни юборади. Бунда, марказий аппарат масъул ижрочиси ҳудудий бўлинмалар томонидан топшириқ бажарилишини қатъий назоратга олиши ва ижросини таъминлашда кўмаклашиши зарур.

23. Масъул ижрочи қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган, раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган белгиланган шаклдаги маълумотни, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijro.gov.uz» тизимига киритади.

Агар «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул ижрочи бу ҳақда раҳбариятга ахборот беради, камчиликларни зудлик билан бартараф этади ва тегишли маълумотларни «Ijro.gov.uz» тизимига қайтадан киритади.

24. Назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинма:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича белгиланган шаклдаги маълумотлар «Ijro.gov.uz» тизимига тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олади;

агар топшириқ ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул ижрочи томонидан камчиликлар зудлик билан бартараф этилиши ва тегишли маълумотлар тасдиқлаш учун «Ijro.gov.uz» тизимига қайтадан киритилишини назоратга олади.

25. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати:

хар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

хар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида;

хар ойда — ҳайъат мажлисларида муҳокама қилинади.

Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилади.

б) Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари

26. Давлат органлари ва ташкилотлари марказий аппаратидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ҳамда улар бўйича назорат режалари келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ва раҳбариятга ахборот берилади.

27. Ҳудудий бўлинмалар раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма —

масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топширик беради.

28. Масъул ижрочи уч кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

29. Масъул ижрочи қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган, раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган белгиланган шаклдаги маълумотни, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijro.gov.uz» тизими орқали давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратига киритади.

30. Назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинма қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича белгиланган шаклдаги маълумотлар, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijro.gov.uz» тизими орқали давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратига ўз вақтида тақдим этилишини назоратга олади.

31. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати:

ҳар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида муҳокама қилинади.

Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилади.

### **3-§. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш**

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

32. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда — вилоят ҳокимликлари) масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот берилади.

33. Вилоят ҳокимлиги раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топширик беради.

34. Масъул ижрочи уч кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

Масъул ижрочи, заруратга кўра, раҳбариятга ахборот берган ҳолда туман (шаҳар) ҳокимликларига амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатларини аниқ белгиланган ҳолда топшириқни юборади. Бунда, вилоят ҳокимлиги масъул ижрочиси туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан топши-

риқ бажарилишини қатъий назоратга олиши ва ижросини таъминлашда кўмаклашиши зарур.

35. Масъул ижрочи қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган, раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган белгиланган шаклдаги маълумотни, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijgo.gov.uz» тизимига киритади.

Агар «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул ижрочи бу ҳақда раҳбариятга ахборот беради, камчиликларни зудлик билан бартараф этади ва тегишли маълумотларни «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритади.

36. Назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинма:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича белгиланган шаклдаги маълумотлар «Ijgo.gov.uz» тизимига тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олади;

агар топшириқ ижроси бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул ижрочи томонидан камчиликлар зудлик билан бартараф этилиши ва тегишли маълумотлар тасдиқлаш учун «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритилишини назоратга олади.

37. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати:

хар ҳафта жума куни — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари хузурида;

хар ҳафта душанба куни — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими хузурида;

хар ойда — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари йиғилишида муҳокама қилинади.

Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилади.

б) туман (шаҳар) ҳокимликлари

38. Вилоят ҳокимлигидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ҳамда улар бўйича назорат режалари келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида туман (шаҳар) ҳокимлиги масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ва раҳбариятга ахборот берилади.

39. Туман (шаҳар) ҳокимлиги раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

40. Масъул ижрочи уч кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

41. Масъул ижрочи қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган, раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган белгиланган шаклдаги маълумотни, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijro.gov.uz» тизими орқали вилоят ҳокимлигига киритади.

42. Назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинма қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича белгиланган шаклдаги маълумотлар, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijro.gov.uz» тизими орқали вилоят ҳокимлигига ўз вақтида тақдим этилишини назоратга олади.

43. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати:

ҳар ҳафта жума куни — ҳокимнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни — ҳоким ҳузурида;

ҳар ойда — халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари йиғилишида муҳокама қилинади.

Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилади.

#### **4-§. Хўжалик бирлашмалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш**

а) Хўжалик бирлашмалари марказий аппарати

44. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида хўжалик бирлашмаси марказий аппарати масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот берилади.

45. Хўжалик бирлашмалари раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

46. Масъул ижрочи уч кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

Масъул ижрочи, заруратга кўра, раҳбариятга ахборот берган ҳолда ҳудудий бўлинмаларга амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатларини аниқ белгиланган ҳолда топшириқни юборади. Бунда, марказий аппарат масъул ижрочиси ҳудудий бўлинмалар томонидан топшириқ бажарилишини қатъий назоратга олиши ва ижросини таъминлашда кўмаклашиши зарур.

47. Масъул ижрочи қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган, раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган белгиланган шаклдаги маълумотни, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijro.gov.uz» тизимига киритади.

Агар «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул ижрочи бу ҳақда раҳбариятга ахборот беради, камчиликларни зудлик билан бартараф этади ва тегишли маълумотларни «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритади.

48. Назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинма:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича белгиланган шаклдаги маълумотлар «Ijgo.gov.uz» тизимига тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олади;

агар топшириқ ижроси бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул ижрочи томонидан камчиликлар зудлик билан бартараф этилиши ва тегишли маълумотлар тасдиқлаш учун «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритилишини назоратга олади.

49. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати:

ҳар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида;

ҳар ойда — хўжалик бирлашмалари бошқарув органи мажлисларида муҳокама қилинади.

50. Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилади.

б) Хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмалари

51. Хўжалик бирлашмалари марказий аппаратидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ҳамда улар бўйича назорат режалари келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида хўжалик бирлашмалари ҳудудий бўлинмалари масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ва раҳбариятга ахборот берилади.

52. Ҳудудий бўлинмалар раҳбарияти бир кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

53. Масъул ижрочи уч кун муддатда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

54. Масъул ижрочи қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган, раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга белгиланган шаклда «Ijgo.gov.uz» тизими орқали давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратига киритади.

55. Назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинма қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича белгиланган шакл-



даги маълумотлар, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга «Ijro.gov.uz» тизими орқали давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппарати-га ўз вақтида тақдим этилишини назоратга олади.

56. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати: ҳар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида; ҳар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида муҳокама қилинади.

57. Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилади.

### **5-§. Вазирлар Маҳкамаси бевосита масъул бўлган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш**

58. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмаси Ҳукумат бевосита масъул этиб белгиланган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушган куннинг ўзида Бош вазир топшириғи лойиҳасини ёки назорат режаларини тайёрлайди, тегишли таркибий бўлинмалар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси билан келишади.

59. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этиш бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган Бош вазир топшириғи ёки назорат режалари Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан масъул давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларига юборилади.

60. Вазирлар Маҳкамаси Назорат ва ижро интизоми бўлими қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича тасдиқланган Бош вазир топшириғи ёки назорат режалар асосида Вазирлар Маҳкамаси аппаратидан масъул ижрочи ҳамда вазирлик ва идораларни «Ijro.gov.uz» тизимида белгилайди ва назоратга олади.

Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича масъул ижрочилар — Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаси ҳамда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари «Ijro.gov.uz» тизимида автоматик тарзда Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатасида акс этади.

61. Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаси вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юборилган топшириқлар ижросини ташкил қилади ва ижросини назорат қилади.

62. Вазирлар Маҳкамаси Назорат ва ижро интизоми бўлими томонидан «Ijro.gov.uz» тизимида киритилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан ижро этилишининг назорати Адлия вазирлиги томонидан умумий тартибда амалга оширилади.

### **3-боб. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш**

#### **1-§. Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг назорат қилиниши**

63. Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишини доимий таҳлил қилиб боради ва назорат қилади.

64. «Ijro.gov.uz» тизимига масъул ижрочи томонидан киритиладиган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси тўғрисидаги маълумотлар қўйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим:

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларининг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан имзоланган бўлиши; ушбу Низомга 3-иловадаги\* намунавий шаклга мувофиқ тўлдирилган бўлиши;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини тасдиқловчи ҳужжатлар PDF форматда, амалий натижаларни акс эттириш имконияти мавжуд бўлган ҳолларда — уларни ифода этувчи бошқа форматлардаги маълумотлар илова қилинган бўлиши.

65. Масъул ижрочилар назорат топшириқларини бажариш муддатлари яқинлашгани ёки кечиктирилгани тўғрисида «Ijro.gov.uz» тизимидаги огоҳлантирувчи хабарлар орқали автоматик равишда мунтазам хабардор қилинади.

66. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Назорат қилиш бошқармаси томонидан бир кун муддатда (қўшимча ўрганиш талаб этилганда — беш кун муддатда) таҳлил қилинади. Таҳлил қилиш қўйидагилар орқали амалга оширилади:

маълумотлар ва илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини ўрганиш;

маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш зарурати мавжуд бўлган ҳолларда жойига чиққан ҳолда ўрганиш;

тор ихтисосликлар бўйича киритилган маълумотларни (бажарилган ишларни) соҳага оид ташкилотларга сўровлар юбориш орқали ёки мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўрганиш;

маълумотларда ноаниқликлар мавжуд бўлган тақдирда масъул ижрочидан ёзма ёки оғзаки тушунтиришлар олиш.

67. Таҳлил жараёнида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро этилиши бўйича «Ijro.gov.uz» тизими орқали киритилган маълумотларга қўйидаги мезонлар асосида баҳо берилади:

қонунийлик — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда назарда тутилган маъмурий тартиб-таомиллар ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилганлиги;

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

долзарблик — олиб борилаётган давлат сиёсати, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига мослиги;

тўлиқлик — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар билан кўзланган мақсадларга — кўрсаткичларга эришилганлиги (сони, микдори, ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар);

ҳаққонийлик — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси натижалари бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларнинг амалда қилинган ишлар билан ўзаро мувофиқлиги;

масъулиятлилиқ — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш борасида масъул ижрочилар томонидан ўз ваколати доирасида барча зарурий чоралар кўрилганлиги.

68. Ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳолларда ҳамда Назорат қилиш бошқармаси топшириғига мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича бажарилган ишларни таҳлил қилиш Назорат қилиш бўлимлари томонидан амалга оширилади. Бунда, Назорат қилиш бўлимлари томонидан ўрганиш натижалари бўйича ахборот (зарур асословчи ҳужжатлар билан) «Ijgo.gov.uz» тизими орқали Назорат қилиш бошқармасига киритилади.

69. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича киритилган маълумотлар таҳлили натижасига кўра, Назорат қилиш бошқармаси:

топшириқ бажарилган бўлса — масъул ижрочи томонидан «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларни тасдиқлайди;

топшириқ бажарилмаган бўлса ёки зарур тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса — уларни қайта ишлаш учун масъул ижрочига юборади.

70. «Ijgo.gov.uz» тизимига зарур маълумотларни ўз вақтида киритмаган ёки нотўғри маълумотларни киритган масъул ижрочиларга Адлия вазирлиги томонидан мазкур камчиликларни зудлик билан бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар киритилади.

Адлия вазирлиги кўрсатмаларини ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаган масъул ижрочиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилади.

71. Адлия вазирлиги ҳар ой якуни бўйича масъул ижрочиларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини ушбу Низомга 4-иловадаги\* кўрсаткичларга мувофиқ баҳолаб боради.

## **2-§. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг назорат қилиниши**

72. Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари Ҳукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа

---

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкilotларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишини «Ijgo.gov.uz» тизими орқали назорат қилади.

73. Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари қуйидаги тартибда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этади:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича Бош вазирнинг тегишли топшириғи лойиҳасини тайёрлайди, тегишли таркибий бўлинмалар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси билан келишади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича назорат режаларини тайёрлайди ва тегишли таркибий бўлинмалар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси билан келишади;

хар ҳафта чоршанба ва жума кунлари топшириқлар ижросини таҳлил қилиб боради ҳамда муддати кечиктирилаётган ҳужжатлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот киритиб боради;

хар ҳафта жума кунлари топшириқлар ижроси бўйича давлат органлари ва ташкilotлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирокида видеоконференц-алоқа тизими орқали муҳокамалар ўтказиб боради ҳамда натижаси бўйича Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига ахборот киритади;

хар ой якуни билан Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурда давлат органлари ва ташкilotлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирокида ижро интизоми масалалари бўйича ўтказиладиган муҳокамалар учун таҳлилий материаллар тайёрлайди;

график асосида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларида ижро интизоми ҳолатини мақсадли ва комплекс ўрганади.

74. Вазирлар Маҳкамаси аппарати масъул таркибий бўлинмалари бир кун муддатда (қўшимча ўрганиш талаб этилганда беш кун муддатда) Ҳукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкilotлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини ўрганиб чиқади:

топшириқ бажарилган бўлса — «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларни тасдиқлайди;

топшириқ бажарилмаган бўлса ёки зарур тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса — уларни қайта ишлаш учун масъул ижрочига юборади.

### **3-§. Ҳисоб палатаси томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг назорат қилиниши**

75. Ҳисоб палатаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул

ижрочилар томонидан ўз вақтида ва натижадор бажарилишини «Ijro.gov.uz» тизими орқали назорат қилиб боради.

76. Ҳисоб палатаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан киритилган, Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган маълумотнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини уч кун муддатда (қўшимча ўрганиш талаб этилганда беш кун муддатда) ўрганади.

Ўрганиш натижаларига кўра, Ҳисоб палатаси:

топшириқ бажарилган бўлса — «Ijro.gov.uz» тизимида топшириқни назоратдан ечади;

топшириқ бажарилмаган бўлса ёки зарур тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса — уларни қайта ишлаш учун масъул ижрочига юборади.

77. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси Ҳисоб палатаси томонидан «Ijro.gov.uz» тизимида асосий масъул ижрочидан назоратдан ечилганидан сўнг, мазкур топшириқ бўйича ҳамижрочи ҳисобланган бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ҳам назорат «Ijro.gov.uz» тизимида автоматик равишда ечилади.

78. Ҳисоб палатаси график асосида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан соҳалар ва тармоқлар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишларни олиб боришда иштирок этади.

79. Ҳисоб палатаси ҳар чорак якунлари бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради.

#### **4-боб. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича умумлаштирилган маълумотномани Вазирлар Маҳкамасига киритиш ҳамда кўриб чиқиш**

##### **1-§. Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича маълумотни Адлия вазирлигига киритиш**

80. Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда таъминлайди ҳамда ижро натижалари бўйича «Ijro.gov.uz» тизимида маълумотларни, уларнинг ижросини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга киритади.

81. Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг биринчи санасига қадар «Ijro.gov.uz» тизимидаги ўзлари масъул

бўлган топшириқларни таҳлил қилади ва ижро ҳолати бўйича ушбу Низомга 5-иловадаги\* намунавий шаклга мувофиқ биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни Адлия вазирлигига «Ijro.gov.uz» тизими орқали тақдим этади.

**2-§. Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик  
ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича  
умумлаштирилган маълумотномани  
Вазирлар Маҳкамасига киритиш**

82. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича умумлаштирилган маълумотномани шакллантириш, Вазирлар Маҳкамасига киритиш ҳамда Ҳукумат раёсати мажлисларида кўриб чиқиш ушбу Низомга 6-иловадаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

83. Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши ҳолатини мунтазам равишда, шу жумладан, тегишли масъул ижрочилар билан биргаликда соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида таҳлил қилиб боради.

Адлия вазирлиги масъул ижрочилар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади ҳамда тизимли равишда умумлаштириб боради.

84. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро этилиши ҳолати бўйича таҳлилий маълумотнома Адлия вазирлиги томонидан қўйидагиларни амалга ошириш натижасида шакллантирилади:

масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текшириш;

ўтказилган манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишлар натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

85. Давлат органлари ва ташкилотлари мунтазам равишда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни таҳлил қилади ҳамда ижро натижалари бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган муддатларда «Ijro.gov.uz» тизимига маълумотларни тўлиқ ва сифатли тарзда киритиб боради.

86. Адлия вазирлиги ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг учинчи санасига қадар масъул ижрочилар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларни умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилади.

87. Адлия вазирлиги ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича умумлаштирилган маълумотнома ва таҳлилий жадвални (кейинги ўринларда — таҳлилий материаллар) ушбу Низомга 7-иловадаги\* намунавий шаклга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига киритади.

---

\* 5 — 7-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**3-§. Таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамаси  
аппаратида ишлаш ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсати  
мажлисларида кўриб чиқиш**

88. Адлия вазирлиги томонидан таҳлилий материаллар киритилгандан сўнг улар дарҳол Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган ҳолда Назорат ва ижро интизоми бўлимига тақдим этилади.

89. Вазирлар Маҳкамасининг Назорат ва ижро интизоми бўлими таҳлилий материалларни ҳар ойнинг 7-санасига қадар таҳлил қилади ҳамда бажарилмаган бандлар бўйича таҳлилий жадвал билан бирга Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқ хати асосида пухта таҳлил қилиш учун масъул таркибий бўлинмаларга юборади.

90. Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари:

а) ҳар ойнинг 8-санасига қадар:

бириктирилган давлат органлари ва ташкилотларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этиш ишларининг реал ҳолатини ҳамда ижроси таъминланмаган бандларнинг амалда бажарилишига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммо ва камчиликларни пухта таҳлил қилади;

бириктирилган давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда ижроси таъминланмаган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни якунига етказиш бўйича муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишларни ташкил қилади;

бириктирилган давлат органлари ва ташкилотларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолати бўйича таҳлилий материалларни Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига тақдим қилади;

б) ҳар ойнинг 9-санасига қадар қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашда камчиликларга йўл қўйган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари иштирокида Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида муҳокамалар ташкил этади.

91. Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳар ойнинг 10-санасига қадар тегишли таркибий бўлинма томонидан тақдим этилган таҳлилий материалларни танқидий кўриб чиқади, заруратга кўра, уларнинг муҳокамаси бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларини тақлиф этган ҳолда йиғилишлар ўтказади, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда жиддий камчиликларга йўл қўйган раҳбарлар ва ходимларга нисбатан чора қўллаш масаласини кўриб чиқади ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли таркибий бўлинмаларга зарур кўрсатмалар беради.

92. Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари ҳар ойнинг 11-санасига қадар Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг тақлифлари ва кўрсатмалари асосида қайта ишланган таҳлилий материалларни умумлаштириш учун Назорат ва ижро интизоми бўлимига тақдим қилади.

93. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Назорат ва ижро интизоми бўлими масъул таркибий бўлинмалар билан биргаликда:

а) ҳар ойнинг 12-санасига қадар таркибий бўлинмалар томонидан тақдим этилган таҳлилий материалларни пухта қайта ишлайди ҳамда умумлаштирилган якуний таҳлилий материаллар тўплами ва қўйидагиларни ўз ичига олган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари ҳузурида ҳимоя қилади:

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси кун тартиби ва олиб бориш тартиби;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида ҳисобот берувчилар ва таклиф этилганлар рўйхати;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг баён лойиҳаси;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган таҳлилий маълумот лойиҳаси;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижроси самарадорлиги ҳамда раҳбарларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш бўйича таклифлар;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини таъминлашда жиддий камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан чора кўриш бўйича таклифлар;

бошқа ахборот-таҳлилий ва статистик материаллар;

б) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолатининг Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида кўриб чиқилиши билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этади.

94. Вазирлар Маҳкамасининг Назорат ва ижро интизоми бўлими ҳамда масъул таркибий бўлинмаларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолатини пухта таҳлил қилиш, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси учун таҳлилий материалларни тайёрлаш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш бўйича фаолияти Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари томонидан мувофиқлаштириб борилади.

95. Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари Назорат ва ижро интизоми бўлими билан бирга ҳар ойнинг 13-санасига қадар умумлаштирилган таҳлилий материалларни ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини пухта таҳлил қилади ҳамда Назорат ва ижро интизоми бўлими мудирини билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ҳузурида ҳимоя қилади.

96. Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ҳар ойнинг 15-санасига қадар қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси натижалари бўйича умумлаштирилган таҳлилий материалларни ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини таҳлил қилади ва Бош вазирга ахборот беради ҳамда таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисида кўриб чиқиш муддатини келишади.



97. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолати Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилинади.

Ижро интизомини таъминлашда масъулиятсизликка йўл қўйган, шунингдек, топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарларига нисбатан интизомий жавобгарлик чораларни қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

98. Вазирлар Маҳкамасининг Назорат ва ижро интизومي бўлими масъул таркибий бўлинмалар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисининг яқунлари бўйича ҳужжатлар тўпламини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати аъзолари томонидан билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, бир кун муддатда пухта қайта ишлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёни пухта қайта ишланганидан сўнг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича таҳлилий маълумотнома ҳамда ушбу Низомга 8-иловадаги\* намунавий шаклга мувофиқ жадвал билан бирга Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси ҳузурида химоя қилинган ҳолда бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юборилади.

Бунда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган маълумотномани тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

ҳисобот даврида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолатининг қисқача умумий йиғма таҳлили;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижадорлиги, эришилган асосий кўрсаткичлар;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси доирасида ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси натижадорлигини янада оширишга қаратилган таклифлар;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда аниқланган тизимли камчиликлар, уларни бартараф этиш ҳамда Ҳукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш бўйича асослантирилган таклифлар.

99. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёнида белгиланган вазифа ва топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўрин-

---

\* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

босарлари ва маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Назорат ва ижро интизоми бўлими ҳамда масъул таркибий бўлинмалар раҳбарлари зиммасига юкланади.

### **5-боб. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш**

100. «Ijgo.gov.uz» тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш ушбу Низомга 9-иловадаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

101. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни белгиланган муддатларда бажариш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда масъул ижрочилар томонидан Адлия вазирлигига назорат топшириқларининг ижро муддатини узайтириш бўйича ушбу Низомга 9а-иловадаги\* намунавий шаклга мувофиқ таклифлар киритилади.

102. Адлия вазирлиги ижро муддатини узайтириш ҳақидаги белгиланган шаклдаги таклифлар келиб тушган кундан бошлаб беш кун муддатда уларни таҳлил қилади ҳамда асосли деб топган тақдирда таклифларни «Ijgo.gov.uz» тизими орқали тасдиқлайди.

Масъул ижрочининг ижро муддатини узайтириш ҳақидаги таклифи Адлия вазирлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг тегишлича Вазирлар Маҳкамаси (Хукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар бўйича) ёки Ҳисоб палатаси (Хукумат тизимидаги кирмайдиган ташкилотлар бўйича) томонидан «Ijgo.gov.uz» тизими орқали кўриб чиқилади.

103. Вазирлар Маҳкамаси (Хукумат тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар бўйича) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш ҳақидаги Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган таклифларни беш кун муддатда таҳлил қилади ҳамда асосли деб топилган тақдирда тегишли таклифни Ҳисоб палатасига «Ijgo.gov.uz» тизими орқали киритади.

104. Ҳисоб палатаси ижро муддатини узайтириш ҳақидаги Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган таклифларни беш кун муддатда таҳлил қилади ҳамда асосли деб топган тақдирда «Ijgo.gov.uz» тизимидаги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатини узайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига хулоса киритади.

105. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро муддатини узайтириш бўйича таклифларни ва Ҳисоб палатасининг хулосасини таҳлил қилади ҳамда асосли деб топган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига таклиф киритади.

106. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари «Ijgo.gov.uz» тизимидаги топшириқларнинг ижро муддатини узайтириш

---

\* 9-9а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳақидаги таклифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб, тегишли чораларни белгилайди.

**6-боб. «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишни техник жиҳатдан ташкил қилиш ва «Ijro.gov.uz» тизими фойдаланувчилари тўғрисидаги маълумотларни бошқариш**

107. «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишни техник жиҳатдан ташкил қилишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда оператор томонидан маълумотларни бошқаришни ташкил этиш тартиби ушбу Низомга 10-иловадаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

108. «Ijro.gov.uz» тизими орқали назорат ва ҳисобдорликни ташкил этишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

«Ijro.gov.uz» тизимининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлайди ва доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш чораларини кўради; давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларига «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланиш жараёнида техник ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

«Ijro.gov.uz» тизимининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари томонидан «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланиш жараёнида келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигининг таклифларига асосан «Ijro.gov.uz» тизимини такомиллаштиради ва модернизация қилади.

109. «Ijro.gov.uz» тизимининг ишлашини техник қўллаб-қувватлашни таъминлашда оператор:

«Ijro.gov.uz» тизими фойдаланувчиларини рўйхатга олади, улайди, электрон рақамли имзо калитлари билан таъминлайди ва ўқитади;

Адлия вазирлигининг таклифларига асосан «Ijro.gov.uz» тизимини модернизациялайди ва «Ijro.gov.uz» тизимининг янги версияларини ишга туширади;

«Ijro.gov.uz» тизими фойдаланувчиларига Call-марказ орқали «Ijro.gov.uz» тизимини эксплуатация қилиш бўйича, шу жумладан, «Ijro.gov.uz» тизимида «Ijro.gov.uz» тизими фойдаланувчилари хато ёки нотўғри ишлашларининг олдини олиш бўйича маслаҳатлар беради;

«Ijro.gov.uz» тизими функционал ва фойдаланиш характеристикаларини яхшилаш мақсадида унинг ишлашини таҳлил қилади.

110. «Ijro.gov.uz» тизимига янги фойдаланувчиларни улаш учун операторнинг почта манзилига белгиланган шаклда тўлдирилган аризалар юборилади. Аризанинг намунавий шакли «Ijro.gov.uz» тизимига бириктирилади.

---

\* 10-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

111. Оператор аризани олган кундан бошлаб уч кун муддатда «Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчиси билан шартнома тузади.

112. «Ijgo.gov.uz» тизимига уланиш тўғрисидаги шартнома тузилгандан ва операторнинг банкдаги ҳисобварағига тўлов келиб тушгандан сўнг оператор уч кун муддатда:

химояланган аппарат қурилмаларида уланаётган «Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчисининг электрон рақамли имзосининг ёпиқ калитини ва очик калити сертификатини генерациялашни;

«Ijgo.gov.uz» тизимининг янги фойдаланувчисига ёки унинг ишончли вакилига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити ва очик калити сертификати бўлган химояланган аппарат қурилмаси берилишини таъминлайди.

113. «Ijgo.gov.uz» тизимининг иштирокчиси тўғрисидаги маълумотларни бошқариш оператор томонидан амалга оширилади.

114. «Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчилари тўғрисидаги маълумотларни бошқариш (маълумотларни киритиш, ўзгартириш, янгилаш, ўчириш) масъул ижрочи кадрлар бўлинмаси томонидан ушбу ташкилотнинг ижро интизоми учун масъул бўлган таркибий тузилмасини хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

115. «Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчиси тўғрисида маълумотлар киритилгандан кейин унга электрон рақамли имзонинг ёзилган ёпиқ калити ва очик калитининг сертификатига эга химояланган аппарат қурилмаси берилади.

116. «Ijgo.gov.uz» тизимига кириш учун «Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчиси томонидан химояланган аппарат қурилмасидан фойдаланилади.

117. Ходим («Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчиси) билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда химояланган аппарат қурилмаси кадрлар бўлинмасига топширилади.

118. Операторнинг «Ijgo.gov.uz» тизимининг ахборот хавфсизлигини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш билан боғлиқ фаолияти Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

### **7-боб. Яқуний қоидалар**

119. Масъул ижрочиларнинг раҳбарлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда юзага келган муаммоларни ҳал қилишга ҳамда олдига қўйилган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлашга қаратилган вазифаларни бажариш натижаларини ўз вақтида ва сифатли тақдим этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

120. «Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчилари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлардан келиб чиқадиган вазифалар бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли тақдим этилиши, шунингдек, «Ijgo.gov.uz» тизимидан фойдаланилганда ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши учун жавобгар ҳисобланади.

121. Оператор «Ijro.gov.uz» тизимининг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

122. Адлия вазирлиги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан, шу жумладан, Ҳисоб палатаси билан биргаликда соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишларни олиб боради, жойлардаги ҳолат мониторингини юритади ва, зарур ҳолларда, «Ijro.gov.uz» тизими иштирокчиларидан тушунтиришлар олади.

123. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **313** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6240-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига (кейинги ўринларда — Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги) қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

мутасадди идоралар томонидан халқаро стандартлар ва техник регламентларнинг жадал жорий этилишини мувофиқлаштириб бориш;

маҳсулотларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида ва техник регламентларда белгиланган мажбурий талабларни бузганликда айбдор бўлган тайёрловчилар (ишлаб чиқарувчилар), сотувчилар ва ижрочиларга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш бўйича судга мурожаат қилиш;

корхоналарда техник регламент ва стандартлар талабларига риоя этмаганлик учун корхона ва тармоқ раҳбарларига тақдимномалар киритиш;

техник регламентлар, стандартлар ва қонунчиликда белгиланган мажбурий талабларга номувофиқ деб топилган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва реестрини юритиш.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 июнда эълон қилинган.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

Худудларда саноат тармоқлари кесимида 2021-2022 йилларда ташкил этиладиган синов лабораториялари манзилли рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

Тармоқлар ва маҳаллий корхоналарда стандартлаштириш, маҳсулот сифатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ва ҳисоботларни эшитиб бориш схемаси 4.1 ва 4.2-иловаларга\* мувофиқ;

Тармоқлар ва саноат корхоналарида 2021-2022 йилларда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва метрология соҳаларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш режа-жадвали 5-иловага\* мувофиқ;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация ва метрология соҳасини ривожлантиришнинг асосий индикаторлари рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Саноат тармоқлари раҳбарлари мазкур қарорнинг 3 ва 4.1-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботларни ҳар ойда Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) киритиб борсин.

Ҳукумат комиссияси мазкур қарорнинг 6-иловасида келтирилган техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация ва метрология соҳасини ривожлантиришнинг асосий индикаторлари рўйхати бўйича ҳар йиллик кўрсаткичларни тасдиқласин ва ижроси юзасидан Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ҳисоботини эшитиб борсин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирига:

зарур ҳолларда, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ва унинг тизимидаги бошқа ташкилотларнинг тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча штат бирликларини ажратиш;

меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни шартнома асосида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки:

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги «Ўзстандарт» агентлигининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

---

\* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитларига кўра Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги марказий аппарати ходимларига тенглаштирилади;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори Вазирлар Маҳкамаси томонидан инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг тақдимномасига асосан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори ўринбосарлари ҳамда унинг таркибидаги тизим ташкилотлари раҳбарлари агентлик бош директори тақдимномасига асосан инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимига ўриндошлик асосида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ходимини тайинлашга рухсат этилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганлиги учун молиявий ва маъмурий жарималар Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг махсус жамғармасига тўлиқ ўтказилади ва ушбу маблағларнинг 50 фоиздан кам бўлмаган қисми маҳаллий корхоналар томонидан халқаро стандартларни харид қилиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун йўналтирилади.

6. Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш фаолиятига халқаро тажрибага асосланган ҳолда ихтиёрий тус бериш ва тартиботини соддалаштириш мақсадида:

аккредитациядан ўтишга буюртма беришда синов лабораторияларининг аккредитация соҳасига ташқи кўрик тавсифларини (инструментал ва органик таҳлиллардан ташқари) киритиши талаби бекор қилинади;

мувофиқликни баҳолаш органлари ходимларини сифат бўйича эксперт-аудиторликка аттестациядан ўтказиш ва сертификатлаштириш мажбурий талаблари бекор қилинади;

қонунчилик ҳужжатларида мувофиқликни баҳолаш хизматларини кўрсатиш учун ягона идораларни белгилашга (мудофаа ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларидан ташқари) йўл қўйилмайди.

#### 7. Қўйидагиларга:

Стандартлар институтига халқаро стандартлаштириш ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг стандартлаштириш идораларининг қоидалари ва шартномаларига мувофиқ, халқаро ва хорижий давлатлар стандартларини республикада тарқатишга ва ушбу ташкилотларга бадалларни тўлаб беришга;

Стандартлар институти ва Миллий метрология институтига илмий-техник лойиҳалар раҳбарлигига илмий даражага эга ходимларни (фан номзод-

лари, фалсафа докторлари (PhD), фан докторлари (DSc) фуқаролик-хуқуқий шартномалар асосида жалб этишга рухсат берилсин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация ва метрология соҳасида фаолият юритувчи ходимларга ойлик иш ҳақи тўланишида, тегишли йўналиш бўйича 7-иловада келтирилган халқаро ва хорижий ташкилотларнинг билим даражасини тасдиқловчи сертификатига эга бўлганда унинг амал қилиши даврида, бироқ 2 йилдан кўп бўлмаган муддат давомида, ойлик маошига нисбатан — 20 фоиз, эксперт сифатида рўйхатга олинганда ойлик маошига нисбатан — 40 фоиз миқдорида қўшимча устама ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган эталонлар рўйхати 8-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлиги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур қарорнинг 8-илосида қайд этилган йилларда эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини харид қилиш учун зарур бўлган маблағларни назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар стандартларнинг ялпи ички маҳсулот ўсишига ва ташқи савдо айланмасига ижобий таъсирини баҳолаш бўйича услубий қўлланмани хорижий экспертларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг йиллик инвестиция дастурларини шакллантиришда, республикада синов имкониятлари мавжуд бўлмаган йўналишлар бўйича, ўзлаштирилаётган янги маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини тасдиқлашни таъминлайдиган синов лабораторияларини ташкил этишни инвестиция лойиҳалари доирасида ёки алоҳида лойиҳа сифатида инобатга олиш амалиёти жорий этилсин.

12. Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги:

а) 2021 йил 1 августга қадар стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан янгилашни тўлиқ якунласин. Бунда, ишлаб чиқариш корхоналарига 2023 йил 1 январга қадар янги стандартларга ўтиш муддати белгилансин ва амалдаги стандартлардан фойдаланишга рухсат берилсин;

б) 2021 йил 1 ноябрга қадар инсон омилини камайтириш мақсадида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали тўлиқ автоматлаштириш чораларини кўрсин;

в) хорижий давлатларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида фаолият олиб боровчи етакчи ташкилотларида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг тизим ташкилотлари мутахассисларини ўқитиш ва малакасини ошириб бориш бўйича самарали тизимни жорий этсин;

---

\* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низом лойиҳаларини;

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги ва «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги амалдаги қонунлари нормаларини ўз ичига олувчи янги «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини, шунингдек, янги таҳрирдаги «Стандартлаштириш тўғрисида»ги ва «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини киритсин;

д) саноат тармоқларида ташкил этиладиган лабораторияларни халқаро аккредитациядан ўтказишга қўмаклашсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 9-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 июнь,  
ПҚ-5133-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 2 июндаги  
ПҚ-5133-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш,  
мувофиқликни баҳолаш, аккредитация ва метрология  
соҳасини ривожлантиришнинг асосий индикаторлари  
РЎЙХАТИ\***

1. Халқаро стандартларни қабул қилиш ва миллий стандартларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш.

2. Профилактика тадбирларини онлайн тарзида ҳамда жойига чиққан ҳолда ўтказиш.

3. Техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва метрология соҳасида фаолият кўрсатаётган кадрлар малакасини ошириш.
4. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
5. Қиёслаш лабораторияларини модернизация қилиш.
6. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида кўрсатилаётган хизматларни рақамлаштириш мақсадида ахборот тизимларини жорий қилиш.
7. Миллий техник қўмиталарнинг халқаро ташкилотлар техник қўмитасига аъзолигини таъминлаш.
8. Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежмент тизимларини жорий этиш.

*Изоҳ: Ҳукумат комиссияси томонидан мазкур индикаторлар рўйхатиغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 2 июндаги  
ПҚ-5133-сон қарорига  
7-ИЛОВА

**Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш,  
метрология, мувофиқликни баҳолаш ва аккредитация  
соҳасидаги халқаро ташкилотлар  
РЎЙХАТИ**

1. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO);
2. Халқаро электр техника комиссияси (IEC);
3. Сертификатланган аудиторларнинг халқаро реестри (IRCA);
4. Мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (GLOBAL G.A.P.);
5. Европа стандартлаштириш қўмитаси (CEN);
6. Европа электротехника стандартлаштириш қўмитаси (CENELEC);
7. Европа телекоммуникация стандартлари институти (ETSI);
8. Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF);
9. Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC);
10. Аккредитация бўйича Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги (APAC);
11. Қонунчилик метрологияси халқаро ташкилоти (OIML);
12. Халқаро тарози ва ўлчовлар бюроси (BIPM);
13. Давлат метрология муассасаларининг Евроосиё ҳамкорлиги (KOOMET);
14. Осиё-Тинч океани метрология дастури (APMP).

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 2 июндаги  
ПҚ-5133-сон қарорига  
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 мартдаги «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3643-сон қарорига:

а) 3-банд ва қарорга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказ директори манфаатдор вазирликлар, идоралар, нодавлат ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар орасидан ташкил этиладиган Аккредитация бўйича кенгашнинг тавсиясига кўра Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади»;

в) 5-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказнинг тузилмасини ва штатларини тасдиқлаш».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3818-сон қарорининг 3-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи-бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи-тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4059-сон қарорига:

а) 7-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи-тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи-учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 11-банднинг биринчи хатбошисида «Ўзстандарт» агентлиги қошида Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти» сўзлари «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 12-бандда:

биринчи хатбошида ««Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-

тадқиқот институти» сўзлари «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошиларда тегишли келишиқдаги «Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти» сўзлари тегишли келишиқдаги «Ўзбекистон стандартлар институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 13-бандда:

иккинчи-учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин ва қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тузилмаси 8-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари давлат инспекторларининг чекланган сони 9-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 153 нафар, шу жумладан, марказий аппарати — 66 нафар этиб белгилансин».

д) 14-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирдаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Агентлик ва Департаментнинг юқори малакали, ташаббускор ходимларига Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ривожлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки баравари миқдоригача қўшимча ҳақ тўлаш, мукофотлаш ва бошқа рағбатлантириш тусидаги ҳамда компенсация тўловларни амалга ошириш;

Департамент ходимларига қўшимча ҳақ, мукофот ва бошқа рағбатлантириш тусидаги ҳамда компенсация тўловларини тўлаш учун Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ривожлантириш махсус жамғармасига келиб тушаётган маблағларнинг 20 фоизигача миқдорини Департаментнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига ўтказиш»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) 5, 6 ва 7-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 8-илова\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

з) 9-илова\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги

---

\* 8-9-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ПҚ-4112-сон қарори билан тасдиқланган Устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) Давлат активларини бошқариш агентлигига бериладиган ҳўжалик жамиятлари рўйхатининг 3-позицияси чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-4135-сон қарорининг 7-банди:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Вазирлик «Ўзбекэкспертиза» АЖ акцияларининг давлат пакетлари бўйича акциядор вазифасини амалга оширади»;

иккинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 февралдаги «Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4998-сон қарорининг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Белгилансинки, 2023 йил 1 январга қадар заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро кўргазмаларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлари Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан компенсация қилинади.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига мазкур бандда назарда тутилган компенсация беришнинг вақтинчалик тартибини тасдиқлаш ваколати берилсин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 мартдаги «Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5011-сон қарори 7-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«экспорт қилувчи электротехника саноати корхоналари томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шarti билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этилади. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдоридан, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда йиллик 4 фоизли ставка (шундан, 2 фоизи банк маржаси) билан ажратилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**314 Кўчма савдо фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш ва савдо автомати орқали чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда кўчма савдо ва савдо автомати орқали чакана савдо фаолиятини тартибга солиш, бундай фаолият турларига тадбиркорларни кенг жалб қилиш, шунингдек, кўчма савдо фаолиятига замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш орқали аҳолига зарур товарларни харид қилишда қулайликлар яратиш мақсадида:

1. 2021 йил 1 декабрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

кўчма савдо фаолияти тадбиркорлик субъектлари томонидан кўчма савдо объектларини электрон тарзда «К — SAVDO» автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «К — SAVDO» ААТ) рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бунда, тадбиркорлик субъектларидан рўйхатдан ўтказиш учун йиғим ундирилмайди;

кўчма савдо жойи (хусусий мулкдорларга тегишли жойлардан ташқари) кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемалари бўйича «К — SAVDO» ААТ орқали электрон аукционда сотилади.

2. Белгилансинки:

аукционнинг бошланғич нархи тегишли туман (шаҳар)даги ер участкасининг ер солиғи миқдорига белгиланади. Бунда, аукцион орқали сотишдан келиб тушган пул маблағларининг 80 фоизи тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига, 20 фоизи Давлат солиқ қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига йўналтирилади;

аукцион волиби томонидан кўчма савдо жойининг қиймати тўлиқ тўланганидан сўнг унга «К — SAVDO» ААТ орқали автоматик равишда QR-код қўйилган гувоҳнома берилади ҳамда у мазкур жойдан 36 ой муддатга фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда кўчма савдо жойидан фойдаланиш бўйича шартнома тузиш талаб этилмайди.

3. Тадбиркорлик субъектлари ёки фуқароларнинг «К — SAVDO» ААТда рўйхатдан ўтмасдан кўчма савдо фаолияти билан шуғулланаётганлиги биринчи марта аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари ходимлари уларга чакана савдо фаолиятини «К — SAVDO» ААТ рўйхатдан ўтган ҳолда амалга ошириш бўйича зарур тушунтириш ишларини олиб борсин ҳамда рўйхатдан ўтказиш бўйича амалий ёрдам кўрсатсин.

4. Савдо автоматлари орқали товарларни сотиш ва (ёки) хизматларни кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 июнда эълон қилинган.

савдо автоматларига нисбатан назорат-касса техникаларидан мажбурий фойдаланиш талаби татбиқ этилмаслиги;

сотадиган товарлари ва (ёки) кўрсатадиган хизматлари туридан қатъи назар, бундай фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчи деб эътироф этилиши белгилансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда кўчма савдо, шу жумладан, савдо автомати орқали чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 июнь,  
ПҚ-5136-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 315 «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қўйидагилар:

«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Давлат белгиси» давлат унитар корхонаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг буюртмасига асосан «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тайёрланишини белгиланган тартибда таъминласин.

4. «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Р.Д. Қурбанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 июнь,  
335-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 июнда эълон қилинган.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 1 июндаги 335-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони (кейинги ўринларда — кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшган, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида фидо-корона меҳнат қилган, шунингдек хорижий мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришда самарали натижаларга эришган маҳаллий ва хорижий давлат органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет элдаги ватандошлар тақдирланадилар.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек маҳаллий ва хорижий ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижодий жамоалар ҳамда бошқа юридик шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва чет эл юридик шахсларини тақдирлашга доир тақдимнома ташаббускор ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда комиссияга киритилади.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга илова\* қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

### **2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш**

4. Худудий миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, шунингдек, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари ҳар йили 1 майга қадар кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда юқори турувчи республика органига тақдим этади.

5. Республика даражасидаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари таклифларни белгиланган тартибда ўрганиб чиқади ҳамда ҳар йили 1 июнга қадар кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича тақдимномаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасига (кейинги ўринларда — қўмита) тақдим этади.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича тақдимномаларга номзод ҳақида қуйидаги ҳужжатлар босма ва электрон шаклда илова қилинади:

маълумотнома-объективка;

тавсифнома (аннотация);

паспорт нусхаси (16 ёшга тўлмаган шахслар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси);

фотосурат (3x4 см ўлчамли) — 2 дона;

шахслар ва ташкилотларнинг сўнги уч йил давомида миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, хорижий мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари бўйича маълумот.

6. Қўмита раиси томонидан қўмита, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, республика ҳудудида жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари каби ташкилотларнинг вакиллари билан иборат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг кўкрак нишони билан тақдирлашга оид тақдимномаларни кўриб чиқиш бўйича комиссияси (кейинги ўринларда — комиссия) ташкил этилади.

Комиссия йиғилишида номзодлар бўйича ҳужжатлар ўрганилиб, ҳар йили 1 июлга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

7. Комиссиянинг асосий вазифаси мукофотга номзодларни танлашда юзаки ёндашувларга йўл қўймасдан, адолат ва холислик мезонларига кўра комиссия йиғилишларининг ҳақиқий муҳокамалар асосида ўтказилишини таъминлаган ҳолда мукофотга номзодлар бўйича ҳужжатларни Низомда белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ тайёрлаб, тақдим этишдан иборат.

Комиссия томонидан номзодларни кўриб чиқишда қуйидагилар инobatга олинади:

номзодларнинг мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, шунингдек аҳоли ўртасида миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширган фаолияти;

миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини оширишдаги иштироки;

хорижий мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фаолияти;

жамиятда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришни тарғиб қилиш бўйича турли инновацион самарали усулларнинг ишлаб чиқилганлиги.

8. Қўмита раиси ўз ташаббусига асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда қўмитанинг хорижлик ҳамкорлари, чет элдаги турдош ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакилларини миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун кўкрак нишони билан тақдирлаши мумкин.

9. Қўмита раисининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 20 июлга қадар чиқарилади.

### **3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш**

10. Кўкрак нишони ҳар йили 30 июль — Халқлар дўстлиги куни арафасида қўмита раиси (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали вазиятда топширилади.

11. Кўкрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

Бир йўла тўланадиган пул мукофоти қўмитага ажратиладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

12. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати қўмитанинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

13. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

14. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

### **4-боб. Яқунловчи қодалар**

15. Қўмита ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг ҳолис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 1 июндаги 335-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишонининг ТАВСИФИ**

«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони (кейинги ўринларда — кўкрак нишони) диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони пастки қисми марказида кўтарилаётган қуёш нурлари ҳамда ҳилпираб турган Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи фонида зарҳалланган Ўзбекистон Республикаси харитаси ҳамда меридианлари ва параллелларини акс эттирган кўк рангдаги Ер шари тасвири жойлашган. Унинг юқори қисмида дўстлик ва эрксеварлик рамзи бўлган Хумо қуши тилла рангда тасвирланган.

Кўкрак нишони айланаси бўйлаб зарҳал ҳошияли оқ эмаль фонидаги доира билан ўралган. Айлананинг юқори қисмида ҳарфларининг баландлиги 3 миллиметр бўлган «XALQLAR DO‘STLIGI» сўзлари ёзилган. Унинг пастки четлари бўйлаб фахр-ифтихор ва шараф маъноларини ифода этувчи иккита дафна япроғи жойлаштирилган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги — 2,5 миллиметр. Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир.

Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари қаварик доира билан ўралган.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида пастки қисмида дафна барглари тасвирланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган. Қадағичнинг эни — 26 миллиметр, бўйи — 24 миллиметрдан иборат.

Қадағич эни 22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, ҳар бирининг эни 4,4 миллиметрли 5 хил рангдаги йўллардан иборат. Лентанинг марказида оқ ранг, унинг ўнг томонида яшил ва сарик ранглр, чап томонида эса мовий ва тўқ яшил ранглрдаги йўллар ифодаланган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

### «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 1 июндаги 335-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### **«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ**

«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони гувоҳномаси (кейинги ўринларда — гувоҳнома) 160 x 110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «XALQLAR», иккинчи сатрда «DO‘STLIGI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 14 кегль), учинчи сатрда «ko‘krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVOHNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар тўқ кўк рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVOHNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзи ҳамда гувоҳноманинг тартиб рақами учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

«GUVOHNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда муқофотланган шахсининг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.

Пастки чизикдан 4 миллиметр қуйида, марказда оралиғи 2 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi», иккинчи сатрда «huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy», учинчи сатрда «mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalari qo‘mitasi raisining» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.


Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20\_\_ у. «\_\_\_» \_\_\_\_\_dagi», иккинчи сатрда «\_\_\_-sonli buyrug‘iga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «XALQLAR», иккинчи сатрда

«DO‘STLIGI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 12 кегль), учинчи сатрда «ko‘krak nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда «Qo‘mita raisi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

**«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони  
ГУВОҲНОМАСИ**



	GUVOHNOMA № _____
	_____
	_____
	_____
	<p>O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalari qo‘mitasi raisining</p> <p>20__ y. «__» _____ dagi</p> <p>_____ -sonli buyrug‘iga asosan</p> <p><b>“XALQLAR DO‘STLIGI”</b></p> <p>ko‘krak nishoni bilan mukofotlandi</p> <p>Qo‘mita raisi</p>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**316** Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 мартдаги ПҚ–5020-сон қарорининг ижросини таъминлаш, шунингдек, хотин-қизларга қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида олий таълим муассасаларига танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш тартибини такомиллаштириш ҳамда эҳтиёжманд оилаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида» 2020 йил 12 июндаги ПҚ–4749-сон қарори ҳамда «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилганлиги, шунингдек, эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар учун олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони икки бараварга ошириш орқали икки мингтага етказилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 мартдаги ПҚ–5020-сон қарорига мувофиқ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома беришда «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг қиз фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 июнда эълон қилинган.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарорига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш тартибини жорий этиш;

олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериладиган кам таъминланган оила тушунчаси мезонларини аниқлаштириш;

тавсиянома олиш учун талабгор эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга электрон шаклда мурожаат қилиш имкониятини бериш;

олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериладиган хотин-қизлар доирасини кенгайтириш;

эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш;

тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш жараёнини Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими, «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси билан боғлаш;

оиланинг эҳтиёжмандлик даражасини «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг киз фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар орқали аниқлаш тартибини жорий этиш.

### 3. Белгилансинки:

тавсиянома белгиланган мезонларга мос келган эҳтиёжманд оилалардаги барча талабгор хотин-қизларга берилади;

тавсиянома олиш учун талабгор эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича яшаш жойидаги туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига электрон шаклда мурожаат қилади;

олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бир йил муддатга берилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича



Ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 июнь,  
338-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 338-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорда:

а) номидаги «хотин-қизларга» сўзи «эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин».

2. Иловада:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ»;**

б) 1-бандга «хотин-қизларга» сўзларидан олдин «эҳтиёжманд оилалардаги» сўзлари қўшилсин;

в) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча дав-

лат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида олий маълумот олиш истагида бўлган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларнинг танловда иштирок этиши учун тавсиянома қўйидаги мезонлар асосида берилади:

кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар. Бунда кам таъминланган оила деганда, оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромадга эга бўлган оила тушунилади;

тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар;

турмуш ўртоғи вафот этган, вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар;

ногиронлиги бўлган фарзанди бор эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар;

икки ва ундан ортиқ фарзандларини тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида (ижарада) яшаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг қиз фарзандлари;

ота-оналаридан бири ёки ҳар иккиси ҳам биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар.

Тавсиянома юқоридаги мезонларга мос келган эҳтиёжманд оилалардаги барча талабгор хотин-қизларга берилади.

Тавсиянома олиш учун талабгор эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича яшаш жойидаги туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига электрон шаклда муурожаат қилади»;

г) 3-банддаги «Хотин-қизларнинг» сўзлари «Эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4 ва 5-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Тавсиянома ишчи гуруҳ йиғилишининг якуний баённомаларига кўра расмийлаштирилган туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларининг буйруғи асосида электрон ҳужжат шаклида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан берилади.

5. Тавсиянома Низомга 2-иловадаги схема бўйича олий маълумот олиш истагида бўлган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга бир йилга берилади»;

е) 6-бандга «доирасида» сўздан кейин «эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларнинг» сўзлари қўшилсин;

ж) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Республика олий таълим муассасаларига кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар учун қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — қўшимча қабул кўрсаткичлари) ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилингандан сўнг икки ҳафта

муддатда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) томонидан республика ҳудудлари кесимида тасдиқланади».

э) 8-бандга «тавсияномага эга» сўзларидан кейин «эҳтиёжманд оилалардаги» сўзлари қўшилсин;

и) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимларида тегишли ташкилотлардан иборат ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) тузилади.

Ишчи гуруҳлар таркибига тегишлича туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари, туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) молия бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими бошлиғи, Ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлими раҳбари қиради»;

к) 15-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ишчи гуруҳи билан биргаликда ажратилган қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларнинг ҳужжатларини мазкур Низомнинг 2-банди асосида ҳар йили 30 майдан 8 июнга қадар қабул қилади»;

л) 16-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

м) 17 — 21-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Ишчи гуруҳлар қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга талабгорларнинг ҳужжатлари мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқлигини кўриб чиқади.

18. Ишчи гуруҳлар томонидан мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган мезонлардан бирини тасдиқловчи маълумотлар ва электрон шаклдаги ҳужжатлар (туғилганлик, никоҳ қайд этилганлик, вафот этганлик ҳақида ва бошқа) Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими ҳамда «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади.

Ишчи гуруҳлар зарур ҳолларда оиланинг эҳтиёжмандлиги даражасини «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг қиз фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар орқали аниқлайди.

19. Ишчи гуруҳлар талабгорларнинг аризаларини ҳар йили 10 июнга қадар кўриб чиқади ва тавсиянома беришга тавсия этилган хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантиради.

Ишчи гуруҳлар йиғилишининг якунлари бўйича электрон хужжат шаклидаги баённома тузилиб, ишчи гуруҳлар раҳбарлари ва аъзоларининг электрон рақамли имзолари билан имзоланади.

Ишчи гуруҳлар йиғилишининг якуний баённомалари асосида туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларининг буйруғи электрон хужжат шаклида расмийлаштирилади.

Талабгорларнинг мобил телефон рақамига ёки электрон манзилига тавсиянома беришга тавсия этилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

20. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳар йили 14 июнга қадар:

қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга ишчи гуруҳлар томонидан тавсия этилган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларнинг рўйхати асосида тавсияномаларни тасдиқлайди;

тавсияномалар берилган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига тақдим этади;

тавсияномалар берилган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларнинг рўйхатини ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилади;

эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга берилган тавсияномаларни туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига юборади.

21. Туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳар йили 15 июнга қадар тавсияноманинг талабгорларга етказилишини таъминлайди»;

н) 22 — 27-бандларга «хотин-қизлар» сўзларидан олдин «эҳтиёжманд оилалардаги» сўзлари қўшилсин;

о) 1 ва 2-иловалар\* қуйидаги таҳрирда баён қилинсин.

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**317 Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, назоратсиз ва қаровсиз қолган болалар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 563-моддасига мувофиқ вояга етмаган судланувчи шартли ҳукм қилинган ёхуд унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган тақдирда, унга жамоат тарбиячиси тайинлаш масаласи кўриб чиқилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Назоратсиз ва қаровсиз қолган ҳамда ҳуқуқбузарлик ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган вояга етмаган шахслар билан яқка тартибда ишлаш, шунингдек, уларнинг ота-онасига (ёки ўрнини босувчи шахсларга) вояга етмаган шахсларни тарбиялашда амалий ёрдам кўрсатиш вояга етмаган шахсларга тайинланадиган жамоат тарбиячиларининг асосий вазифаси этиб белгилансин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

а) жамоат тарбиячиси қуйидаги тоифалардаги вояга етмаганларга нисбатан тайинланиши мумкин:

суд томонидан мажбурлов чоралари қўлланилган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган;

озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ёки тарбия колонияларида жазони ўтаган;

назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар;

болани тарбиялашда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларнинг вояга етмаган фарзандлари.

б) жамоат тарбиячисини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги қарор Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) томонидан қабул қилинади;

в) жамоат тарбиячиси Комиссиянинг тақдимномасига асосан туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача миқдорда битта вояга етмаган шахс учун бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши мумкин.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 июнда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 июнь,  
339-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 339-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини  
тайинлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартибини белгилайди.

2. Жамоат тарбиячиларининг асосий вазифаси назоратсиз ва қаровсиз қолган ҳамда ҳуқуқбузарлик ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вояга етмаган шахслар билан якка тартибда ишлаш, шунингдек уларнинг ота-онасига (ёки ўрнини босувчи шахсларга) вояга етмаган шахсларни тарбиялашда амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

3. Жамоат тарбиячиси фаолияти бола билан ишлашда индивидуал ёндашув ҳамда ихтиёрийлик асосида беғараз амалга оширилади.

**2-боб. Жамоат тарбиячисини тайинлаш тартиби**

4. Вояга етмаган шахсларнинг жамоат тарбиячиси (кейинги ўринларда — жамоат тарбиячиси) этиб 30 ёшга тўлган, биринчи навбатда вояга етмаган шахслар билан камида икки йил ишлаш тажрибасига эга бўлган, жинси, оилавий аҳволидан қатъи назар, ўзининг ҳаётий тажрибаси ва ахлоқий фазилатлари билан вояга етмаганларга ижобий таъсир кўрсата оладиган, ўз зиммасига вояга етмаган шахсларни тарбиялаш вазифасини олишга тайёр бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланиши мумкин.

Вояга етмаган қизларга нисбатан аёл жинсига мансуб бўлган жамоат тарбиячиси тайинланади.

5. Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) ёшлар ишлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, маданият, туризм ва спорт,

маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, ички ишлар органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда вояга етмаган шахслар билан ишлайдиган бошқа ташкилотларнинг таклиф-лари асосида жамоат тарбиячилари номзодлари рўйхатини шакллантиради.

Бунда Комиссия масъул котиби номзодлар рўйхатини шакллантириш ва ҳар йили янгилаб бориш учун масъул ҳисобланади.

6. Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячисини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги қарор Комиссия томонидан қабул қилинади.

7. Жамоат тарбиячиси қуйидаги тоифалардаги вояга етмаганларга нис-батан тайинланиши мумкин:

суд томонидан мажбурлов чоралари қўлланилган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган;

озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан муддатидан олдин шарт-ли равишда озод қилинган;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ёки тарбия колонияларида жазони ўтаган;

назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар;

болани тарбиялашда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларнинг вояга етма-ган фарзандлари.

8. Комиссия шартли ҳукм қилинган ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган вояга етмаганларга нисбатан суд қарори асосида жамоат тарбиячисини тайинлайди.

9. Комиссия суднинг тегишли қарори қонуний кучга кирган кундан эътибо-ран беш кун муддат ичида вояга етмаганга жамоат тарбиячисини тайинлайди.

Суднинг тегишли қарори талаб этилмайдиган ҳолатларда Комиссия му-тасадди ташкилотларнинг (Комиссия аъзоларининг) тақдимига асосан беш кун муддат ичида вояга етмаганга жамоат тарбиячисини тайинлаши мумкин.

10. Комиссия жамоат тарбиячисини тайинлашда ҳар бир ҳолатда ин-дивидуал тартибда, содир этилган қилмиш, вояга етмаган шахснинг хулқ-атвори, психологик портрети, ёши ва бошқа омилларни инобатга олади.

11. Комиссиянинг жамоат тарбиячисини тайинлаш тўғрисидаги қаро-рида қуйидагилар кўрсатилади:

жамоат тарбиячиси тўғрисида маълумот;

жамоат тарбиячиси тайинланаётган вояга етмаган тўғрисида маълумот;

жамоат тарбиячисини тайинлаш асослари (ҳолат мазмуни);

жамоат тарбиячисини тайинлаш муддати;

жамоат тарбиячисининг ҳисобдорлиги;

қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби.

Комиссия вояга етмаганга жамоат тарбиячисини тайинлаш тўғрисида қабул қилинган қарор билан боланинг ота-онасини (уларнинг ўрнини бо-сувчи шахсларни) таништиради.

Комиссия вояга етмаганга жамоат тарбиячиси тайинланганлиги ҳақида манфаатдор ташкилотларни (суд, ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик орган-лари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқаларни) хабардор қилади.

Жамоат тарбиячиси вояга етмаганларнинг фикри ҳисобга олиниб, уларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари билан келишган ҳолда тайинланади.

Битта вояга етмаган шахсга битта жамоат тарбиячиси тайинланиши мумкин.

12. Қуйидагилар жамоат тарбиячиси этиб тайинланиши мумкин эмас: муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахслар; муқаддам судланган ҳамда судланганлик ҳолати белгиланган тартибда тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар;

жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи сифатида жалб қилинган шахслар;

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқлари чекланган шахслар;

ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилган, бола билан шафқатсиз муомалада бўлган шахслар;

сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар;

доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахслар;

собиқ тутинган ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар, агар болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув ёки фарзандликка олиш бекор қилинган бўлса;

ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилганлиги учун васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

соғлиги туфайли жамоат тарбиячиси мажбуриятини бажара олмайди-ган шахслар.

13. Вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси уч ойгача бўлган муддатга тайинланади, мазкур муддат Комиссия томонидан жамоат тарбиячисининг ҳисоботини эшитиш натижаларига кўра, бир маротаба кўпи билан уч ойгача узайтирилиши мумкин.

### **3-боб. Жамоат тарбиячиси ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

14. Жамоат тарбиячиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вояга етмаган шахсни яшаш ва ўқиш жойи бўйича бориб кўриш;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

вояга етмаган билан яқка тартибда ишлаш дастурида (кейинги ўринларда — Дастур) белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда мутасадди ташкилот ва муассасалардан методик ҳамда амалий ёрдам олиш;

Комиссиядан вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) тўғрисида зарур маълумотларни талаб қилиб олиш;

Комиссиянинг вояга етмаган шахсга оид йиғилишларида қатнашиш ҳамда фикр ва таклифлар билдириш.



15. Жамоат тарбиячиси қуйидагиларга мажбур:

хар бир вояга етмаганга индивидуал ёндашган ҳолда унинг хулқ-атвори, психологик портрети, ёши, қобилияти, қизиқишлари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда вояга етмаганларнинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг таклифини олган ҳолда Дастур тузиш ва Комиссия билан келишиш;

вояга етмаганнинг Дастурда белгиланган чора-тадбирларга риоя этиши устидан назорат қилиш;

вояга етмаган шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини тузатиш, мавжуд салбий одатларини бартараф этиш ва ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш чораларини кўриш;

вояга етмаганни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, унда меҳнатсеварлик, масъулият, фидойилик, дунёқараши кенг, мустақил ва комил инсон бўлишга интилиш туйғуларини шакллантириш;

вояга етмаганларнинг ўқишини давом эттириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг тўғарақларда иштироки, ҳордиқ чиқариши, бандлигини таъминлаш чораларини кўриш;

ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан вояга етмаганни тарбиялаш, уларнинг ҳаёти ва келажаги учун жавобгар эканлиги бора-сида тушунтириш ишлари олиб бориш;

вояга етмаган шахс томонидан Дастурда белгиланган чора-тадбирлар бажарилмаган тақдирда, бу ҳақида Комиссияга хабар бериш;

ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, бу ҳақида Комиссияга хабар бериш;

хар ойда Комиссияга амалга оширилган ишлар ва болада кузатилаётган ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиш.

16. Вояга етмаган шахс:

вояга етмаган шахс жамоат тарбиячисининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан Комиссияга шикоят қилиш;

жамоат тарбиячисини алмаштириш тўғрисида Комиссияга мурожаат қилиш ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга.

Вояга етмаган шахс Дастурга амал қилиши ва унда белгиланган чора-тадбирларни бажариши ҳамда қонун ҳужжатларига риоя қилиши лозим.

#### **4-боб. Жамоат тарбиячисини алмаштириш ва фаолиятини тугатиш тартиби**

17. Жамоат тарбиячиси қуйидаги ҳолатларда алмаштирилади:

жамоат тарбиячиси ўз вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда;

вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан Комиссияга жамоат тарбиячиси устидан тушган шикоятлар асосида;

вояга етмаган ёки жамоат тарбиячиси яшаш жойини ўзгартирганда (вояга етмаган шахс ва жамоат тарбиячисининг бевосита мулоқоти қийинлашган ҳолларда);

жамоат тарбиячиси ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортганида.

18. Жамоат тарбиячисининг фаолияти Комиссия қарори билан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

жамоат тарбиячиси тайинлаш муддати тугаганда;

вояга етмаган шахс ўн саккиз ёшга тўлганда ёки эмансипация қилинганда;

вояга етмаган шахс озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганда;

вояга етмаган шахс бошқа давлатга доимий яшаш учун кетганда;

вояга етмаган шахс вафот этганда.

Жамоат тарбиячисини алмаштириш ёки унинг фаолиятини тугатиш ҳақида Комиссия қарор қабул қилади.

### **5-боб. Жамоат тарбиячиси фаолиятини назорат қилиш**

19. Жамоат тарбиячиларининг фаолияти устидан назорат Комиссия томонидан амалга оширилади.

20. Комиссия:

жамоат тарбиячисининг Дастур бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларини эшитиб боради;

вояга етмаган учун Дастурдаги чора-тадбирларни ўзгартириш ёки унга қўшимча чора-тадбирлар киритиш масаласини кўриб чиқади;

жамоат тарбиячисининг вояга етмаган билан олиб бораётган якка тартибдаги ишларининг ахволини текшириб боради;

вояга етмаганлар, уларнинг ота-онасидан (уларнинг ўрнини босувчи шахслардан) Комиссияга жамоат тарбиячиси устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Юклатилган вазифаларни фаол ва виждонан бажарган ҳамда ижобий натижаларга эришган жамоат тарбиячилари Комиссиянинг тақдимномасига асосан туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача миқдорда битта вояга етмаган шахс учун бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши, шунингдек, унга нисбатан бошқа рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин.

Туман (шаҳар) бўйича пул мукофотининг йиллик миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак.

22. Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиси бириктирилганлиги ота-оналар ёки бошқа қонуний вакилларни вояга етмаган болани тарбиялаш ва унинг хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан озод этмайди.

23. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**318 Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида\***

Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, атроф табиий муҳитни кузатиш, унинг ифлосланиш даражасини башорат қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсири мониторингини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базаси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Гидрометеорология хизмати маркази ва Фанлар академияси 2021 йил 1 ноябрга қадар атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги бўйича идоравий электрон ахборот маълумотлар базасининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилинишини таъминласин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2021 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин:

сув ресурслари, атмосфера ҳавоси ва тупроқларни ифлослантирувчи манбалар мониторинги;

атмосфера ҳавоси, ер усти ва ер ости сувлари ҳамда ерларнинг ифлосланиши мониторинги;

хавфли экзоген геологик жараёнлар мониторинги;

қўллар экотизимлари мониторинги;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари мониторинги;

атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиш мониторинги;

атроф табиий муҳит давлат мониторингининг электрон маълумотлар

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 июнда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

базасини ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилиш;  
таҳлил лабораторияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ўлчов-назорат асбоб-ускуналарини модернизация қилиш;

илмий ишлар ва инновацион тадбирларни амалга ошириш.

4. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурда назарда тутилган тадбирлар ва топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг Дастурда назарда тутилган тадбирларни бажариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштирсин;

2021 йил 1 декабрга қадар атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасини тўлиқ шакллантирсин;

жорий йил якунига қадар атроф-муҳит ифлослигини мониторинг қилиш бўлимларини 8 та мобиль лабораториялар, замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминласин;

атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиши ва чуқур таҳлил қилинишини, шунингдек, ҳар йили бюллетень ва ҳар уч йилда Миллий маъруза нашр этилишини таъминласин;

Дастурда белгиланган тадбирлар бажарилиши ҳақида ярим йиллик ва йил якунлари бўйича умумлаштирилган ҳисоботларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзсувтаъминот» АЖ ва Сув хўжалиги вазирлиги:

ичимлик сув хавзаларидаги сув сифатини ўрганиш, уларнинг ифлослигининг олдини олиш, ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни таъминласин;

аҳоли сувдан оммавий фойдаланадиган жойлардаги сув объектларида сувнинг микробиологик ва санитария-кимёвий кўрсаткичлари бўйича узлуксиз кузатувларни ўтказиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси мониторингини юритиш, ерларнинг унумдорлигини баҳолаш ва тупроқ хариталарини тузиш чораларини кўрсин;

ҳар йили ер ресурслари ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисоботни тайёрласин ва унинг нашр этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, ер ости сизот сувлари сифати ва ҳолатини назорат қилиш учун суғориладиган ерларда кузатув тизимини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширсин;

геоахборот технологияларини жорий этган ҳолда, сизот сувлар сатҳи ва шўрланиш даражасининг мелиоратив кадастрини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси давлат ўрмон хўжалиги ва ўрмон-ов хўжалиги ҳудудларида ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси мониторинги юритилиши ва унинг натижаларини ҳар чоракда Давлат кадастрлари ягона тизимига киритилиб борилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази республикадаги 22 та шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган 61 та турғун постларда атмосфера ҳавосининг сифати бўйича кунлик, майда дисперсли заррачалар бўйича ойлик кузатишлар олиб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга-ликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 июнь,  
343-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 343-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «2016 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги Дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 23 августдаги 273-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 25 октябрдаги ПҚ–2641-сон қарори)» 2016 йил 22 декабрдаги 412-сон қарорига 1-илованинг 13-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2915-сон қарори) 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига 1-илованинг 72-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2018 йил 12 февралдаги 107-сон қарорига 1-илованинг 31-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 29 майдаги 400-сон қарорига илованинг 23-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПФ–5418-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3671-сон қарори, «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3672-сон қарори)» 2018 йил 7 декабрдаги 995-сон қарорига 1-илованинг 111-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПФ–5644-сон, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5650-сон Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПҚ–4136-сон қарори)» 2019 йил 13 майдаги 397-сон қарорига илованинг 54-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон қарорининг 7-банди ва қарорга 2-илоvasи.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 мартдаги ПФ-5690-сон Фармони)» 2019 йил 21 октябрдаги 886-сон қарорига илованинг 12-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 22 январдаги ПҚ-4569-сон, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4612-сон, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири лавозимини киритиш тўғрисида» 2020 йил 10 мартдаги ПҚ-4635-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 12 майдаги ПҚ-4710-сон қарорлари)» 2020 йил 26 июндаги 411-сон қарорига 1-илова 20-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**319** Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда республика олий таълим муассасаларининг ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларини ҳимоя қилиш, уларга узлуксиз мустақил таълим олиш учун имконият яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонига мувофиқ, академик таътил беришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи янгича тартиби ўрнатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

академик таътил олишни истаган талабалар ўз ихтиёрига кўра академик таътил муддатига таълимнинг сиртки ва масофавий шаклига ўтказилиб (агар олий таълим муассасасида бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса), уларга узлуксиз мустақил таълим олиш имконияти яратилади;

оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш сабабли анъанавий шаклдаги таълимни давом эттириш имконияти бўлмаган талабаларга ҳам академик таътилни олиш ҳуқуқи берилади;

талабаларга ўқиш давомида академик таътил берилиши бўйича миқдорий чекловлар бекор қилинади;

академик таътилдан қайтган талабаларни илгари ўзлаштирилган фанлар бўйича қайтадан ўқитиш амалиёти бекор қилинади.

2. Олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш, академик таътил муддатлари ҳамда академик таътилдан сўнг ўқишни давом эттириш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

академик таътил бериш талабани олий таълим муассасасидан четлаштириш ҳисобланмайди;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 июнда эълон қилинган.



талабанинг академик таътил олиш ҳақидаги мурожаати бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилади ҳамда олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи билан расмийлаштирилади;

академик таътил бериладиган талабалар аризасига (ихтиёрига) кўра олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғига мувофиқ, унинг ўқиши академик таътил муддатига таълимнинг сиртки ёки масофавий ёки экстернат таълим шаклига ўтказилиши мумкин;

талаба академик таътилдан белгиланган муддат тамом бўлгандан сўнг ўқишга қайтиш бўйича олий таълим муассасасининг ректори (директори) номига ариза билан мурожаат қилган тақдирда унинг аризасини асоссиз равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 июнь,  
344-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 344-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари  
талабаларига академик таътил бериш тўғрисида  
НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш ва академик таътилдан сўнг уларнинг ўқишини давом эттириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил қўйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

ҳарбий хизматни ўташ учун;

саломатлигини тиклаш учун;

ҳомиладорлик ва туғиш учун;

болаларни парвариш қилиш учун;

оиласининг бетоб аъзосини (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзанди) парвариш қилиш учун.

3. Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, қўйидаги муддатларга берилади:

ҳарбий хизматни ўташ учун — қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига;

ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш учун — қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари муддатига;

саломатлигини тиклаш ҳамда оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш учун — кейинги йилнинг талаба томонидан тўлиқ ўзлаштирилмаган семестри бошлангунига қадар бўлган муддатга (агар мазкур Низомнинг 11-бандига мувофиқ талаба академик таътил муддатига таълимнинг сиртки ёки масофавий ёки экстернат таълим шаклига ўтказилса, навбатдаги семестрнинг бошлангунига қадар бўлган муддатга). Бунда, қайд этилган муддатлардан бири талабанинг аризасига мувофиқ олий таълим муассасаси ректори (директори) томонидан белгиланади.

4. Талабага академик таътил берилиши уни олий таълим муассасасидан четлаштириш деб ҳисобланмайди.

5. Талабаларга академик таътил даврида стипендиялар тўланмайди.

## **2-боб. Академик таътил бериш**

6. Академик таътил олиш учун талаба (соғлиғи ҳолатига кўра талаба шахсан мурожаат этиш имкониятига эга бўлмаса, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки турмуш ўртоғи) томонидан олий таълим муассасаси ректори (директори) номига ариза билан мурожаат қилинади.

7. Академик таътил олишни сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ҳарбий хизматни ўташ учун — тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларининг талабани ҳарбий хизматга чақириш ҳақидаги чақирув қоғози;

саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш учун — талаба доимий тиббий назоратда турган тиббиёт муассасаси хулосаси;

оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш учун — оиласининг бетоб аъзоси доимий тиббий назоратда турган тиббиёт муассасаси хулосаси.

8. Талаба сурункали касаллиги сабабли бир ойдан ортиқ вақт давоми-

да дарсларда қатнаша олмаса, талаба ёки унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки турмуш ўртоғининг аризасига асосан талабага академик таътил берилиши мумкин. Бунда, академик таътил муддати ўтишининг бошланиши талаба дарсларда қатнаша олмаётган кундан бошлаб ҳисобланади.

9. Талабага саломатлигини тиклаш ҳамда оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш учун академик таътилнинг берилиши мазкур Низомнинг иловасида келтирилган Олий таълим муассасалари талабаларига тиббий кўрсатмалар бўйича академик таътил беришга оид касалликлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

10. Талабанинг академик таътил олиш ҳақидаги мурожаати бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилади.

Талабага академик таътил бериш олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ушбу буйруқда академик таътилнинг бошланиш ва тугаш санаси кўрсатилиши шарт.

11. Академик таътил бериладиган талабалар аризасига (ихтиёрига) кўра олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғига мувофиқ, унинг ўқиши академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи ёки масофавий ёки экстернат таълим шаклига ўтказилиши мумкин.

Бунда олий таълим муассасасида муайян бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича сиртқи ёки масофавий таълим шакли мавжуд бўлган тақдирда талабанинг ўқиши аризасига кўра белгиланган муддатга ушбу таълим шаклига ўтказилади.

Талабанинг ўқишини академик таътил муддатига таълимнинг экстернат таълим шаклига ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

талабалар ўқишининг академик таътил муддатига экстернат таълим шаклига ўтказилиши бакалаврият таълим йўналишларининг (магистратура мутахассисликларининг) хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади;

академик таътил муддатига ўқишни экстернат таълим шаклига ўтказиш бўйича аризалар 15 кун муддатда олий таълим муассасаси кенгашида кўриб чиқилади ва бакалаврият таълим йўналишининг (магистратура мутахассислигининг) хусусиятларидан келиб чиқиб, талабанинг белгиланган муддатга экстернат таълим шаклида ўқиши мақсадга мувофиқ ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича қарор қабул қилинади;

олий таълим муассасаси кенгашининг қарори беш кун муддатда ариза муаллифига (талабага) маълум қилинади;

олий таълим муассасаси кенгашининг қарорига асосан олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи билан академик таътил муддатига экстернат таълим шаклида ўқишга рухсат этилган талаба томонидан академик таътилдан қайтгандан сўнг муайян ўқув семестрида (семестрларида) ўқитилган фанлар бўйича бир марталик имтиҳонлар топширилади;

имтиҳонлар олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғига асосан фанлар бўйича ташкил этилган комиссия томонидан ўтказилади;

имтихонлар натижаларига кўра барча фанлардан талаба кўрсаткичи белгиланган ўтиш балидан юқори бўлган тақдирда талабага навбатдаги ўқув семестридан (курсдан) ўқишини давом эттиришига рухсат этилади;

имтихонлар натижаларига кўра бир ёки ундан кўп фанлардан талаба кўрсаткичи белгиланган ўтиш балидан паст бўлган тақдирда талабанинг ўзлаштирилмаган ўқув семестрининг бошидан ўқишини давом эттириши белгиланади.

Мазкур бандда назарда тутилган тартиб ҳарбий хизматни ўташ учун академик таътил бериш ҳолатига нисбатан татбиқ этилмайди.

12. Саломатлигини тиклаш ёки оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш учун академик таътилда бўлган талабаларда ҳомиладорлик ва туғиш ҳолатлари юзага келган тақдирда, академик таътилнинг муддати ҳомиладорлик ва туғиш учун мазкур Низомда белгиланган академик таътилнинг муддатига узайтирилади.

Талабанинг саломатлиги ёки оиласининг бетоб аъзоси саломатлиги тикланмаганда талабанинг аризасига кўра олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи асосида академик таътил муддати ушбу тоифадаги ҳолатлар учун белгиланган муддатларга узайтирилади.

13. Ўқув семестри якунланишига бир ой муддат қолгандан бошлаб мазкур семестр учун турмуш ўртоғи ёки ота-онаси Ҳукумат қарорлари ва топшириқларига мувофиқ хорижий давлатга узоқ муддатли хизмат сафарига юборилганлиги сабабли талабага унинг аризасига асосан алоҳида график асосида дарсларни ўзлаштириш имконияти яратилади.

Навбатдаги семестрда ушбу талаба дарс машғулотларида бевосита иштирок этиши ёки академик таътил олиши ёки ўз аризасига кўра талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин.

### **3-боб. Академик таътидан қайтиш**

14. Талаба академик таътилга чиққан кундан бошлаб бир ой ўтмаган бўлса, академик таътилни бекор қилиш ва ўқишга қайтишни сўраб олий таълим муассасасига ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

15. Талаба академик таътилнинг муддати тамом бўлгандан сўнг ўқишга қайтиш бўйича олий таълим муассасасининг ректори (директори) номига ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Талаба академик таътидан белгиланган муддат тамом бўлгандан сўнг ўқишга қайтиш бўйича олий таълим муассасасининг ректори (директори) номига ариза билан мурожаат қилган тақдирда унинг аризасини асосиз равишда рад этишга йўл қўйилмайди. Ушбу ҳолат бўйича масъулият шахсан олий таълим муассасаси ректори (директори) зиммасига юкланади.

16. Агар академик таътил даврида талаба таҳсил олган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) тугатилган бўлса, талабанинг ўқишини мазкур олий таълим муассасасининг турдош бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича, агар бундай ба-

калаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) мавжуд бўлма-са, турдош бўлмаган бакалаврият таълим йўналишига (магистратура мутахассислигига) кўчириб тиклаш масаласи ариза билан бирга кўриб чиқиладди ва Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ҳал этилади.

17. Ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш учун академик таътилда бўлган талабалар камида кейинги ўқув йилининг талаба томонидан тўлиқ ўзлаштирилмаган семестри бошланиши муддатига ўқишга қайтиши мумкин.

18. Академик таътидан қайтиш бўйича талабанинг муурожаати бир ҳафталик муддатда кўриб чиқиладди ва унинг олий таълим муассасасига ўқишга қайтиши тўғрисида олий таълим муассасаси ректори (директори)-нинг буйруғи расмийлаштирилади.

Ушбу буйруқда талаба академик таътидан қайтгандан сўнг ўқийдиган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги), ўқув курси ва гуруҳи кўрсатилади.

19. Академик таътидан белгиланган муддатда қайтган талабаларга илгари ўзлаштирилган фанларни қайта ўзлаштириш мажбурияти юклатилмайди.

20. Академик таътил муддати тугагандан сўнг ўқишга қайтмаган ва натижада бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирган талаба олий таълим муассасасидан четлаштирилади.

Ушбу банд талабалари ўқув жараёни кредит-модуль тизимига ўтган олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22. Мазкур Низом талабаларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим  
муассасалари талабаларига академик  
таътил бериш тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари талабаларига тиббий  
кўрсатмалар бўйича академик таътил беришга  
оид касалликлар  
РЎЙХАТИ**

1. Сил касаллигининг фаол ва асоратланган шакллари.
2. Сурункали кечувчи ўпканинг носпецифик касалликлари билан боғлиқ юрак-ўпка фаолиятлари етишмовчилиги (III даража).
3. II ва III даражали сурункали қон айланиши бузилиши (Нью-Йорк классификатори бўйича III ва IV даража) билан кечувчи юрак клапанлари ва мушакларининг органик ўзгаришлари.
4. II ва III даражали қон босимининг ошиши, тез ривожланувчи қон босим ошиши (хавфли гипертония).
5. Ҳаёт учун хавфли юрак ритми ва ўтказувчанликнинг бузилиши билан кечувчи ҳолатлар (МАС синдроми, АВ қамал II-III даражаси, синус тугуни заифлиги синдроми, юрак қисқариш сони кундузи бир минутда 50 ва ундан паст бўлса, номуқим гемодинамика билан кечувчи пароксизмал тахикардиялар (САБ 90 мм симоб устунидан паст ҳолат).
6. Барча босқичдаги хавфли ўсма касалликлари (2 йил олдин радикал даволанганлар бундан мустасно).
7. Турғун буйрак етишмовчилиги билан кечувчи буйрак ва бошқа аъзолар касалликлари.
8. Стационар шароитида даволаниш талаб этиладиган ошқозон-ичак тизими яра ва яллиғланиш касалликларининг ўткир даври.
9. Оғир ва қўшма травматик шикастланишлар.
10. Стационар шароитида бир ой муддатдан ортиқ даволаниш ва реабилитация қилиш зарур бўлган турли этиологиялик жигар касалликлари ва сурункали панкреатит (сурункали гепатитлар, жигар циррози).
11. Эндокрин касалликларининг оғир шакли (акромегалия, диффуз токсик буқоқ, буйрак ости безининг етишмовчилиги, гипотериоз, қандли диабет касаллигининг биринчи тури, Иценко-Кушинг касаллиги).
12. Қон тизими касалликлари:
  - а) ўткир ва сурункали лейкозлар;
  - б) Идиопатик тромбоцитопеник пурпура;
  - в) апластик анемия.
13. Асаб системаси сурункали органик касалликларининг асоратлари натижасида ақл-заковатнинг чуқур ва турғун бузилиши ҳамда психопатик бузилишлар.
14. Шизофрения барча турларининг хуруж даври.
15. Тез-тез такрорланувчи тутқаноқли, тутқаноқсиз ва психомотор

хуружлари билан, шунингдек, хушнинг хиралашуви ва оғир дисфория билан кечувчи эпилепсия, шу жумладан:

а) кам такрорланувчи хуружлар билан шахснинг чуқур ўзгариши ва ақл-заковат бузилиши билан кечувчи эпилепсия;

б) эпилептик психозлар.

16. Тез-тез хуружланувчи циклотимия, маниакал депрессив психоз ва тез-тез такрорланувчи маниакал депрессив ҳолатлар.

17. Психопатиянинг тез-тез декомпенсацияланиши билан кечувчи турлари.

18. Оғир, сурункали кечувчи тери касалликлари:

а) асоратланган псориаз;

б) пурсилдоқ яра;

в) Лайелл синдроми;

г) Стивенс-Жонсон синдроми.

19. Захмнинг юқумли босқичи.

20. Трахоманинг I, II ва III даражалари.

21. Гиёҳвандлик, токсикоманиянинг барча турлари (тамакига тобелик бундан мустасно).

22. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС/ОИВ).

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 344-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш,  
қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби  
тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

36-бандда:

а) «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) ўн биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида ҳамда оиласининг бетоб аъзосини (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзанди) парвариш қилиш учун талабага Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда академик таътил берилиши мумкин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**320 Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари  
рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон Фармони ҳамда «Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ–4910-сон қарорига мувофиқ таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Таълим муассасалари рейтингини аниқлашнинг мақсад ва вазифаларини, уни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш, ижтимоий сўровномалар ва назорат ишларини ўтказиш, натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш, масъул ходимлар фаолиятини баҳолашни амалга оширишнинг ташкилий тартиботларини назарда тутувчи:

Умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Академик лицейлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

умумий ўрта таълим муассасаси директори, унинг ўринбосарлари, педагог ходимлари фаолиятига баҳо бериш белгиланган тартибда тасдиқланган таълим муассасалари рейтингини аниқлаш мезонлари асосида ҳисобланган натижаларга мувофиқ амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда уларнинг таълим ва тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятига баҳо беришда рейтинг натижалари билан бирга инобатга олинади;

академик лицейлар фаолиятининг самарадорлиги бўйича мониторинг юритилади, рейтинг кўрсаткичлари паст бўлганларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланади ва амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳар йили 1 сентябрга қадар:

Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда туманлар (шаҳарлар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда академик лицейлар рейтингини эълон қилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 июнда эълон қилинган.



4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 июнь,  
345-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 345-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини  
аниқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат умумий ўрта таълим муассасалари, шунингдек умумий ўрта таълим бериладиган ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларининг (кейинги ўринларда — умумий ўрта таълим муассасалари) фаолияти самарадорлиги бўйича рейтингини (кейинги ўринларда — рейтинг) аниқлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом Президент мактаблари ҳамда имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Рейтинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Таълим инспекцияси) ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили туманлар (шаҳарлар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида тузилади.

3. Рейтингни тузиш мақсадида ўқув йили давомида умумий ўрта таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини қўллашда асос ҳисобланадиган зарур маълумотлар базаси шакллантирилади.

ди ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида назорат ишлари ва ижтимоий сўровномалар ўтказилади.

4. Рейтингни аниқлаш ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

### **2-боб. Рейтингни аниқлашнинг мақсад ва вазифалари**

5. Қуйидагилар рейтингни аниқлашнинг мақсади ҳисобланади:

умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

умумий ўрта таълим муассасаларининг раҳбарлари ва педагогларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини ошириш, меҳнатини муносиб қадрлаш, фаолият самарадорлигига қараб моддий рағбатлантириш;

маҳаллий бошқарув органларининг ўз ҳудудларида таълим сифатини оширишга қаратилган фаолиятини кучайтириш.

6. Қуйидагилар рейтингни аниқлашнинг вазифалари ҳисобланади:

ҳар йили умумий ўрта таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича мониторинг юритиш, кўрсаткичлари паст бўлганларининг фаолиятига оид таҳлилий маълумотларни таълим соҳасидаги ваколатли органлар ва ташкилотларга тақдим этиш;

рейтинг натижаларидан келиб чиқиб, директорлар ва уларнинг ўринбосарлари, ўқитувчилар, тегишли ҳудудлар ҳокимлари ва уларнинг таълим бўйича маслаҳатчилари фаолиятига баҳо бериш;

раҳбар ходимлар, педагог ва ўқитувчиларнинг фаолияти самарадорлигини ҳисобга олиб, моддий рағбатлантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

### **3-боб. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш**

7. Таълим инспекцияси томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда ҳар йили 20 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Таълим инспекцияси ҳамда тизимида умумий ўрта таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлинмалар) ходимларидан иборат тегишли ҳудуддаги умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий сўровномалар ва назорат ишлари (ёзма иш ва тест синови)ни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) тузилади.

8. Таълим инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш бўйича жадваллар ҳар йили 1 февралга қадар Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтидаги платформа ([monitoring.tdi.uz](http://monitoring.tdi.uz)) (кейинги ўринларда — махсус платформа) жойлаштирилади.

---

\* 1-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Жадваллар уларга тегишли маълумотлар киритилиб, умумий ўрта таълим муассасаларининг директорлари томонидан тасдиқланган ҳолда 25 апрелга қадар ҳудудий бўлинмаларга тақдим этилади.

10. Ҳудудий бўлинмалар томонидан жадваллар асослантирувчи ҳужжатлари билан биргаликда ҳар йили 1 майга қадар махсус платформага жойлаштирилади.

Махсус платформага рейтинг аниқланаётган йилнинг 1 майдан сўнг қўшимча маълумот жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Маълумотларнинг махсус платформага белгиланган муддатдан кечикмай ва тўғри киритилиши учун ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Маълумотлар базасини шакллантириш жараёнида ҳудудий бўлинмалар томонидан тақдим этилган материаллар ва уларнинг асослантирувчи ҳужжатлари ишчи гуруҳлар томонидан қўшимча ўрганилиши мумкин.

Асослантирувчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган маълумотлар рейтингни ҳисоблашда инobatга олинмайди.

#### **4-боб. Рейтингни аниқлашга оид ижтимоий сўровномалар ва назорат ишларини ўтказиш**

12. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш учун ишчи гуруҳлар томонидан ҳар ўқув йили давомида Таълим инспекцияси ва Халқ таълими вазирлиги биргаликда қуръа ташлаш орқали танлаб оладиган умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий сўровномалар ва назорат ишлари ўтказилади.

13. Ижтимоий сўровнома умумий ўрта таълим муассасаси юқори синф ўқувчилари ва педагоглар жамоаси ўртасида ўтказилиб, унда педагог ва раҳбар ходимлар фаолияти, умумий ўрта таълим муассасасидаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда педагог ходимларнинг дарс бериш маҳорати ҳақида ўқувчиларнинг фикри, шунингдек, умумий ўрта таълим муассасасида педагог ходимлар учун яратилган шароитлар ва ўқитиш муҳити ҳақида педагог ходимлар фикри ўрганилади.

Педагогик жамоа билан ўтказиладиган ижтимоий сўровномада умумий ўрта таълим муассасасидаги ўқитувчиларнинг камида учдан икки қисми қатнашади.

Ижтимоий сўровнома саволлари халқ таълими тизимидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда Таълим инспекцияси томонидан тузилади.

14. Назорат ишлари умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича билим даражасини аниқлаш мақсадида ёзма иш ва тест синови шаклида ўтказилади.

Нazorат ишларини ўтказиш учун умумий ўрта таълим муассасасининг камида битта синфи ишчи гуруҳ томонидан қуръа ташлаш орқали танлаб олинади.

15. Ижтимоий сўровнома ва назорат ишларини ўтказиш тартиби, ижтимоий сўровнома саволларининг сони, шунингдек, назорат ишлари ўтка-

зиладиган фанлар ва топшириқлар сони Таълим инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланади.

16. Таълим инспекциясида ижтимоий сўровномалар ва назорат ишлари материаллари қутиларга солиниб муҳрланади ва махсус қопларга жойлаштирилиб, хуудларга юбориш учун Давлат фельдъегерлик хизматига топширилади.

17. Давлат фельдъегерлик хизмати назорат ишлари материаллари солинган махсус қопларни Таълим инспекциясининг ҳудудий бўлимларига етказиб беради.

18. Жойларда ижтимоий сўровномалар ва назорат ишлари ўтказилгандан сўнг назорат ишлари материаллари ишчи гуруҳлар томонидан қутиларга солиниб муҳрланади. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказилган ижтимоий сўровномалар ва назорат ишлари материаллари солинган қутилар Таълим инспекциясига ишчи гуруҳлар томонидан етказиб берилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказилган ижтимоий сўровномалар ва назорат ишлари материаллари солинган қутилар махсус қопларда Давлат фельдъегерлик хизмати орқали Таълим инспекциясига етказилади.

19. Ижтимоий сўровномалар ва назорат ишлари Таълим инспекциясига жалб этиладиган эксперт ва мутахассислар томонидан баҳоланади. Баҳолаш жараёнига жалб этилган эксперт ва мутахассисларга Таълим инспекцияси билан тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ҳақ тўланади. Эксперт ва мутахассисларга тўланадиган ҳақ миқдори уларнинг бажарган ишларига мутаносиб равишда томонлар келишувига мувофиқ белгиланади.

#### **5-боб. Рейтинг натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш**

20. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказилган ижтимоий сўровномалар ва назорат ишлари натижалари Таълим инспекцияси томонидан рейтингни аниқлашда асос бўлади.

Рейтингни аниқлаш ушбу Низомга 2-иловада\* келтирилган Умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини аниқлаш мезонлари ва ҳисоблаш методикаси асосида амалга оширилади.

21. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш учун битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича тайёргарлиги ва таълим сифати даражаси тўғрисидаги маълумотлар, хусусан:

давлат олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонларида қатнашган битирувчилар сони ва уларнинг тўплаган баллари бўйича маълумотлар — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан;

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган нодавлат ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиалларига қабул им-

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тихонларида қатнашган битирувчилар сони ва уларнинг тўплаган баллари, халқаро эътироф этилган нуфузли рейтинг агентликларининг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) топ 1000 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган битирувчилар сони ва уларнинг тўплаган баллари бўйича маълумотлар — мазкур олий таълим ташкилотлари томонидан Таълим инспекцияси сўровига кўра тақдим этилади.

22. Рейтинг қуйидаги ҳисоблаш тамойиллари асосида аниқланади:

рейтингда иштирок этаётган барча умумий ўрта таълим муассасаларининг баллари ҳар бир мезон бўйича алоҳида ҳисобланади;

тегишли мезон бўйича энг юқори натижага эга бўлган умумий ўрта таълим муассасасига мазкур мезон учун белгиланган энг кўп балл берилади;

қолган барча умумий ўрта таълим муассасаларининг баллари энг юқори баллга эга бўлган умумий ўрта таълим муассасасининг баллари йиғиндисига нисбатан ҳисоблаб чиқарилади;

ҳар бир мезон бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси асосида умумий ўрта таълим муассасасининг рейтинги белгиланади. Бунда, баллари йиғиндиси тенг бўлган умумий ўрта таълим муассасаларининг рейтинги тасдиқланган мезонлар кесимида энг юқори балл кўрсаткичлари назарда тутилган мезон бўйича тўпланган баллдан келиб чиққан ҳолда устуворлик бериб аниқланади. Устуворлик берилган мезон бўйича тенг баллик умумий ўрта таълим муассасалари мавжуд бўлганда, уларнинг ҳар бирига тегишли ўрин берилади.

23. Рейтинг натижалари ҳар йили янги ўқув йили бошланишидан кечикмай Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

### **6-боб. Рейтинг натижалари асосида масъул ходимлар фаолиятини баҳолаш**

24. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари, уларнинг ўринбосарлари ва педагог ходимлари фаолиятини баҳолаш умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини аниқлаш мезонлари асосида ишлаб чиқилган рейтинг натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

25. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда уларнинг таълим ва тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари (кейинги ўринларда — ҳокимлар ва уларнинг маслаҳатчилари) фаолиятини баҳолаш учун рейтингни аниқлаш мазкур Низомга 3-иловада\* келтирилган баҳолаш мезонларига мувофиқ амалга оширилади.

26. Ҳокимлар ва уларнинг маслаҳатчилари фаолиятини баҳолаш бўйича рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш учун Таълим инспекциясига:

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан умумий ўрта таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тақдим этилади.

27. Умумий ўрта таълим муассасалари рейтинги асосида туманлар (шаҳарлар) рейтинги, туманлар (шаҳарлар) рейтинги асосида эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар рейтинглари аниқланади.

Рейтингда юқори натижага эришган ҳокимлар ва уларнинг маслаҳатчилари, шунингдек умумий ўрта таълим муассасалари директорлари, уларнинг ўринбосарлари ва педагог ходимлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантирилади.

### **7-боб. Яқуний қоидалар**

28. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар Таълим инспекциясида беш йил мобайнида сақланади.

29. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 345-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Академик лицейлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом академик лицейларнинг фаолияти самарадорлиги бўйича рейтингини (кейинги ўринларда — рейтинг) аниқлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейлари ҳамда бошқа ҳарбийлаштирилган йўналишдаги академик лицейларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Рейтинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Таълим инспекцияси) томонидан ҳар йили аниқланади.

3. Рейтингни аниқлаш ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**2-боб. Рейтингни аниқлашнинг мақсад ва вазифалари**

4. Академик лицейлар рейтингини аниқлаш мазкур таълим муассасаларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, улардаги таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларнинг педагогик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ўқитиш сифати бўйича юқори кўрсаткичларга эришиш ҳамда таълимнинг кейинги босқичи учун юқори малакали кадрларни тайёрлашга замин яратиш мақсадида амалга оширилади.

5. Қуйидагилар рейтингни аниқлашнинг вазифалари ҳисобланади:

академик лицейлар фаолияти самарадорлиги бўйича мониторинг юритиш, кўрсаткичлари паст бўлган лицейларнинг фаолиятига оид тахлилий маълумотларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (кейинги ўринларда — Вазирлик) тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақдим этиш;

кенг жамоатчиликни академик лицейлар фаолияти ҳамда ўқув-тарбия жараёнларининг самарадорлиги ҳақида холис ахборотлар билан таъминлаш.

**3-боб. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш**

6. Рейтингни аниқлашга оид маълумотларни шакллантириш Таълим инспекцияси томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи чорагида амалга оширилади.

7. Таълим инспекцияси томонидан маълумотларни шакллантириш мақсадида рейтингни аниқлаш мезонларига мос равишда жадваллар ишлаб чиқилади ва рейтинг аниқланаётган йилнинг 10 декабрь санасигача Вазирликка етказилади.

8. Академик лицейлар томонидан маълумотлар 1 февралга қадар Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтидаги махсус платформага ([monitoring.tdi.uz](http://monitoring.tdi.uz)) (кейинги ўринларда — махсус платформа) жойлаштирилади.

Асословчи ҳужжатлар тақдим этилмаган маълумотлар рейтингни ҳисоблашда инobatга олинмайди.

9. Таълим инспекцияси тақдим этилган маълумотларни 1 апрелга қадар таҳлил қилади. Маълумотларни тасдиқлаш учун 10 апрелга қадар махсус платформага жойлаштиради.

10. Олий таълим муассасасининг масъул проректори ва академик лицей директори томонидан маълумотлар тасдиқланиб, 1 майга қадар махсус платформага жойлаштирилади.

Махсус платформага рейтинг аниқланаётган йилнинг 1 майидан сўнг қўшимча маълумот жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Махсус платформага жойлаштирилган маълумотлар бўйича Таълим инспекцияси асослантирувчи ҳужжатлар сўраб олиши мумкин.

Асослантирувчи ҳужжатлари тақдим этилмаган маълумотлар рейтингни ҳисоблашда инobatга олинмайди.

**4-боб. Рейтинг натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш**

11. Таълим инспекцияси тўпланган маълумотлар асосида академик лицейлар рейтингини аниқлайди.

Рейтинг балларини ҳисоблаш ушбу Низомга 2-иловада\* келтирилган Академик лицейлар рейтингини аниқлаш мезонлари ва ҳисоблаш методикаси асосида амалга оширилади.

12. Таълим инспекциясига рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида:

а) олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган академик лицей битирувчиларининг сони тўғрисидаги маълумотлар, хусусан:

давлат олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонларида қатнашган битирувчилар сони ва уларнинг тўплаган баллари бўйича маълумотлар — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан;

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган нодавлат ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиалларига қабул имтиҳонларида қатнашган битирувчилар сони ва уларнинг тўплаган баллари, халқаро эътироф этилган нуфузли рейтинг агентликларининг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) топ 1000 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган битирувчилар сони ва уларнинг тўплаган баллари бўйича маълумотлар — мазкур олий таълим ташкилотлари томонидан;

б) бошқа мезонлар бўйича маълумотлар — академик лицейлар томонидан тақдим этилади.

13. Рейтинг қуйидаги ҳисоблаш тамойиллари асосида аниқланади:

тегишли рейтинг мезони бўйича энг юқори натижага эга академик лицей аниқланади;

энг юқори натижага эга бўлган академик лицейга мазкур мезон учун белгиланган энг кўп балл берилади;

бошқа барча академик лицейларнинг баллари шу мезон бўйича энг юқори баллга эга бўлган академик лицейнинг баллари йиғиндисига нисбатан ҳисобланади;

ҳар бир мезон бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси академик лицейлар рейтингини белгилайди. Бунда, баллари йиғиндиси тенг бўлган академик лицейларнинг рейтингини тасдиқланган мезонлар кесимида энг юқори балл кўрсаткичлари назарда тутилган мезон бўйича тўпланган баллдан келиб чиққан ҳолда устуворлик бериб аниқланади. Устуворлик берилган мезон бўйича тенг баллик академик лицейлар мавжуд бўлганда, уларнинг ҳар бирига тегишли ўрин берилади.

14. Рейтинг натижалари ҳар йили кейинги ўқув йили бошланишидан кечикмай Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



**5-боб. Якунловчи қоидалар**

15. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар Таълим инспекциясида беш йил мобайнида сақланади.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 345-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ижодий таътиллари бериш тартибида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошиси ва 8-банддаги «ўқув юрти, илмий-тадқиқот муассасаси» сўзлари «таълим муассасаси (ташкilotи), илмий ташкilot» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банддаги «ўқув юрти, илмий-тадқиқот муассасасининг» сўзлари «таълим муассасаси (ташкilotи), илмий ташкilotнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарорида:

а) 2 ва 3-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

1.1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1.1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддасига мувофиқ республикада идоравий бўйсунувидан қатъи назар, давлат таълим муассасаларининг барча турлари учун мажбурий бўлган давлат таълим стандартлари (ДТС) белгиланади»;

3.1 ва 3.2-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3.1. ДТС таълимнинг қуйидаги турлари учун белгиланади:

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;

профессional таълим;

олий таълим.

3.2. Мактабдан ташқари, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун давлат таълим талаблари таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Мактабгача таълим учун мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади»;

5.1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

6.1 — 6.3-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6.1. ДТСни ишлаб чиқиш таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш мақсадида таянч давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасаларини белгилайди.

6.3. ДТС таълим соҳасидаги тегишли ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан тасдиқланади»;

6.5 — 6.7-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6.5. Тасдиқланган ДТСга мувофиқ таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар мос равишда малака талаблари, ўқув режалари, ўқув дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалий ўзлаштирилишини рўёбга чиқаради.

6.6. Таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда ўқув юкмасини табақалаштириш, ДТС томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқча таълим мазмунини белгилаш таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ваколатига киради.

6.7. ДТСга ўзгартиришлар киритиш республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мувофиқ таълим даражаси ва кадрлар тайёрлашга нисбатан қўйиладиган талаблар ўзгариши давомида таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади»;

в) 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга 1-илованинг 2-бандидаги «ўқув юртидан» сўзлари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 19-сон, 137-модда):

а) 3-банддаги «касб-ҳунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига академик лицейлар, профессионал таълим муассасаларининг раҳбар, педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш учун зарур бюджет маблағлари ажратишни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ўқув асбоб-анжомлари харид қилиш учун жалб этилаётган

грантлар ва хорижий кредитлар маблағларидан, шунингдек, ўқитувчиларни ривожланган мамлакатларнинг етакчи ўқув марказларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ҳам фойдаланишни назарда тутсин».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 16 январдаги 22-сон қарорининг 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг» сўзлари «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг сўзлари билан алмаштирилсин;  
учинчи хатбошидаги «ўқув юрти» сўзлари «таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 397-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 147-модда) билан тасдиқланган Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартибининг 59-банди биринчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«59. Ҳар бир ветеринария илмий ташкилоти, олий таълим муассасаси (ташкилоти) ва синов лабораториясида бир ойда камида бир марта муассасаларда гиёҳвандлик воситаларини сақлаш ҳолатини, ҳисобга олиниши ва сарфланишини текширадиган, муассаса раҳбари буйруғи билан тайинландиган доимий ишловчи комиссия тузилади. Текширишлар натижалари долатномалар билан расмийлаштирилади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 7-сон, 69-модда) 2-бандида:

иккинчи хатбошидаги «касб-ҳунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «касб-ҳунар таълимини» сўзлари «профессионал таълимни» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«республиканинг олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларига ўқув-педагогик ва илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда таълим даражасига ва мазмунига, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатига қўйиладиган бошқа талаблар бажарилишини таъминлаш»;

тўққизинчи хатбошидаги «ўқув юртларида» сўзлари «таълим муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди биринчи хатбоши-

сидаги «5-моддасига» сўзлари «44-моддасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-7-сон, 39-модда):

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом ва уларнинг малакасини ошириш ҳақидаги сертификатнинг давлат намуналари 2-3-иловларга мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари фаолияти тўғрисида» 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 28-модда):

а) қарорнинг номидаги, 1-банддаги «коллежлари» сўзи «мактаблари» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бюджет параметрларида ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги учун назарда тутилган маблағлар доирасида имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кутубхона фондларини тўлдириш юклансин»;

в) иловада:

илованинг номидаги «коллежлари» сўзи «мактаблари» сўзи билан алмаштирилсин;

1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактабларининг мақомини ва фаолияти хусусиятларини белгилайди.

2. Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаблари (кейинги ўринларда — мактаб) имкониятлари чекланган шахсларни ўқитадиган ва тарбиялайдиган ҳамда имкониятлари чекланган ўқувчиларнинг ўқиши ва касб-хунарга эга бўлишларида тенг имкониятларни таъминлайдиган давлат таълим муассасаси ҳисобланади»;

3 ва 4-бандлардаги, 5-банднинг биринчи хатбошисидаги, 7 ва 8-бандлардаги, 9 ва 10-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги, 11-банддаги, 12-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 13 ва 16-бандлардаги, 17-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги, 18-банддаги, 19-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 20, 21, 24 — 32-бандлардаги, 33-банднинг биринчи хатбошисидаги, 34 — 36-бандлардаги, 38-банддаги, II, III ва V бўлимларнинг номларидаги тегишли сон ва келишидаги «коллеж» сўзи тегишли сон ва келишидаги «мактаб» сўзи билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Мактабда таълимнинг мазмуни, таълим жараёнини ташкил этиш (ўқиш муддати, ўқув жараёни жадвали) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқиладиган махсус ўқув режалари ва дастурлари билан белгиланади».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 йил, 52-сон, 565-модда) билан тасдиқланган Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандидаги «давлат талабларига» сўзлари «давлат таълим талабларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2010 й., 14-15-сон, 109-модда) билан тасдиқланган Музей мутахассисларини тайёрлаш, музей ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2, 24, 25-бандлари ва 33-бандининг иккинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишикдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 11-сон, 90-модда) 3-банди бешинчи хатбошисидаги, қарорга 1-илова 8-бандининг «а» кичик банди биринчи хатбошисидаги «ва фан» сўзлари чиқариб ташлансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 3-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Магистратура тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда олий таълим муассасаларида магистрлар тайёрлашнинг асосий қоидалари ва тартибини, умумқабул қилинган халқаро стандартларга биноан магистрлик диссертацияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган мезонлар ва талабларни белгилайди»;

б) 6-банддан «Магистрлар тайёрлашга қўйиладиган умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори билан белгиланади» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 11-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги 144-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 5-сон, 39-модда) билан тасдиқланган Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом узлуксиз таълим тизимининг мажбурий бўлмаган тури ҳисобланган, мактабдан ташқари таълим беришга мўлжалланган давлат болалар мусиқа ва санъат мактабининг (кейинги ўринларда — болалар мусиқа ва санъат мактаби) фаолият кўрсатиш тартибини белгилайди»;

б) 7-банднинг еттинчи хатбошисидаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 26-банддаги «давлат талабларининг» сўзлари «давлат таълим талабларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 44-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 46-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 51-банднинг иккинчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 сентябрдаги 321-сон қарори билан тасдиқланган Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини (кейинги ўринларда — қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди»;

б) 22-банднинг биринчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 34 ва 38-бандлардаги «давлат талабларига» сўзлари «давлат таълим талабларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 11-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Умумий ўрта таълимнинг муддати 11 йил бўлиб, узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури ҳисобланади ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади»;

б) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Умумий ўрта таълим ташкилотининг устави таълим ташкилотининг муассислари томонидан тасдиқланади ва ҳудудий тегишли туман (шаҳар) давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинади.

Умумий ўрта таълим ташкилотининг намунавий устави:

умумий ўрта таълим ташкилотлари ва ихтисослаштирилган мактаблар учун — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилади»;

в) 9-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» сўзлари «бошланғич профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«профессионал ташхислаш ва касб-хунарга йўналтириш, шунингдек ўқувчиларни юқори малака талаб этмайдиган касбларга тайёрлаш»;

г) 11-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. Умумий ўрта таълим бошланғич таълим (I — IV синфлар), таянч ўрта таълим (I — IX синфлар) ва ўрта таълим (X — XI синфлар) босқичларидан иборат бўлиб, кундузги таълим шаклида амалга оширилади»;

д) 13-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Умумий ўрта таълим мунтазам ва тизимли билимлар олинишини, кенг дунёқараш ҳамда ижодий мустақил фикрлаш шакллантирилишини, ўқувчининг баркамол шахс сифатида камол топишини, унинг қизиқишлари ва ижодий қобилиятларининг ривожлантирилишини таъминлайди.

Ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ ўқувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгаллашини таъминлайди.

Умумий ўрта таълим умумтаълим муассасаларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади»;

е) 15-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15. Умумтаълим муассасаларининг қуйидаги турлари ташкил этилиши мумкин:

бошланғич мактаб (ўқитиш муддати 4 йил: I — IV синфлар);

умумий ўрта таълим мактаби (ўқитиш муддати 11 йил: I — XI синфлар);

айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб (ўқитиш муддати 7 йил: V — XI синфлар);

айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 5 йил: VII — XI синфлар);

ижод мактаби (ўқитиш муддати 5 йил: VII — XI синфлар);

Президент мактаби (ўқитиш муддати 7 йил V — XI синфлар);

олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 7 йил: V — XI синфлар);

жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 11 йил: I — XI синфлар);

психик (интеллектуал) ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган (ёрдамчи) мактаб, мактаб-интернат (ўқитиш муддати 9 йил: I — IX синфлар);

санаторий туридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 11 йил: I — XI синфлар);

республика ихтисослаштирилган ўқув-таълим муассасаси (ўқитиш муддати заруриятга кўра)»;

ж) 20-банднинг учинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари»

сўзлари «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 25-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўқув ҳафтасининг давомийлиги — 6 кун (педагогик кенгашнинг қарорига кўра I — IV синфлар учун 5 кун)»;

и) 29-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўқувчилар сони 25 нафар ва ундан зиёд бўлган умумий ўрта таълим муассасаларининг I — XI синфларида «Чет тили» фани, айрим фанларга ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасаларида ихтисослашган фанлар, V — XI синфларда «Информатика ва ахборот технологиялари», VIII — XI синфларда «Жисмоний тарбия», V — IX синфларда «Технология», X-XI синфларда «Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фанлари, таълим тили ўзбек тили бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларининг II — XI синфларида «Ўзбек тили» фани ҳамда таълим тили рус тили бўлмаган умумтаълим муассасаларининг II — XI синфларида «Рус тили» фани»;

к) 33-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«якуний назорат — таянч ўрта таълим ва ўрта таълим тугаганидан сўнг якуний давлат аттестацияси шаклида ўтказилади»;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли назорат имтиҳонлари ва якуний аттестацияларини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади»;

л) 34-банддаги «V — IX синф» сўзлари «V — XI синфлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Умумтаълим муассасалари битирувчиларига қуйидаги турдаги таълим тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома)лар берилади:

таянч ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома — умумтаълим муассасасининг IX синфни тугатган, таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган ва ўқув фанларидан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган, якуний давлат аттестациясини муваффақиятли топширган битирувчиларга берилади;

таянч ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатнома — умумтаълим муассасасининг IX синфни тугатган, таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган, VII синфдаги мусиқа ва тасвирий санъат фанларидан, VIII — IX синфлардаги барча фанлардан чораклик, йиллик ва якуний давлат аттестация баҳолари аъло ҳамда намунали хулққа эга бўлган битирувчиларга берилади;

ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома — умумтаълим муассасасининг XI синфни тугатган, таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган ва ўқув фанларидан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган, якуний давлат аттестациясини муваффақиятли топширган битирувчиларга берилади;

ўрта таълим тўғрисидаги (кумуш медал билан) шаҳодатнома — умум-



таълим муассасасининг XI синфни тугатган, таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясини муваффақиятли топширган, IX синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаходатномаси мавжуд, X-XI синфлардаги барча фанлардан йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган битирувчиларга берилади;

ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали (олтин медал билан) шаходатнома — умумтаълим муассасасининг XI синфни тугатган, таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган, IX синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаходатномаси мавжуд, X-XI синфлардаги барча фанлардан чораклик, йиллик ва якуний давлат аттестация баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган XI синф битирувчиларига берилади.

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатлари ҳамда олтин ва кумуш медалларнинг давлат намунаси ва битирувчиларга бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

н) 37-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Экстернат тартибидаги таълим олишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

о) 39-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш туман (шаҳар) хокимликларининг қарори билан умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) доирасида умумтаълим муассасаси томонидан рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.

Бунда бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) доирасида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган ва ҳақиқатда яшовчи оила фарзандлари инобатга олинади»;

п) 40-банддаги «умумтаълим муассасаси битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига» сўзлари «ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларига» сўзларига алмаштирилсин.

р) 42-банддаги биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий ўрта таълим муассасаларининг I синфига болалар етти ёшга тўладиган йилда тиббий хулосага мувофиқ қабул қилинади.

Олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлаш Мактабгача таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади»;

с) 43-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

т) 60-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармаси бошлиқлари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқарма-

си бошлиғи, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари бир вақтнинг ўзида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг таълим ва тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳисобланади»;

у) 62-банднинг учинчи хатбошисидаги «муассасалари» сўзи «ташкilotлари» сўзи билан алмаштирилсин:

ф) 63-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумтаълим муассасасига бевосита раҳбарлик тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишилган ҳолда ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан тайинланган директор томонидан амалга оширилади»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумтаълим муассасаси директори йил якуни бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ва жамоатчилик вакилларига 3 йиллик дастурнинг ижроси юзасидан ҳисобот беради ва ҳисобот натижасига кўра унинг фаолиятига халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан баҳо бериб борилади»;

х) 64 ва 65-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«64. Нодавлат таълим ташкilotларидаги ҳамда идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча давлат умумтаълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнига услубий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва халқ таълими бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги таълим муассасалари бундан мустасно.

65. Умумтаълим муассасаларида педагогик кенгашлар тузилади. Умумтаълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида кузатув кенгашлари тузилиши мумкин. Педагогик ва кузатув кенгашларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тартибга солинади».

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 14-сон, 230-модда):

а) қарорнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»;

б) 1-бандда:

иккинчи — тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Академик лицей дипломининг давлат намунаси 4-иловага мувофиқ»;

учинчи хатбошидаги «касб-ҳунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) 3-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

д) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақдим этган харажатлар сметалари асосида умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълимнинг давлат таълим стандартлари, академик лицейларнинг таълим йўналишлари ва касб-ҳунар коллежларининг тайёрлов йўналишлари бўйича малака талабларини, ўқув режалари ва дастурларини, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари диплом, сертификат, академик маълумотномалари бланкаларини чоп этиш учун сарфланадиган маблағларни белгиланган тартибда ажратсин»;

е) 1 — 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 4-иловада:

илованинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Академик лицей дипломининг давлат намунаси»;

Касб-ҳунар коллежи дипломи тавсифи чиқариб ташлансин;

з) 5-иловада:

илованинг номидаги «касб-ҳунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Умумий талаблар «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги 362-сон қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон ҳамда «2009 — 2013 йилларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун ўқув қўлланмаларини нашр этиш дастури тўғрисида» 2009 йил 20 мартдаги 80-сон қарорларига мувофиқ умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш тартибини белгилайди»;

2-боб номидаги, 5-банддаги, 3-боб номидаги «касб-ҳунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг бешинчи хатбошисидаги «касб-ҳунар таълимнинг» сўзлари «профессионал таълимнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд экспертларининг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 13 апрелдаги 206-сон қарорида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 1-илованинг 3 ва 18-бандларидаги «давлат талабларига» сўзлари «давлат таълим талабларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 апрелдаги 220-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 4-сон, 47-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси уставининг 20-бандидаги «давлат талабларига» сўзлари «давлат таълим талабларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 20-сон, 371-модда):

а) қарорнинг номидаги, 1-банддаги, 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 4-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 5-банднинг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги ҳамда 7-банддаги тегишли келишикдаги «илмий-тадқиқот муассасалари» сўзлари тегишли келишикдаги «илмий ташкилотлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-илованинг номидаги, 1-бандидаги, 2 ва 5-бандларининг иккинчи хатбошисидаги, 6, 10 ва 11-бандларидаги, 12-бандининг учинчи хатбошисидаги, 14-бандидаги тегишли келишикдаги «илмий-тадқиқот муассасалари» сўзлари тегишли келишикдаги «илмий ташкилотлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 2-илованинг 33-бандидаги «давлат талабларига» сўзлари «давлат таълим талабларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорида:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 12-банднинг «а» кичик бандидаги ва «б» кичик бандининг учинчи хатбошисидаги «касб-ҳунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

8-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

«а» кичик банднинг иккинчи ва ўнинчи хатбошиларидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази» сўзлари чиқариб ташлансин;

«в» кичик банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ж» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «ва фан» сўзлари чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиззах политехника институтининг архитектура ва қурилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 5 сентябрдаги 699-сон қарорининг 4-банди иккинчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 25 сентябрдаги 745-сон қарориди:

а) 1-бандда:

иккинчи — тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1 — 3-илвалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 39-сон, 1045-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари тўғрисидаги низомнинг 26-бандидаги «уч» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 йил, 11-сон, 266-модда):

а) 1-илова 11-бандининг 1-кичик банди олтинчи, еттинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги, 15-бандининг 10-кичик бандидаги, 17-бандининг 9-кичик бандидаги, 18-бандининг ўн саккизинчи хатбошисидаги тегишли кели-

шиқдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишиқдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илова 9-бандининг «а» кичик банди еттинчи хатбошисидаги, 13-бандининг саккизинчи хатбошисидаги, 16-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 22 ноябрдаги 937-сон қарорига 1-илованинг 11-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 2-илованинг 3-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «ўқув юртидан» сўзлари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига ўқишга қабул қилиш тўғрисида» 2018 йил 4 майдаги 336-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобил транспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 5-сон, 133-модда):

а) 1-банднинг олтинчи-еттинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

б) 1-илованинг 4-банди бешинчи ва ўн биринчи хатбошиларидаги, 5 ва 6-бандлари иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги, 7-банди бешинчи-олтинчи хатбошиларидаги ҳамда 10-банди бешинчи хатбошисидаги тегишли келишиқдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишиқдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 6-банди олтинчи, тўққизинчи — ўн иккинчи хатбошиларидаги тегишли келишиқдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишиқдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг 4-банди иккинчи хатбошисидаги ҳамда 21-бандидаги тегишли келишиқдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишиқдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 3 июлдаги 500-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 7-сон, 162-модда):

а) 1-илованинг 8-банди йигирма олтинчи хатбошисидаги, 10-бандининг «е» кичик банди иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 14-бандининг ўн тўққизинчи хатбошисидаги, 16-бандининг ўн бешинчи хатбошисидаги, 17-бандининг 16-кичик бандидаги тегишли сон ва келишикдаги «касб-хунар коллежи» сўзлари тегишли сон ва келишикдаги «профессионал таълим муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 5-банди «а» кичик банди тўртинчи хатбошисидаги ва «г» кичик бандидаги тегишли келишикдаги «касб-хунар коллежлари» сўзлари тегишли келишикдаги «профессионал таълим муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоровий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 16 июлдаги 538-сон қарорига илованинг рус тили матни 9-позициясидаги «Разработка и внесение проекта постановления Кабинета Министров», «АО «Ўзбекистон темир йуллари» ва «Октябрь 2018 года» сўзлари тегишли равишда «Разработка и принятие ведомственного нормативно-правового акта», «Министерство транспорта» ва «Ноябрь 2021 года» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 30 июлдаги 599-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига тингловчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида магистратура тингловчиларининг ўқишини кўчириш, уларни ўқишдан четлатиш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 1-илованинг 3 ва 4-бандларидаги «давлат талабларига» сўзлари «давлат таълим талабларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 14 августдаги 658-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

2-банддаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг саккизинчи хатбошисидаги, 16-банднинг тўртинчи хатбо-

шисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-иловада:

1-банддаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг бешинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 10-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишикдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 9 январдаги 9-сон қарорида:

а) 1-илованинг 2-бандидаги, 7-бандининг учинчи хатбошисидаги, 12-бандининг иккинчи хатбошисидаги ҳамда 56-бандининг учинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишикдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 2-бандидаги, 7-бандининг тўртинчи хатбошисидаги ҳамда 8-бандидаги тегишли келишикдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишикдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 10-банди учинчи хатбошисидаги, 11-бандининг 1-кичик банди олтинчи хатбошисидаги, 2-кичик банди биринчи хатбошисидаги, 12-кичик банди учинчи хатбошисидаги ва 13-кичик банди биринчи хатбошисидаги, 15-бандининг ўн иккинчи хатбошисидаги, 17-бандининг ўн биринчи хатбошисидаги ҳамда 18-бандининг тўртинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишикдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 375-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона кўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандидаги, 4 ва 7-бандларининг биринчи хатбошисидаги «ўқув юртидан» сўзлари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 13 майдаги 392-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2019 й., 20-сон, 372-модда):

а) қарорнинг номидаги ва 1-бандидаги «касб-хунар» сўзлари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

б) иловада:

қарорнинг номидаги, 1-бандидаги, 7-бандининг биринчи хатбошисидаги,



13-бандидаги, 19-бандининг биринчи хатбошисидаги, 67-бандининг «в» кичик банди тўртинчи хатбошисидаги ҳамда «г» кичик банди биринчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 68, 71, 80 ва 81-бандларидаги «касб-хунар» сўзлари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

2-банддан «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда Касб-хунар таълими маркази деб аталади)» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «касб-хунар» сўзлари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«профессионал таълим муассасаларининг олий, ўрта махсус ва профессионал маълумотли педагог кадрлари (ишлаб чиқариш таълими усталари) ўтказилиши шарт»;

8 ва 9-бандлардаги, 18-банднинг иккинчи хатбошисидаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддан «Касб-хунар таълими маркази» сўзлари чиқариб ташлансин;

21-банддаги «касб-хунар таълими» сўзлари «касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-параграфнинг номидаги «Касб-хунар таълими» сўзлари «Профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

46-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«46. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаларида профессионал таълим педагог кадрларини (ишлаб чиқариш таълими усталарини) аттестациядан ўтказиш учун касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби ҳудудий касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбар ходимлари (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий вакили (комиссия раиси ўринбосари), Касб-хунар таълим тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг масъул ходими ёки олий таълим муассасаларининг соҳага масъул проректорлари, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог ёки бош ўқитувчидан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади»;

47-банднинг биринчи хатбошисидаги «касб-хунар таълими» сўзлари

«касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

60-банднинг «в» кичик бандидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин;

61 ва 63-бандлардан «Касб-хунар таълими маркази» сўзлари чиқариб ташлансин;

64-банддан «ҳамда Касб-хунар таълими маркази» сўзлари чиқариб ташлансин;

77-банддаги «касб-хунар таълими» сўзлари «касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

82-банддан «ҳамда Касб-хунар таълими маркази» сўзлари чиқариб ташлансин;

83-бандда:

биринчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «касб-хунар» сўзлари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

85-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг тегишли буйруқлари билан олий таълим муассасаларида, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаларида ҳамда ҳудудий бўлинмаларда иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун ташкил этилади»;

1-иловада:

«Субъектлар» устунида:

«Касб-хунар таълими маркази» сўзлари чиқариб ташлансин;

«касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари» сўзлари «касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тадбирлар» устунидаги «Касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясида:

а) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида экологик таълим қўйидаги таълим турларига мувофиқ амалга оширилади:

мактабгача таълим ва тарбия;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;

профессионал таълим;

олий таълим;

олий таълимдан кейинги таълим;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;  
мактабдан ташқари таълим»;

б) 5-бобнинг номидаги, 26-банддаги ҳамда 27-банднинг биринчи хатбошисидagi «касб-хунар» сўзлари «профессионал» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 майдаги 451-сон қарори билан тасдиқланган Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидagi мутахассисларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандидagi «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг биринчи хатбошисидagi «касб-хунар» сўзлари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошисидagi «давлат талабларига» сўзлари «давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банддаги «давлат талаблари мезон ва талабларига» сўзлари «давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Лицензияга эга бўлган нодавлат таълим ташкилотлари томонидан давлат намунасидаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат давлат таълим стандартлари ёки давлат таълим талаблари асосида таълим олган битирувчиларга берилади.

Давлат таълим стандартлари ёки давлат таълим талабларидан ташқари таълим дастурлари асосида таълим олган нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиларига давлат намунасидаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат берилмайди»;

д) 11-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим ташкилотларида таълим сифати ва мазмунининг давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигини аниқлаш»;

е) 13-банддаги «бир» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсин;

ж) 15-бандда:

учинчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ўқув юридан» сўзлари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсин;

з) 17-бандда:

1-кичик банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим-тарбия жараёнининг давлат таълим талабларига мувофиқ ташкил этилганлиги»;

2-кичик банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим жараёнига давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг жорий этилганлиги;

ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқлиги»;

3-кичик бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим жараёнига давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларининг жорий этилганлиги;

таълим олувчилар билим даражаларининг давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқлиги»;

ўн биринчи хатбошидаги «давлат талаблари ва» сўзлари «давлат таълим талаблари ҳамда» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим олувчилар билим даражаларининг давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқлиги»;

4-кичик бандда:

биринчи хатбошидаги «касб-ҳунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўқув-тарбиявий жараённинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ ташкил этилганлиги»;

5-кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг ўқув жараёнига жорий этилиши»;

6-кичик банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларининг таълим жараёнига жорий этилиши»;

7-кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларининг ўқув жараёнига жорий этилиши»;

и) 18-банднинг учинчи хатбошисидаги «касб-ҳунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

й) 26 ва 27-бандларнинг биринчи хатбошисидаги «касб-ҳунар» сўзлари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

к) 28-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим ташкилотидagi таълим сифати ва мазмунининг давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлиги ҳамда кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш»;

л) 29-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилган маълумотлар давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мос келмаслиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, эксперт комиссиялари томони-

дан қўшимча маълумотлар сўраб олинishi мумкин. Таълим ташкилотларининг раҳбарлари эксперт комиссиялари томонидан сўралган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишлари шарт»;

м) 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Аттестация натижалари асосида эксперт комиссиялари томонидан таълим ташкилотида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлиги ҳақида хулоса тайёрланади»;

н) 35-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мактабгача таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш бўйича эксперт комиссиялари томонидан мактабгача таълим ташкилоти уставида белгиланган вазифаларнинг ҳамда мактабгача таълим ва тарбия давлат стандартининг бажарилиши юзасидан қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади»;

о) 39-банднинг биринчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

п) 41 — 43-бандлардаги «касб-ҳунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 52-банднинг учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «ўқув юртидан» сўзлари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсин;

с) 53-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«53. Олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий ташкилотларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг мониторинги натижалари ҳамда олий таълим ёки илмий ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида жойларга чиқмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин»;

т) 54-банднинг иккинчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари, ўқув дастурлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

у) 58-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«58. Аккредитация таълим ташкилотларининг аттестацияси хулосаларига кўра амалга оширилади. Аккредитация комиссияси таълим ташкилотлари фаолиятининг давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигини эътироф этиш билан биргаликда унинг мақомини ҳам белгилайди»;

ф) 62-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аккредитациядан ўтган таълим ташкилоти (таълим дастурлари) томонидан таълимга оид қонунлар бузилганлиги ёки амалга оширилаётган таълим хизматлари давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мос келмаслиги ёки сертификат ва унга иловада белгиланган кўрсаткичлар доирасидан четга чиқиш ҳолатлари аниқланган тақ-

дирда, аккредитация ҳақидаги сертификат Давлат инспекцияси томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади».

42. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида» 2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарориди:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «касб-хунар» сўзларидан кейин «(профессионал)» сўзи қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда 2022 йил 1 январдан кейин олинган хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тан олиш учун топширилганда, ҳужжатни берган давлатнинг ваколатли органи томонидан апостиль қўйилган бўлиши талаб этилади»;

б) 1-иловада:

1-банддаги, 4-банднинг учинчи хатбошисидаги, 4-бобнинг номидаги, 23-банднинг биринчи хатбошисидаги, 37-банднинг биринчи хатбошисидаги, 44-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 47-банддаги ва 48-банднинг иккинчи хатбошисидаги «касб-хунар» сўзларидан кейин «(профессионал)» сўзи қўшилсин;

6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун қуйидаги миқдорда йиғим ундирилади:»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар қўшилсин:

«ўрта махсус ва касб-хунар (профессионал) таълими бўйича — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари;

олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими бўйича — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари»;

иккинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «илованинг» сўзидан кейин «сканер қилиниб, pdf форматида сақланган» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошидаги «тасдиқланган» сўзидан кейин «ҳамда сканер қилиниб, pdf форматида сақланган» сўзлари қўшилсин;

12-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг ҳақиқий эканлигига шубҳа туғилган тақдирда, Давлат инспекцияси томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларда жойлаштирилган маълумотлар текширилиши ёки ҳужжатга оид маълумот тақдим этиш ҳақида ҳужжатни берган таълим муассасаси ва бошқа ташкилотларга сўровномалар юборилиши мумкин»;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Экспертиза давлат таълим стандартлари, давлат таълим талабла-

ри, ўқув дастурлари, таълим муассасаларининг ўзлари жойлашган давлатларда тан олинганлиги ҳақидаги хужжат ёки маълумот, хорижий таълим тўғрисидаги хужжатлар ва уларга иловалар нусхалари асосида амалга оширилади»;

40-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган талабгорларнинг талабига кўра тест саволлари инглиз, араб, хитой, француз, рус, испан, немис ва турк тилларига таржима қилинган ҳолда тақдим этилиши мумкин»;

45-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Давлат инспекцияси бошлиғининг хорижий таълим тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома бериш тўғрисидаги буйруғига асосан тегишли гувоҳномалар тайёрланади ҳамда Давлат инспекцияси масъул ходими томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган ҳолда уч иш куни ичида тегишлилигига кўра давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорларга юборилади»;

50-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50. Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган гувоҳномалар жорий этилгунга қадар берилган хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва (ёки) гувоҳнома йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, хужжат эгасининг аризасига кўра дубликат берилади.

Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган ҳолда тақдим этилган гувоҳноманинг дубликати берилмайди»;

53-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«53. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ҳақидаги гувоҳномалар реестри Давлат инспекциясининг «Ўзлуксиз таълим» ахборот тизимидаги «Гувоҳнома» платформасида юритилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ҳақидаги гувоҳномалар реестри Давлат инспекциясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва доимий янгилаб борилади.

Гувоҳномалар реестрида талабгор тўғрисидаги асосий маълумотлар, хусусан, талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, таълим олган давлат ва таълим муассасасининг номи, таълим йўналиши, мутахассислиги ва курси номи, гувоҳнома серияси ва рақами, гувоҳноманинг берилган саноми ва тартиб рақами кўрсатилади».

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 702-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчалари педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-банди «б» кичик бандидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 9 сентябрдаги 754-сон қарорида:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «касб-хунар» сўзлари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 4 ва 9-бандларнинг учинчи хатбошисидаги «касб-хунар» сўзлари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

6-банднинг «б» кичик бандида:

биринчи ва тўртинчи хатбошилардаги «касб-хунар» сўзлари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари — доимий равишда мактабгача таълимнинг мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим-тарбия жараёнида муаммоли-вазиятли ўйинлар ва машғулотларда»;

8-банднинг ўн тўртинчи хатбошисидаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловадаги «касб-хунар», «давлат талаблари» сўзлари тегишлича «профессионал», «мактабгача таълим ва тарбия давлат стандартининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди учинчи хатбошисидаги «Давлат талабларига» сўзлари «Давлат таълим талабларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг «Tashkent education» нодавлат таълим ташкилоти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 2 ноябрдаги 900-сон қарорининг 4-банди «б» кичик банди бешинчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти» сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Вазирлар Маҳкамасининг «Мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 21 ноябрдаги 940-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Вазирлар Маҳкамасининг «Агросаноат мажмуи учун захира кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 19 мартдаги 172-сон қарорида:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги



хузуридаги Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази уставининг 18-бандидаги ва 19-бандининг иккинчи хатбошисидаги тегишли келишиқдаги «давлат талаблари» сўзлари тегишли келишиқдаги «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

50. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш, малакаси ва ҳуқуқий билимини ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 41-банди биринчи хатбошисидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Вазирлар Маҳкамасининг «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2020 йил 19 июндаги 392-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошисидаги «270 кун» сўзлари «360 кун» сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 7 августдаги 466-сон қарорида:

а) 1-иловада:

5-бандда:

ўн тўртинчи хатбошидаги «таълим стандартлари» сўзлари «давлат таълим стандартлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат таълим стандартлари — давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи»;

14 ва 15-бандлардаги, 16-банднинг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 17-банддаги, 35-банднинг учинчи хатбошисидаги, 38 — 40-бандлардаги, 42-банднинг иккинчи хатбошисидаги «таълим стандартлари», «таълим стандартига» «таълим стандартлари» сўзлари тегишлича «давлат таълим стандартлари», «давлат таълим стандартига» «давлат таълим стандартлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

148-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«148. Профессional таълим муассасаларида ўқув юкламаларининг ҳажми ва тақсимоти бўйича бошқа меъёрлар давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва малака талабларида белгиланади»;

б) 2-илованинг 9-банди бешинчи хатбошисидаги, 11-бандининг учинчи хатбошисидаги, 20-бандидаги «таълим стандартлари» сўзлари «давлат таълим стандартлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 9-банди учинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги, 11-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «таълим стандартлари» сўзлари «давлат таълим стандартлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

9-банднинг учинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 11-банднинг тўртин-

чи хатбошисидаги «таълим стандартлари» сўзлари «давлат таълим стандартлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Таълим стандартларида» сўзлари «Давлат таълим стандартларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

53. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 сентябрдаги 544-сон қарорида:

а) 3-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қайта тайёрлаш ва малака ошириш, шу жумладан, қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш шакллари, кредит-модуль тизими ва масофавий таълим бўйича малака оширишни ташкил этиш, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

*Изоҳ. 2-банднинг «а» ва «в» кичик бандлари, 9-банднинг «а» ва «б» кичик бандлари, 19-банднинг «а» ва «в» кичик бандлари, 22-банднинг «а» ва «б» кичик бандлари, 25-банд, 29-банд, 30-банднинг «а» ва «д» кичик бандлари, 33-банднинг «а» ва «в» кичик бандлари, 48 ва 53-бандлар 2021 йил 2 сентябрдан кучга киради.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**321** Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишда (қайта ташкил этишда) монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 июнда эълон қилинган.

Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишда (қайта ташкил этишда) монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қўйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг дастлабки розилиги олинади:

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахслари ёки хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишда;

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахслари ёки хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини қайта ташкил этишда (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартиришда);

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек уларнинг аффилланган шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олишда;

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахслари ёки хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг фаолият тури ўзгарганда.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасалари ўртасида тушунтирилишини таъминласин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқарти-

риш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 июнь,  
346-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 346-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни,  
шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини ва хўжалик  
фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат  
муассасаларини ташкил этишда (қайта ташкил этишда)  
монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини  
олиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишда (қайта ташкил этишда) монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар** — устав фондида (устав капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат унитар корхоналари ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасалари;

**давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг аффилланган шахслари** — устав фондининг (устав капиталининг) 20 фоизи ва ундан ортиғи бевосита ёхуд билвосита 20 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар. Билвосита тегишлилик ҳар бир кейинги аффилланган шахсга бошқа юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) 20 фоиз ва ундан ортиқ акция (улушлари) тегишли эканлигини англатади;

**товар бозорларининг таҳлили** — ташкил этилаётган ва (ёки) фаолият юритаётган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли товар, молия ва рақамли бозорга эҳтимолий таъсирини белгилашни назарда тутувчи чоралар мажмуаси;

**ариза берувчи** — давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг аффилиланган шахслари билан биргаликда ёки хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар;

**дастлабки розилик** — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда — монополияга қарши орган) томонидан давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишда (қайта ташкил этишда) ушбу Низом талаблари асосида бериладиган розилик.

3. Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига мувофиқ ёки мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадлари билан боғлиқ бўлган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш (қайта ташкил этиш) ҳолларига татбиқ этилмайди.

## 2-боб. Дастлабки розилик олиш тартиби

4. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишда (қайта ташкил этишда) монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш ушбу Низомга 1-иловадаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишга (қайта ташкил этишга) олдиндан розилик бериш тўғрисидаги ариза:

а) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан:

ўз фаолиятини республиканинг барча ҳудудларида ёки бир нечта ҳудудида амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш (қайта ташкил этиш) ҳолатларида;

хўжалик юритувчи субъектни ташкил этишда (қайта ташкил этишда), агар хўжалик юритувчи субъектнинг муассислари бўлган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар ёки унинг аффилиланган шахслари товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса;

хўжалик юритувчи субъектни ташкил этишда (қайта ташкил этишда), агар муассислари давлат ёки хўжалик бошқаруви органлари бўлса;

б) республиканинг тегишли ҳудуди доирасида ўз фаолиятини амалга оширадиган муассиси маҳаллий давлат ҳокимияти органи бўлган хўжалик

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юритувчи субъектларни ташкил этиш (қайта ташкил этиш) ҳолларида — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг худудий органлари томонидан кўриб чиқилади.

5. Қўйидаги ҳолларда монополияга қарши органнинг дастлабки розилиги олинади:

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахслари ёки хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишда;

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахслари ёки хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини қайта ташкил этишда (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартиришда);

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олишда;

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахслари ёки хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг фаолият тури ўзгарганда.

6. Ариза берувчи монополияга қарши органга ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ шаклда асосланган ҳужжатлар билан бирга аризани тақдим этади.

7. Монополияга қарши орган ариза тақдим этилган кундан эътиборан қўйидаги тадбирларни амалга оширади:

ташкил этиладиган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият тури қонун ҳужжатларига мос келишини икки кун ичида аниқлайди;

ташкил этиладиган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектнинг, унинг аффилиланган шахсларининг ёки давлат муассасасининг тоифасини (кичик, ўрта ёки йирик тадбиркорлик субъекти) уч кун ичида аниқлайди;

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъект, унинг аффилиланган шахслари ёки давлат муассасаси ташкил этиладиган товар бозори ва унинг чегараларини беш кун ичида аниқлайди;

давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъект, унинг аффилиланган шахслари ёки давлат муассасаси ташкил этилиши режалаштирилган товар бозорида давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига чегараланган иштироки принципларига риоя этилишини йигирма кун ичида аниқлайди;

тегишли товар бозорида давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш учун товар бозорида тўсиқлар (тегишли бозордаги фаолиятни тартибга солувчи низомлар, техник регламентлар ва бошқа ҳужжатлар) мавжудлигини беш кун ичида аниқлайди;

тегишли товар бозорида рақобат ривожланганлигини аниқлаш мақса-

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дида ўн беш кун ичида қуйидаги давлат органларига сўровномалар юборди, жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигига рўйхатдан ўтган бир турдаги ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони тўғрисида сўровнома;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъекти фаолият юритиши режалаштирилаётган товар бозорида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажмлари бўйича сўровнома;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъекти фаолият юритиши режалаштирилаётган товар бозорида товарларнинг экспорти ва импорти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатини ва ҳажмлари бўйича сўровнома;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳани амалга ошириш бўйича сўровнома.

8. Аризани ўрганиш жараёнида тўпланган маълумотлар бўйича тайёрланган ҳулоса асосида давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этишга (қайта ташкил этишга) ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ шаклда монополияга қарши органнинг дастлабки розилик бериш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарори ўн кун ичида қабул қилинади ва ариза берувчига юборилади.

Агар давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек уларнинг аффилиланган шахслари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарори билан ташкил этилаётган (қайта ташкил этилаётган) бўлса, унда монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш тўғрисидаги ариза тегишли қарор лойиҳасини келишиш (имзолаш) учун киритилишидан олдин монополияга қарши органга тақдим этилиши зарур.

9. Агар монополияга қарши орган томонидан товар бозорида хусусий тадбиркорлик субъектлари мавжуд эмаслигига объектив сабаблар аниқланмаган тақдирда, давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек уларнинг аффилиланган шахслари фаолиятига тегишли товар бозорида уларнинг уч йил муддатга қолиш шарти билан рухсат берилади. Ушбу муддат тугагандан сўнг монополияга қарши орган мазкур хўжалик субъектини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусий секторга реализация қилиш масаласини кўриб чиқади.

10. Монополияга қарши орган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек уларнинг аффилиланган шахслари ташкил этилишини қуйидаги ҳолларда рад этади, агар:

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган бўлса;

ушбу хўжалик юритувчи субъект тегишли фаолият тури (лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациялаш, рухсатнома бериш) бўйича давлат тартибга солиш функцияларини амалга оширувчи давлат ташкилоти томонидан ташкил этилаётган ва ушбу фаолият тури билан шуғулланишни режалаштираётган бўлса;

ягона етказиб берувчи бўлган ёки бундай ҳуқуқ берилган ёхуд устун (монопол) мавқега эга давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларга фаолияти муассиси товарларидан (ресурсларидан) ёки тармоқ инфратузилмасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари билан рақобатлашадиган фаолият билан шуғулланадиган ўзларининг аффилиланган шахсларини ташкил этиш тақиқланади, ушбу аффилиланган шахсларни рақобатчилари билан тенг шартлар асосида фаолият юритиш шароити таъминланган ҳолда бўлиб юбориш натижасида ташкил этиш бундан мустасно.

Монополияга қарши орган хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларини ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш) тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахснинг ҳаракатлари мазкур Низомнинг 10-банди талабларига мувофиқ рад этиш ҳолатларини келтириб чиқарган тақдирда ҳам, ушбу юридик шахснинг хатти-ҳаракатлари истеъмолчиларга сезиларли даражада наф келтиришини исботлаб берса, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш (қайта ташкил этиш) бўйича ҳаракатларни содир этишга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришга ҳақли.

11. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахсларини ташкил этишга дастлабки розилик олиш бўйича аризани кўриб чиқиш кўйидаги ҳолларда тугатилади:

ариза берувчи томонидан аризани қайтариб олиш тўғрисида хабарнома келиб тушса;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса, агар ушбу маълумотларнинг мавжуд эмаслиги аризани кўриб чиқишга тўсқинлик қилса;

ариза берувчи томонидан аризани объектив кўриб чиқишга таъсир қиладиган ишончсиз маълумотлар тақдим этилса.

12. Ариза кўриб чиқилиши тугатилган тақдирда, монополияга қарши орган бу тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан уч кун муддатда ариза берувчига хабарнома юборади.

Аризани кўриб чиқиш тугатилгандан сўнг ариза берувчи дастлабки розилик олиш бўйича янги ариза билан монополияга қарши органга мурожаат қилишга ҳақли.

13. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахсларини ташкил этишга дастлабки розилик олиш



тўғрисидаги ариза монополияга қарши орган раҳбарининг буйруғи билан ташкил этилган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Махсус комиссия йиғилишига, заруратга кўра, розилик олиш учун монополияга қарши органга мурожаат қилган ариза берувчининг вакили, молия ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органлари вакиллари ва бошқа манфаатдор шахслар жалб этилиши мумкин.

14. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш) ушбу ҳаракатларни амалга оширишга дастлабки розилик бериш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида амалга оширилиши керак. Агар кўрсатилган муддатда ҳаракат амалга оширилмаган тақдирда, қарор ўз кучини йўқотади.

15. Рўйхатдан ўтказувчи орган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини рўйхатга олишда (қайта рўйхатга олишда) Рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга кўйишнинг автоматлаштирилган тизимига киритиладиган (юкланадиган) маълумотлар ва ҳужжатлар рўйхатидан монополияга қарши органнинг дастлабки розилиги берилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисидаги қарорлар мавжудлигини текширади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг тегишли ҳужжатлари билан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустасно.

Рўйхатдан ўтказувчи орган монополияга қарши органнинг давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини ташкил этишни (қайта ташкил этишни) рад этиш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлган тақдирда, рўйхатдан ўтказишни рад этади.

16. Монополияга қарши орган аффилланган шахсларни аниқлашда Давлат активларини бошқариш агентлигининг ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг электрон ахборот тизими орқали маълумот алмашувини амалга оширади.

17. Монополияга қарши органнинг дастлабки розилигисиз давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш) ҳолати аниқланган тақдирда, уни ташкил этишни (қайта ташкил этишни) ташаббускорига нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши бўйича белгиланган тартибда чоралар кўрилади.

18. Монополияга қарши орган ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

устун мавқенинг пайдо бўлишига ёки кучайишига ёхуд рақобатни чеклашга олиб келадиган битимни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш, давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларни рўйхатга олиш ҳолатини бекор қилиш, қонунга зид равишда ташкил этилган давлат иштирокидаги корхонани тугатиш ёки

фаолият турини ўзининг олдинги фаолият турига ўзгартириш бўйича судга даъво ариза (ариза) киритиш;

ташкил этилган ёки қайта ташкил этиш йўли билан ўзгартирилган юридик шахсни сақлаб қолиш тўғрисида.

### 3-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва уларнинг ҳудудий органлари ҳамда Давлат хизматлари марказлари ушбу Низом талаблари бажарилишини доимий назорат қилиб боради.

20. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 июндаги 346-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарорига киритилаётган қўшимчалар

1. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 12-банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «монополияга қарши органнинг дастлабки розилик берилганлиги тўғрисидаги қарори — давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек уларнинг аффилланган шахслари учун»;

б) қўйидаги мазмундаги 41<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«41<sup>1</sup>. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларини давлат рўйхатидан ўтказишни, қайта рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун ушбу Низомнинг 40-бандида кўрсатилган асосларга қўшимча равишда монополияга қарши органнинг дастлабки розилик бериш рад этилганлиги тўғрисидаги қарори мавжудлиги асос бўлади»;

в) 5-илова қўйидаги мазмундаги 1-18-2-позиция билан тўлдирилсин:

«

1-18-2	Юридик шахснинг устав фондида давлат улушининг мавжудлиги:	Бор <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
--------	--	------------------------------	------------------------------

».

2. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги регламентига илова қўйидаги мазмундаги 13<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

«

13 <sup>1</sup> .	Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларини ташкил этишга (қайта ташкил этишга) дастлабки розилик берилганлиги ва рад этилганлиги тўғрисидаги қарори.	Монополияга қарши курашиш қўмитаси	қарор қабул қилингандан сўнг, лекин у ариза берувчига берилишидан кечиктирмасдан
-------------------	---	------------------------------------	--

».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****322 Ахборотга доир ҳамкорлик регламентининг шакли ва унга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3307*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 170-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

**1. Қуйидагилар:**

Ахборотга доир ҳамкорлик регламентининг шакли 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ахборотга доир ҳамкорлик регламентига доир талаблар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис****Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 26 апрель,  
2021-21-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 майда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

*2021 йил 22 апрель*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**А. ИКРАМОВ**

*2021 йил 20 апрель*

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил  
26 апрелдаги 2021-21-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Ахборотга доир ҳамкорлик регламентига қўйиладиган ТАЛАБЛАР**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ахборотга доир ҳамкорлик регламенти (бундан буён матнда Регламент деб юритилади) Солиқ кодексининг (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) 170-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ икки нусхада давлат тилида тузилади ва бетлар кетма-кет рақамланади.

2. Регламент солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда тақдим этилади.

3. Ахборотга доир ҳамкорликни таъминлайдиган ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш муддатлари Солиқ кодексининг 173-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон билан тасдиқланган Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан кўрсатилади.

4. Регламент қуйидагилардан ташкил топади:

титул варағи;

1-боб. «Солиқ органига ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тартиби»;

2-боб. «Бухгалтерия ва солиқ ҳисоби регистрларида даромадлар, харажатлар, солиқ солиш объектлари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари тўғрисида, солиқ ҳисобининг аналитик регистрлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш тартиби»;

3-боб. «Солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланганлиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги устидан ички назорат тизими ҳақида ахборот»;

иловалар.

5. Ички назорат тизими тўғрисидаги маълумотлар, агар бундай тизим мавжуд бўлса, ошкор қилиниши керак.

6. Регламент солиқ тўловчи юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Регламентга солиқ тўловчи юридик шахснинг раҳбари ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилинади.

## **2-боб. Регламентнинг титул варағини тўлдириш тартиби**

7. Титул варағини тўлдиришда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: солиқ тўловчи юридик шахс раҳбарининг лавозими, фамилияси, исми, шарифи;

солиқ тўловчи юридик шахс раҳбари томонидан Регламент тасдиқланган сана;

Регламент тақдим этиладиган солиқ органининг номи;

солиқ тўловчи юридик шахснинг номи;

солиқ тўловчининг идентификация рақами.

## **3-боб. Регламентнинг 1-бобида қўйиладиган талаблар**

8. Регламентнинг 1-бобида қуйидаги ахборот ошкор этилиши керак:

а) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш (ушлаб қолиш ва ўтказиш) билан боғлиқ ҳужжатлар (ахборот) бўлган ахборот тизимининг номи;

б) солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, даромадлар, харажатлар, солиқ солиш объектларининг ҳисоби юритиладиган, шунингдек ўзида ички назоратни амалга ошириш функциясини мужассам этган, ҳисобни юритишдаги хатоликларни, зиддиятларни ва ноаниқликларни тузатиш имконини берадиган ахборот тизимларига, шунингдек солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш (ушлаб қолиш), тўлаш (ўтказиб бериш) билан боғлиқ ҳужжатлар (ахборот) сақланадиган ахборот тизимларига (манбаларига) кириш имкониятини бериш тартиби;

в) ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни янгилаш ва синхронлаштириш, шу жумладан, маълумот базасига киришни таъминлаш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш, маълумотларни реал вақт режимида ёки маълум вақт оралиғида янгилаш тартиби;

г) солиқ органига кириш ҳуқуқи берилган ахборот тизимидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

д) уланиш тартиби (техник талаблар; ахборот тизимларига кириш мезонлари; кириш вақти);

е) қайд ёзувлари (солиқ органи учун фойдаланувчининг қайд ёзувлари ва паролларини яратиш, бериш ва ўзгартириш тартиби; солиқ органига берилган фойдаланувчиларнинг ваколатлари ва фойдаланиш ҳуқуқларини тақсимлаш; солиқ мониторинги вақтида солиқ органига берилган фойдаланувчиларнинг ваколатларини тўлдириш ва ўзгартириш тартиби);

ж) техник ва ахборот таъминотини таъминловчи таркибий бўлинмалар, шунингдек солиқ органи билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун жавобгар бўлинмалар;

з) солиқ органи томонидан масофадан киришдан фойдаланишда техник муаммолар мавжуд бўлган тақдирда техник ва ахборот таъминоти хизматига мурожаат қилиш ҳамда жавоб бериш тартиби ва муддатлари, шунингдек техник носозликлар тўғрисида хабар бериш тартиби ва муддатлари, шунингдек уларни бартараф этиш муддатлари;

и) солиқ органи учун очиқ бўлган ахборот тизимининг функционал имкониятларининг тавсифи (батафсил рўйхати) ва улар билан ишлаш қоидалари;

к) солиқ тўловчининг солиқ органи билан ўзаро ахборот ҳамкорлик учун жавобгар шахслар тўғрисида уларнинг лавозимлари ва алоқа маълумотлари (ўзаро ахборот ҳамкорликнинг танланган тартибидан қатъи назар) кўрсатилган ахборот;

л) узатиладиган ахборотни ҳимоя қилишнинг танланган усули (такомиллаштирилган электрон имзо, пароль, логин ёки узатилаётган ахборотни ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари);

м) солиқ органини асл ҳужжатлар билан таништириш тартиби ва шартлари;

н) солиқ органига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, уларни тақдим этиш шакллари кўрсатилган ҳолда (солиқ тўловчининг ахборот тизимларига кириш орқали, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юбориш);

о) ахборотга доир ҳамкорликни таъминлайдиган ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш муддатлари;

п) ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш (ўзгартириш) пайтида солиқ органи билан солиқ тўловчининг ўзаро ахборот ҳамкорлик тартиби, шу жумладан, тақдим этилган ҳужжатларга (ахборотга) кириш, уларни ўзгартириш ва тўлиқ бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби;

р) тақдим этиладиган ахборотни (файлларни) тузиш тартибининг тавсифи:

жойлаштирилган каталог тизимининг тавсифи;

ахборотни (файлларни) тақдим этиш билан бир вақтда узатилаётган ахборотни (файлларни) аниқлаш принциплари тавсифи.

Агар узатиладиган ахборотнинг (файлларнинг) тузилиши ўзгармаса, тавсифни қайта топшириш талаб этилмайди;

с) солиқ органига тақдим этиладиган ҳужжатлар (ахборот) форматлари;

т) тақдим этилган ва қабул қилинган ҳужжатлар (ахборот) яхлитлигини (ҳажмини) аниқлаш ва тасдиқлаш усули.

#### **4-боб. Регламентнинг 2-бобига қўйиладиган талаблар**

9. Регламентнинг 2-бобига қўйидаги ахборот ошкор этилиши керак:

а) бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакллари ва усуллари тўғриси-

даги маълумотлар (ушбу Регламентга илова шаклида тақдим этилиши мумкин);

б) солиқ ҳисоботлари кўрсаткичларини ошкор қилиш тузилмаси:

солиқ ҳисобининг йиғма регистри;

солиқ ҳисобининг аналитик регистрлари;

бухгалтерия ҳисоби регистрлари;

бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва (ёки) операциялар регистрлари рўйхатлари;

бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари;

в) бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби регистрларида даромадлар, харажатлар, солиқ солиш объектлари, бухгалтерия регистрлари тўғрисидаги маълумотлар, солиқ ҳисобининг аналитик регистрларида акс эттириш тартиби;

г) фойда солиғи бўйича даромадлар ва харажатларни бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини юритиш регистрларида акс эттириш тартиби:

даромадларни, харажатларни ҳисобга олиш тартиби, солиқ ҳисобининг аналитик регистрлари тўғрисида ахборот (ушбу ахборот Регламентга 1-иловадаги\* жадвал шаклида тўлдирилади);

солиқ ҳисобининг аналитик регистрлари, уларнинг асосида солиқ ҳисобининг йиғма аналитик регистрлари маълумотлари шакллантирилади (ушбу ахборот Регламентга 2-иловадаги\* жадвал шаклида тўлдирилади);

бухгалтерия ҳисоби регистрлари асосида тузиладиган солиқ ҳисоби регистрлари тўғрисида ахборот (ушбу ахборот Регламентга 3-иловадаги\* жадвал шаклида тўлдирилади);

бухгалтерия ҳисоби регистрлари тўғрисида маълумотлар;

солиқ ҳисоби маълумотларига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

д) бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ солиш объектларини бухгалтерия ва (ёки) солиқ ҳисоби регистрларида акс эттириш тартиби, шунингдек кўрсатилган регистрлар ва (ёки) бошқа ахбороти асосида солиқ декларациясининг (ҳисоб-китобининг) тегишли сатрларини шакллантириш тартиби.

Бу ҳар бир солиқ ва йиғим тури бўйича ҳисобда солиқ солиш элементларининг акс этиши тартибига ва индивидуал хусусиятларига (агар мавжуд бўлса) боғлиқ равишда эркин шаклда тўлдирилади;

е) бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ва (ёки) солиқ ҳисоби регистрлари тўғрисидаги маълумотлар, бошқа ахборот манбалари маълумотлари эркин шаклда баён этилади, уларнинг асосида ҳар бир аниқ солиқ ва йиғим бўйича солиқ солиш объектлари аниқланади, солиқ ва йиғим суммаси ҳисобланади;

ж) солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши (ушлаб қолиниши), тўланиши (ўтказилиши), тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши тўғрисидаги ахборотни маълумотларни ўз ичига олган бошқа ахборотни акс эттириш тартиби.

---

\* 1 — 3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



**5-боб. Регламентнинг 3-бобига қўйиладиган талаблар**

10. Ушбу Регламентнинг 3-бобида ҳўжалик ҳаётида содир этиладиган фактлар, солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши (ушлаб қолиниши), тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши (ўтказиб берилиши) устидан ички назорат қилиш тизимининг тавсифи келтирилади, шу жумладан:

а) солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши (ушлаб қолиниши), тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши (ўтказиб берилиши) устидан ички назорат тизимини ташкиллаштириш мақсадлари, вазифалари, шунингдек умумий ёндашувлар тавсифи;

б) солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши устидан назорат қилиш учун фойдаланиладиган асосий ахборот тизимлари (ҳисоб тизимлари, маълумотлар базаси) тавсифи (рўйхати ва асосий функциялари);

в) солиқ тўловчининг солиқларни ҳисоблаш, солиқ декларацияларини (ҳисоб-китобларини) тайёрлаш, солиқ солиш методологияси масалалари билан шуғулланадиган таркибий бўлинмалари, уларнинг таркиби, улардаги ходимлар сони, ташкилий тузилиши, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари тўғрисидаги ахборот.

Ички назорат тизимининг тавсифи ушбу ахборотни ўз ичига олган ҳужжатлар Регламентга илова шаклида тақдим этилиши мумкин;

г) солиқ ҳисобини, солиқ декларациясини (ҳисоб-китобларини) бузиш ва солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ва (ёки) тўлиқ тўланмаслик хавфини аниқлаш ва баҳолашда ишлатиладиган ёндашувлар (усуллар) тавсифи, шу жумладан:

солиқ ҳисобини ва солиқ декларацияларининг бузилиши, солиқ ва йиғимларнинг ўз вақтида ва (ёки) тўлиқ тўланмаслиги хавфини бартараф этишга (камайтиришга) йўналтирилган асосий ички назорат тартиб-қоидаларининг тавсифи;

ҳар бир назорат тартиб-таомили бўйича уни ўтказишнинг қабул қилинган тартиб-таомили тавсифи (агар мавжуд бўлса) берилиши керак.

Регламентга илова шаклида тақдим этилиши мумкин бўлган амалдаги ички қоидалар ва назорат тартиб-таомилларини тартибга солувчи ҳужжатларга ҳаволалар;

д) тегишли ички назорат тартиб-таомиллари (ички ҳужжатлар, ички ҳисоботлар, регламентлар, протоколлар, буйруқлар, маълумотномалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар) бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхатини кўрсатган ҳолда ички назорат тартиб-таомилларини ҳужжатлаштириш ва амалга оширишни тасдиқлаш тартиби;

е) ички назорат натижаларини олиш (шакллантириш) тартиби ва муддатлари тавсифи.

11. Регламентга охириги даврда бошқа ташкилотлар томонидан ички назорат тизими ишини текшириш натижалари илова шаклида (агар мавжуд бўлса) илова қилиниши мумкин.

**6-боб. Регламентга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

12. Регламентга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда ёки солиқ тўловчининг ва (ёки) солиқ органининг таклифларига кўра, Регламентда баён этилади, шунингдек Регламентга бундай ўзгартириш ва қўшимчаларни электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинет орқали юбориш шакли кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
«ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**323** Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2806-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ–5834-сон «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 44-сон буйруғи (рўйхат рақами 2806, 2016 йил 7 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 27-сон, 333-модда) билан тасдиқланган Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандида:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига» деган сўзлар «Ўзбекистон Миллий архивига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши «ёхуд Тошкент шаҳар» деган сўзлардан кейин «марказий» деган сўз билан тўлдирилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 майда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**У. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 21 май,  
185-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**324** Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 июндаги 409-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги айрим ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 11 апрелдаги 168-сон буйруғи (рўйхат рақами 3007, 2018 йил 8 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2018 й., 10/18/3007/1190-сон) билан тасдиқланган Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғри-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 июнда эълон қилинган.

сидаги низомнинг 2-бандидаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 20 май,  
213-мh-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
«ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**325** Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2807-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 27-сон, 334-модда) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**У. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 21 май,  
186-сон

Ўзбекистон Республикаси  
«Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил  
21 майдаги 186-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан  
ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган  
ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси марказий давлат архиви, Тошкент шаҳар марказий давлат архиви ва вилоят давлат архивлари томонидан тегишли ҳудуд бўйича умумлаштирилган (жамланган) электрон базалар 25 февралга қадар Ўзбекистон Миллий архивига тақдим этилади».

2. 8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви» деган сўзлар «Ўзбекистон Миллий архиви» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Электрон базалар тегишлича ҳудуд бўйича жамланган ҳолда 20 февралдан кечиктирмай Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар марказий давлат архивлари, вилоятлар давлат архивларининг, республика бўйича умумлаштирилган ҳолда эса, 5 мартдан кечиктирмай Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ҳамда Ўзбекистон Миллий архивининг расмий веб-сайтларида алоҳида саҳифада жойлаштирилиши лозим».

4. 10-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви» деган сўзлар «Ўзбекистон Миллий архиви» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 12-банддан «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**326** «Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1505-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги 120-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари берилган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағлар ажратиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 23 июлдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1505, 2005 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 32-33-сон, 257-модда);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 16 мартдаги 62-сон «Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1505-1, 2018 йил 9 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 10/18/1505-1/1031-сон).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 28 май,  
30-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 июнда эълон қилинган.

*Келишилди:*

*Халқ банки  
бошқарув раиси*

**Ф. САЛОМОВ**

*2021 йил 28 май*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2021 йил 26 апрелдаги 2021-21-сон «Ахборотга доир ҳамкорлик регламентининг шакли ва унга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2021 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3307.***

2. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 21 майдаги 185-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2021 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2806-1.***

3. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2021 йил 20 майдаги 213-тн-сон «Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2021 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директорининг 2021 йил 21 майдаги 186-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2021 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2807-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 28 майдаги 30-сон ««Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгар-



тириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2021 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1505-2.*

### *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 23 июлдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикаси ордени ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1505, 2005 йил 5 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1505-1, 2018 йил 9 апрель).

*2021 йил 5 июнда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

